


87

7-33

И. Эргашев, М. Артиков,
Ф. Жўракулов, Ш. Тоғаев, М. Сафаров

МИЛЛИЙ ФОЯ ТАРГИБОТИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

{ўқув қўллашма}



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУФБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

И. Эргашев, М. Артиков,
Ш. Тогаев, Ф. Жўракулов, М. Сафаров

МИЛЛИЙ ФОЯ ТАРГИБОТИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

{ўқув қўлланма}



Тошкент
«MASHHUR-PRESS»
2016

Муаллифлар гурӯҳи:

Артиков Музаффар – фалсафа фанлари номзоди доцент

Жўрақулов Фурқат – фалсафа фанлари номзоди

Тоғаев Шавкат – фалсафа фанлари номзоди, доцент

Сафаров Мухлис – илмий ходим

Масъул мұхаррир:

Эргашев Ибодулла – профессор

Тақризчилар:

Норқулов Дўстмурод – фалсафа фанлари доктори

Тўраев Шавкат – фалсафа фанлари номзоди

*Мазкур қўлланма Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон
Миллий университети ИТД-1 "Жамиятни маънавий-ахлоқий
ва маданий ривожланиши, маънавий қадриятлар, миллий ғоя,
маданий мерос, ўзбек ҳалқи ва давлатчилик тарихини ҳамда
таълимнинг узвийлик ва узлуксизлигини, баркамол авлод тар-
биясини тадқиқ этиш" дастури доирасида А-1-240 "Миллий
ғоя тарғиботи технологиялари" курси бўйича ўқув қўл-
ланмасини нашрга тайёрлаш амалий лойиҳаси асосида тай-
ёрланди.*

Қўлланма Республика олий таълим муассасаларида "Мил-
лий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими" йўналиши
бўйича тайёрланаётган бакалаврлар учун мўлжалланган. Шу-
нингдек, қўлланмадан миллий ғоя тарғиботи, маънавий-маъ-
рифий ишлар, жамоатчилик билан алоқалар соҳаси вакилла-
ри, ёш мутахассислар, профессор-ўқитувчилар фойдаланиши
мумкин.

ISBN 978-9943-4791-2-8

© «MASHHUR-PRESS», 2016

МУНДАРИЖА

Кириш	4
Миллий ғоя тарғиботи технологиялари фанининг объекти, предмети, мақсади ва вазифалари	9
Миллий ғоя тарғиботи технологиялари соҳалари ва йўналишлари	24
Миллий ғоя тарғиботи воситалари.....	42
Миллий ғоя тарғиботида замонавий технологик услублар	58
Миллий ғоя тарғиботи технологияларининг самарадорлигига эришиш йўллари	71
Миллий ғоя тарғиботида “Жамоатчилик билан алоқалар”	93
Глобаллашув ва турли ғояларни сингдириш технологиялари	104
Ёшлар ва миллий ғоя тарғиботи технологияларидан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари	115
Миллий ғоянинг инсон онги ва қалбига сингиши: янгича услублар ва ёндашувлар	127
Хулоса	146
Глоссарий	151
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	168

КИРИШ

"Биз учун ягона мафкура – бу Ўзбекистоннинг тараққиёти, Ўзбекистоннинг равнақи, Ўзбекистоннинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслигидир".

И.А. Каримов

Жамият ҳаёти турли хил ғоя ва мафкуралар билан боғлиқ ҳолда ривожланиб ўзгариб келган. Бу ҳолат ҳозирги глобаллашув даврида ҳам ўзига хос намоён бўлмоқда. Ғоя ва мафкуралар майдони кенг жамоатчилик, хусусан, ёшлар онгига, ишонч ва майлларига ўзининг турли хил таъсирини кўрсатмоқда. Унинг натижаси ғоя ва мафкураларнинг мақсади, мўлжалларига ҳамда инсоннинг маънавий дунёси, ишончига боғлиқ. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А. Каримов: *"Биз ҳалқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта баҳтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар эстаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, бекиёс аҳамият касб этади. Агар биз бу масалада ҳушёрлик ва сезирлигимизни, қатъият ва масъулиятимизни йўқотсан, бу ўта муҳим ишни ўз ҳолига, ўзибўларчиликка ташлаб қўядиган бўлсан, муқаддас қадриятларимизга йўғрилган ва улардан озиқланган маънавиятимиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб, охир-оқибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолишшимиз мумкин"¹ лигини алоҳида таъкидлайди.*

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас күч. – Т.: "Маънавият", 2008. – 4-6.

Ҳозирги замонда мағкура таргиготи соҳасида янги технологиялар тобора такомиллашиб бормоқда. Ундан турли хил носоғлом мақсадларда фойдаланишга уринишлар кучаймоқда. Бу, Ўзбекистон жамиятини миллий гоя ва маънавий-маърифий ишларнинг самарадорлигини ошириш учун янги технологияларга таяниб иш кўришга ундейди. Уни ҳисобга олиш таълим жараёнида муҳим ўрин тутади ҳамда Ўзбекистоннинг мустақил тарроққиёт йўлидан ривожланишида ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Миллий гоя таргиготи технологиялари фанининг мақсади – ёшларга миллий гоя таргиготи технологиилари, уни амалга ошириш йўллари ва соҳалари бўйича тушунчалар бериш орқали глобаллашув жараёнларидағоявий-мағкуравий кураш ва маънавий таҳдидлар олдини олишда миллий гоя негизлари ва умуминсоний қадриятларга садоқат, ишонч ва эътиқоднинг мустаҳкам бўлишини тарғибот технологияларига, тарғиботчининг фаоллигига боғлиқлигини кўрсатишдан иборат.

У миллий гояни тарғибот қилишнинг янги технологияларидан фойдаланишни назарда тутади. Амалий машғулотларни жойларда ва интерфаол, замонавий устлубларда ташкил этишга эътиборни қаратган ҳолда, ёшларнинг Ватанга меҳр-муҳаббатини, тарихий-маданий хотираларини, миллий-маданий мерос, урф-одатлар ва анъаналаримизга таяниб, турли ҳалқлар маданиятига ҳурмат билан қараш маданиятини шакллантиришга, ўзликни англашига алоҳида эътибор беришни тақозо этади. Мағкуравий курашлар давом этаётган ҳозирги шароитда, миллий гоя тарғиботида замонавий технологиялардан фойдаланиш ва уни такомиллаштириш миллий гоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга хизмат қиласи.

Мазкур фанни ўрганиш миллий гоя, маънавият ва ҳукуқ таълими йўналиши бўйича ўқиётган мутахассис қадрларга мўлжалланган. Чунки бу соҳадаги мутахассис

кадрлар сифатида улардан миллий ғоя тарғиботи технологияларини билишларини, ундан түгри фойдаланиш кўникма ва малакасига эга бўлишларини тақозо этади. Шунингдек, миллий ғоя ва мафкура тарғиботи технологиялари соҳасидаги янгиликлар ва ўзгаришлар таълим-тарбия ҳамда маънавий-маърифий соҳанинг такомилига хизмат қиласди.

Миллий ғоя тарғибот технологияларини ҳаётга татбиқ этишда таълим-тарбия соҳаси муҳим аҳамиятга эга. Унинг ўзига хос жиҳати шундаки, мавжуд таълим стандартида, фаннинг намунавий ўқув дастури, ишчи ўқув дастурида аниқлаб берилган тарғиботи амалга оширилади. Мавзу бўйича таянч тушунчаларнинг мазмунни ва моҳияти бўйича ёшларда билим ва кўникмалар ҳосил қилинади.

Бунинг учун турли хил услугуб ёки технологиялардан фойдаланилади ва қўлланилади. У замон, ёшлар онги ва тафаккури, дунёқараши хусусиятларига, миллий ғоя мақсадларини англашга, ишонч ва эътиқодини мустаҳкамлашга хизмат қилиши муҳим.

Миллий ғоя тарғиботи технологияларини ўқитишда, шу йўналишда таълим олаётган мутахассис кадрларни тайёрлаш алоҳида ўрин тутади ва ўзига хос хусусиятларга эга. Бу уларни мутахассис кадрлар сифатида миллий ғоянинг ёшлар, кенг жамоатчилик ўртасида ўзаро муносабатларда ижтимоий ҳаёт соҳалари орқали ундан самарали фойдаланган ҳолда, тарғибот воситаларидан унумли фойдаланишга эришиш таълим-тарбияни түгри ташкил этишга кўмаклашади. Миллий ғоя тарғиботи технологияларини билиш, ўрганиш орқали ундан таълим ва тарбия соҳасида түгри фойдаланишнинг замон талабларига жавоб бериши унинг муҳим мақсадидир.

Миллий ғоя тарғибот технологияларини ўқитиш орқали зарур кўникма ва малакаларини шакллантириш муҳим тарбиявий аҳамият касб этади. Бу:

– Таълим-тарбиянинг узвийлигини таъминлашга хизмат қиласди;

– Миллий гоя тарғибот технологияларини билиш, түгри татбиқ этиш таълим сифатини оширишга ёрдам беради;

– Миллий гоя тарғиботи технологияларини ўрганиш, уни амалий ҳаётга татбиқ эта олиш, ёшларда миллий гоянинг бош гояси, асосий тушунча ва тамойилларни таълим орқали онг ва тафаккурда ижтимоийлашишига, ишонч ва эътиқодга айлантиради;

– Миллий гоя ёшларни ватанпарварлик, ён атрофга дахлдорлик ҳисси билан тарбиялади, масъулиятини оширади;

– Миллий гоя тарғиботини түгри ташкил этиш унинг усул ва технологияларидан оқилона фойдаланишини тақозо этади. Түгри фойдаланиш кўникмасига, малақасига, маҳоратига эга бўлиш таълим орқали тарғиботнинг самарадорлигини таъминлашга кўмаклашади.

– Ёшларнинг миллий гояга бўлган ишонч ва эътиқодини мустаҳкамлади.

– Ёшларни ёт ва заарли ғоялар таъсиридан ҳимоялади, мафкуравий иммунитетни оширади.

– Ёшларнинг турли хил мақсадлар, дунёқараш, майл ва кўникмаларга эгалиги, тарғиботнинг турли хил технологиялари орқали уларни ягона – муштарак мақсадларни англашга, унинг атрофида ўзаро яқдил, ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик туйғуларини тарбиялашга эришиш унинг муҳим мезони ҳисобланади.

Миллий ғоя тарғиботи технологиялари намунавий дастур бўйича асосан 9 та мавзуни ўз ичига олади. Лекин мазкур ўқув қўлланмани тайёрлаш зарурлиги, унга бўлган эҳтиёжини, муаммо қўлами ning кенглигини ҳисобга олиб, миллий гоя тарғиботи технологияларини нафақат олий таълим босқичида, уни таълимнинг барча босқичларида ҳамда таълимдан кейинги босқичда ҳам кундалик ҳаётда, мафкуравий ҳаёт соҳаларида учраётган муаммолар билан боғлиқ ҳолда ўрганишни ҳам тақозо этади.

Шунинг учун ижтимоий ҳаёт соҳаларида, миллий ғоя тарғиботида мавжуд саволларга, муаммоларга ҳам жавоб бериш фойдалидир.

Шунинг билан бирга миллий ғоя тарғиботи технологиялари бўйича ўқув қўлланмаси, уни ўқитишда ҳозирги замон педагогик технологияларини қўллаш, ундан фойдаланишнинг усул ва услубларини яхши ўзлаштириб олишлари, уни мавзуларга татбиқ эта олиш билан бирга ижтимоий ҳаётда учрайдиган турли хил муаммоли вазиятларни таҳлил этишда, унинг ечимини топиш, умумий тўғри хуносалар чиқариш ва қарорга келиш имкониятини беради. Бунга алоҳида эътибор қаратилади. Бу турли вазиятларга янги инновацион тарғибот технологияларини қўллаш орқали тегишли хуносалар, тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан амалий аҳамият касб этади.

Мазкур қўлланма миллий ғоя тарғиботи билан қизиқувчи мутахассис кадрлар, профессор-ўқитувчилар, миллий ғояни ўрганиш илмий-амалий маркази, маънавият тарғиботи маркази ходимлари ҳамда ота-оналар, кенг жамоатчилик учун фойдалидир.

1-МАВЗУ. МИЛЛИЙ ГОЯ ТАРГИБОТИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ФАНИНИНГ ОБЪЕКТИ, ПРЕДМЕТИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Режа:

1. *Миллий гоя таргиботи технологиялари фанининг объекти, предмети, мақсади ва вазифалари.*
2. *Миллий гоя таргиботи технологиялари фанининг асосий тушунчалари, маъно-мазмуни.*
3. *Миллий гоя таргиботи технологиялари фанини ўрганишнинг асосий усул ва тамойиллари.*

Миллий гоя таргиботи технологиялари фанининг объекти, предмети, мақсади ва вазифалари. Миллий гоя таргиботи технологиялари фани ўзининг объекти, предмети, мақсад ва вазифаларига зга. Миллий гоя таргиботи технологияларини ўрганиш миллий истиқлол гояси фанининг амалий жиҳати ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан ёндашганда уларнинг ўзаро муносабатида объекти, предмети, мақсад ва вазифаларида умумий ва фарқли жиҳатлари мавжуд.

“**Миллий гоя деганда, аждодлардан авлодларга ўтиб, асрлар давомида эъзозлаб келинаётган, шу юртда яшайтган ҳар бир инсон ва бутун халқнинг қалбида чуқур илдиз отиб, унинг маънавий эҳтиёжи ва ҳаёт талабига айланиб кетган, таъбир жоиз бўлса, ҳар қайси миллатнинг энг эзгу орзу-интилиш ва умидларини ўзимизга тасаввур қиласиган бўлсак, ўйлайманки, бундай кенг маъноли тушунчани мазмун-моҳиятини ифода қилган бўламиз”.²**

Миллий гояни ўрганишнинг объектив зарурлиги унинг мазмун-моҳиятини, асосий тушунча ва тамойилларини назарий-методологик асосларини кенг жамоатчиликка етказиш, тушунтиришдан иборат. Маълумки,

² Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008. – 71-б.

миллий ғоя шаклланади ва шакллантирилади. Унинг шаклланиши воқеа-ҳодисаларга ҳар бир кишининг мустақил дунёқариши билан боғлиқ бўлса, шакллантириш жараёни эса унинг амалий жиҳатдан таълим-тарбия, тарғибот технологиялари, соҳалари ва йўналишлари, тарғибот воситалари билан узвий алоқадордир. Шунинг учун ҳам миллий ғоя тарғиботи технологияларидан тўғри фойдаланиш, уни тўғри ташкил этиш ва йўналтиришга бевосита боғлиқ.

Миллий ғоя тарғиботи технологияси – аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган эзгу ғояларнинг маъносини, мазмунини, моҳиятини ёритиш, тушуниш орқали шу эзгу мақсадларга ёшларни даъват қилиш, чорлашда техник воситалар, янги технологиялардан фойдаланиш, уни эзгу мақсадларга йўналтириш, сафарбар этиш орқали жисплаштириш, ёт ва зарарли ғояларга қарши иммунитетни мустаҳкамлаш усул ва услубларини ўрганиш тўғрисидаги фандир.

Миллий ғоя тарғиботи технологиялари фанинг объекти:

- миллий ғоя тарғиботи йўналтирилган аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган энг бунёдкор ғоялар, мақсадларни ўрганиш;
- халқимизнинг урф-одат, анъана, қадриятлари тизимини тарғиб этиш;
- халқимиз ҳаёт тарзи, уларнинг орзу-умидлари, онг-тафаккур тарзлари, Ўзбекистон жамияти ҳаёти соҳалари ва миллий-маънавий негизлари, умуминсоний демократик қадриятлар, тамоилларни тарғиб этиш;
- турли халқлар ва миллатлар, гурухлар ва унга таъсир этувчи омиллар, жамият ҳаётининг маънавий-маърифий, ғоявий-мафкуравий тарғибот соҳаларида фойдаланиладиган воситалар ҳамда услублар мажмуидир. Демак, миллий ғоя тарғиботи технологияларининг объектини жамият ҳаётининг маънавий-маърифий, ғоявий-мафкуравий соҳасининг ташувчилари ҳисобланган

турли хил аждодлар, авлодлар, халқлар, миллатлар, инсонлар, ижтимоий этник гурухлар ва қатламлар ташкил этади. Миллий гоя таргиготи технологиялари миллий истиқлол гояси фанининг асосий тушунча ва тамойилларига таянади;

- умуминсоний қадриятларга содиқлик;
- халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;
- ватанпарварлик.³

Миллий гоя таргиготи технологияларининг мақсади ва вазифалари миллий гоянинг бош гояси ва асосий гояларини кенг жамоатчиликка таргигот-ташвиқот қилиш, уларнинг маънавий тарбиясини түғри шакллантириш, баркамол авлодни вояга етказиш билан узвий боғлиқ.

Миллий гоя таргиготи технологиялари фанининг предмети миллий гоя таргиготида қўлланиладиган усуллар, унга ёндашиб маҳорати ва хусусиятларини кенг жамоатчилик: инсонлар, турли гурухлар ва қатламлар, халқлар, миллатларнинг ишончи ва зътиқодига айланиши, унинг миллий-маданий, умуминсоний негизларини түғри таргигот этиш орқали жамият ҳаёти соҳаларида намоён бўлиш шарт-шароитлари, омиллари, қонуниятларини ўрганишдан иборат.

Миллий гоя таргиготидан кўзланган асосий мақсад ва вазифалар:

1. Халқни эзгу гоя билан боғлиқ муштарак мақсадларда бирлаштириш ва уюштириш.
2. Фуқароларни миллий гояга ишонтириш.
3. Фуқароларни муайян эзгу гояга жипслаштириш.
4. Демократик хуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуришга сафарбар этиш.

³ Каримов И.Л. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. - Т.: "Ўзбекистон", 1996. - 67-6.

5. Маънавий-руҳий рағбатлантириш ҳамда миллий ғоя негизларига бўлган ишонч ва эътиқодини мустаҳкамлаш.

6. Ёшларни миллий ғоя мақсад ва тамойилларига содик ҳолда тарбиялаш.

7. Ёт ва заарли ғоялар, турли хил мағкуравий хурружлар, "оммавий маданият" ва маънавий таҳдидларга қарши ғоявий иммунитетини шакллантириш ҳамда мустаҳкамлаш, жамият олдида турган мақсад ва вазифаларни амалга оширишда ҳаракат дастури бўлишга йўналтирилган⁴.

Миллий ғоянинг тарғиботи технологиялари вазифалари:

1) миллий ғоя тарғиботи технологиялари бўйича комплекс дастур яратиш;

2) миллий ғоя тарғиботи технологияларини янада такомиллаштириш;

3) миллий ғоя тарғиботида янги педагогик технологиялардан унумли фойдаланишга эришиш;

4) миллий ғоя тарғиботи технологияларида таълим тизимининг фаолиятини янада такомиллаштириш;

5) миллий ғоя тарғиботида интерфаол усуллардан фойдаланиш орқали уни оммалаштириш ва босқич-ма-босқич сингдирис бориш;

6) миллий ғоя тарғиботи технологияларининг жамият ҳаётидаги роли ва аҳамиятининг янада ошиб бориши ва ҳ.к.

Шу мақсадларга эришишда миллий ғоя тарғиботи технологияларидан оқилона фойдаланиш ва ташкил этиш кутилган амалий самарани бериши мумкин.

Миллий ғоя тарғиботи технологиялари фанинг асосий тушунчалари, маъно-мазмуни. Миллий ғоя тарғиботи технологиялари жамият ҳаёти соҳалари билан боғлиқ бўлган муайян тушунчаларга асосланади.

⁴ Миллий истиқбол ғонси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т: "Ўзбекистон". 2000. -20-б.

Улар жамият маънавий-маърифий, гоявий-мафкура-вий соҳаларида шаклланган турли хил тушунчалардир. Миллий гоя тарғиботи технологияларида қўйидаги тушунчаларни ҳисобга олиш зарур, улар турли ҳалқлар ва жамиятлар ҳаётида ўзига хос ўринга эга. Уларнинг мазмун-моҳиятини тарғибот технологияларини амалга оширишда холисона ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга. Улар, биринчидан, турли жамиятлар, ҳалқлар ҳаёти миллий маданий қадриятлари, мақсадлари билан боғлиқ бўлган турли хил маъно-мазмунга эга умумий тушунчалар "гоя", "мафкура", "миллий гоялар", "умумбашарий гоялар", "технология", "тарғибот-ташвиқот", "тарғиботчи", "тарғибот технологиялари"; иккинчидан, турли жамиятларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ мақсад ва интилишларни ифода этадиган турли хил сиёсий мафкуралар кўринишлари билан боғлиқ тушунчалар. Учинчидан, Ўзбекистон жамияти ва ҳалқининг ҳаёти, унинг тарихи миллий-маданий мероси ва қадриятлари билан боғлиқ бўлган, уни ўзида акс эттирадиган ва унга хизмат қиласидиган: "Миллий истиқбол гояси", "Миллий истиқбол мафкураси", "Миллий истиқбол гоясининг асосий тушунчалари ва тамойиллари", "Миллий истиқбол гоясининг бош гояси", "Миллий истиқбол гоясининг умумбашарий тамойиллари", "Миллий гоя тарғиботи технологиялари", "Миллий гоя тарғиботи асослари ва йўналишлари", "Миллий гоя тарғиботи воситалари" ва бошқа тушунчалардир.

Миллий гоя тарғиботи технологиялари билан боғлиқ тушунчаларнинг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, у, асосан, Ўзбекистон ҳалқи ижтимоий ҳаёт соҳалари, ҳалқнинг миллий-маданий мероси, урф-одатлари, қадриятлари, тили, маданияти, тарихи, фалсафасига узвий боғлиқ. Миллий гоя тарғиботи технологиялари миллий ривожланиш хусусиятларини эътироф этади ва унга ҳурмат билан қарайди. Дунёда эришилаётган ютуқлардан самарали фойдаланилади. Миллий гоя

тарғиботи технологияларида "синфийлик", "партиявийлик", "эгоизм", "миллий эгоизм", "миллий айрмачилик", "шовинизм" каби носоғлом ғояларга асосланилмайды. Миллий ғоя тарғиботи технологиялари бошқа мамлакат халқарининг ҳаётига ўз ғояларини ошкор ёки пинҳон тарзда сингдиришни даъво қилмайды. Бу билан у "коммунистик ғоя тарғиботи технологиялари"дан, "оммавий маданият" ва "маънавий таҳдид" кўринишидаги технологиялардан тубдан фарқ қиласди.

Уумман, "ғоя" ва "мағкура", "технологиялар" тушунчалари кенг маънога эга. "Миллий ғоя" ва "Миллий ғоя тарғиботи технологиялари" тушунчаси бир-биридан фарқ қиласди. Миллий ғоя Ўзбекистон жамияти ҳаёти билан боғлиқ. У жамиятнинг мағкурасидир. У миллий-маданий мерос ва умуминсоний қадриятлар билан боғлиқ негизларини ўзида ифода этади. Миллий ғоя тарғиботи технологиялари ҳам Ўзбекистон халқининг миллий-маданий мероси, умуминсоний қадриятларни, эзгу мақсад ва манфаатларни ифода этади. Уни кенг жамоатчиликка етказиш маҳорати, йўллари, воситалари, шакл ва усулларининг мажмунини ўз ичига олади.

"Технология" юонча "techne" – "маҳорат, санъат"; "logos" – "таълимот" маъносини билдиради. У кенг маънога эга, масалан, ишлаб чиқаришнинг бирор соҳасига ишлов бериш, қайта ишлаш, уларнинг ҳолати, хоссалари ва шаклини ўзгартиришда қўлланиладиган усуллар мажмунини англатади. Уни миллий ғоя тарғиботига нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Шу нуқтаи назардан ёндашганда, уни миллий ғоя тарғиботини ташкил этиш маҳорати, санъатида қўлланиладиган усуллар мажмуи сифатида талқин этиш мумкин. Демак, "Миллий ғоя тарғиботи технологиялари" тушунчаси ўзига хос мазмун ва хусусиятларга эга. У ишлаб чиқариш соҳасида қўлланиладиган "технология" тушунчасидан фарқ қиласди. У инсонлар онги ва тафаккурига йўналтирилган ўзига хос хусусиятга эга. Буни миллий ғоя тарғиботида алоҳида ҳисобга олиш зарур.

"Тарғибот" тушунчаси арабча "тарғиб" сўзидан олинган бўлиб, "хоҳишни, қизиқиши кучайтириш, рағбатлантириш" маъноларини англатади. Бу бирор гоя, таълимотни ёйишга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларини билдиради. "Тарғиботчи" – тарғибот ишларини олиб борувчи шахсни, "тарғиботчилик" эса тарғибот олиб боришни, тарғибот ишини англатади⁵.

Миллий гоя ва миллий истиқлол ғояси кент, мураккаб, серқиррадир. Бу Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги каби юксак ғояларнинг маъно-мазмунини теранenglаб олишга хизмат қиласди. Бу гоя халқни халқ, миллатни миллат этадиган, унинг шаъну шарафи, ишонч-эътиқодини ифодалайдиган, ўзига хос тараққиёт йўли, турмуш тарзи, туб манфаатларига таянган ҳолда муттасил ривожланиб борувчи қарашлар тизимиdir.

Кўриниб турибдикি, миллий гоя тарғиботи технологияларини ўрганишни тақозо этадиган умумий ва ўзига хос қонуниятлар мавжуд. Бу инсон ва жамият ҳаёти ривожланишининг муайян ғоя билан ўзаро боғлиқлигини билдиради. Жамият ривожланиши ана шу гоянинг кўринишига, мақсад ва вазифаларига бевосита боғлиқ бўлади. Бунда ғоялар хилма-хиллигини, эзгу, бунёдкор, вайронкор ва тажовузкор ғоялар мавжудлигини, уларни жамият тараққиётига ҳар хил таъсир кўрсатишини ҳисобга олиш лозим. Миллий гоя – бунёдкор ғоядир. Жамият мафкурасиз ва мақсадсиз яшай олмайди. Миллий гоя тарғиботи технологиялари ўзгарувчанлиги ва унинг динамик характерда эканлигидадир. Ҳозирги даврда мафкура соҳасидаги курашнинг кучайиб бораётганлиги ҳам миллий гоя тарғиботи технологияларидан оқилона ва унумли фойдаланишни тақозо этади. Жамият мафкурасиз яшай олмайди, лекин ҳамма мафкуралар ҳам эзгу мақсадни кўзлаётганлиги йўқ. Шуни ҳисобга олган ҳолда, биринчидан, мафкура ҳар қандай жамият ҳаётида зарур. Мафкура бўлмаса инсон, жамият, давлат ўз йўли-

⁵ Ўзбек тилининг изоҳли лугати. – Т: 4-жилд. -6-б.

ни йўқотиши муқаррар. Иккинчидан, қаердаки ғоявий бўшлиқ юзага келса, тарғибот технологиялари замон талабларидан орқада қолса, ўша ерда ёт ғоя ва мафкураларнинг кириб келиши эҳтимолининг ошишини аниқ ҳисобга олиш зарур. Бу ҳолатларни ҳисобга олиш миллий ғоя тарғиботи технологияларининг мазмунни, мақсади ва хусусияти нуқтаи назаридан қарагандан устувор аҳамиятга эга. У Ўзбекистон Республикасининг келажаги билан ўзлигини сақлаб қолиши ҳамда ўз негизида мустақил ривожланиши, дунёда ўзига хос ва мос ўринга эга бўлиши билан боғлиқ. Миллий ғоя тарғиботи технологияларининг асосий тушунчалари шу маънода ўзига хос маъно ва мазмунга эга.

Миллий ғоя тарғиботи технологиялари фанини ўрганишнинг асосий усул ва тамойиллари. Миллий ғоя тарғиботи технологиялари фанини ўрганишнинг ўзига хос усул ва тамойиллари мавжуд. Миллий ғоя тарғиботи технологиялари фани ижтимоий-гуманитар фанлар ўрганадиган асосий методларга таянишини ҳисобга олиш лозим. Бунда миллий ғоя тарғиботини ташкил этишда "диалектик услугуб"дан кенг маънода фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки диалектика воқеа ва ҳодисаларга ўзгаришда ва ривожланишда деб қараш тамойилларини беради. Шу маънода диалектика баҳс-мунозара, ўзаро мулоқот услугиси сифатида умумназарий аҳамиятга эга. Бу миллий ғоя тарғиботи технологияларидан фойдаланишда илмий, холисона хулосалар чиқаришга ёрдам беради. Фақат диалектикани "материалистик диалектика"дан тубдан фарқ қилишини ҳисобга олиш зарур. Чунки материалистик диалектика жамият ҳаёти ривожланишини бир томонлама фақат моддийлик омилига боғлаб тушунтиришга ҳаракат қиласади. Уни мутлақлаштиради. Ижтимоий ҳаётнинг ўзгариши эса "маънавий ва моддий ҳаёт уйғулиги"⁶ орқали амалга

⁶ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: "Маънавият", 2008. – 65-70-б.

ошади. Шунда ривожланиш, тараққиёт инсон ва халқлар манфаатига хизмат қиласы. Миллий гоя таргиготи технологиялари фанини ўрганишда социология, психология, социал-психология, ижтимоий-иктисодий, сиёсий фанлар усулларига ҳам таянади. Фанни ўрганишда социологик сұров, қиёсий таҳлил, баҳс-мунозара, ҳозирги замонда көнг кириб келаётган замонавий педагогик технологиялар, интерфаол усулларидан: "Кластер усули", "Ажурли арпа", "Эксперт баҳолаш", "Дельфи", "Паттерн", "Үйинлар назарияси"; "Сократ", "SWAT-таҳлил", "Ақтүй хужум", "Фокус гурухлар" усуллари ва бошқа усуллардан ҳам фойдаланилади.

Глобаллашув жараёнида мағкуравий кураш ўзининг юқори нұқтасига чиқаётган бугунги кунда мағкуравий таъсирлар ёшларнинг онгини заһарлаш ва уларни ўз манбаатлари йўлида бир томонлама фойдаланиш оқибатлари шуни яна бир бор исботламоқдаки, аввало, мана шу қатлам орасида миллий гоя таргиготини көнг кўламда ёйиш, моҳиятини очиб беришга хизмат қиласы. Масалан, миллий гоя таргиготи технологиясида анъанавий услубларнинг ўрнини ҳам инкор этмаган ҳолда, уни янгича талқин этиш, бойитиш, турли шаклларда замонавийлаштириш фойдалидир. Замонавийлаштириш анъанавийликни инкор этмаслиги муҳим. Таргиготда анъанавий услублардан замонавий тарзда фойдаланиш са-маралидир. Турли дебатлар, таълим тизимидағи таргигот технологияси сифатида асосий мазмун касб этувчи "ажурли арпа" (талабалар икки гурухга бўлинган ҳолда турли мавзуларни таҳлил қилиши), "кластер" (ахборотларни тарқатиш), "мунозара", "ўз ўрнингни топ" (агар аудиторияда муайян мавзу бўйича тортишувлар вужудга келса, мазкур усул ёрдамида муаммо ечими аниқла-нади) усулларидан фойдаланиш мумкин. Бир томондан, унинг мазмуни дарснинг асосан кириш қисмида кўлла-нилади, ўтилаётган мавзуга нисбатан турли ёндашув-лар мавжудлиги айтилади. Иккинчи томондан, талабалар фикрини баён қилиши ёки фикрини ЎЗДЕРГИДА

имкон туғилади. Бу талабаларнинг мустақил фикрлари шаклланишига ва ўрганилаётган мавзу бўйича ўзларининг қарашларини ифода этишга имкон беради. Ниҳоят, дарс сўнгидаги ўқитувчи мавзуни ўзлаштириш даражасини баҳолайди. Бундан ташқари, педагогик технологиянинг “Дебатлар” усули каби интерфаол усусларидан кенг ва оммавий равишда таълим тизимларида фойдаланиш миллий ғоя тарғиботида етакчи мазмун касб этади. “Дебатлар” асосида дарсни ташкил этишдан асосий мақсад муаммонинг ечимини топишда талаба ўз ёндашувининг тўғрилигига ўзларини ишонтиришидир. Ўз фикрини аниқ лўнда баён этиш, бунинг учун тўғри далил ва хулоса топиш кўникмасини шакллантиришда “дебатлар” самарали усул ҳисобланади. Тарғиботда анъанавий услублардан замонавий тарзда фойдаланиш муҳимдир.

Миллий ғоя тарғиботи ва ташвиқотининг асосий усусларидан бири – “Ижодий танқидий фикрлаш” усули ҳисобланади. Бу фақат танқид қилиш, эътироф этмаслик дегани эмас. Танқид холис ижодий ва амалий бўлиши, аниқ хулосаларга, таклифларга таяниши лозим. Демократик жамиятда ҳар бир фуқаро муаммони оқилона ечиш қобилиятига, салоҳиятига, тафаккурига, илмига эга бўлиши керак. Шу боисдан миллий ғояни аҳоли ва айниқса, ёшлар орасида миллий ғоя тарғиботини таомиллаштиришда таълим технологиясининг ўрни беқиёсdir. Шунинг учун талабаларни баҳс-тортишув орқали масаланинг ечимини топишга кўпроқ жалб қилиш лозим. Бу уларни фикрлашга ундейди, фаоллигини, маъсүлиятини оширади.

Саволларни ечишда талабаларда тинглаш, мулоқот олиб бориш, турли фикрларни таққослаш, ўзгалар фикрига бефарқ қарамаслик каби одатлар шакллана бора-ди. Масалани ечиш ва ҳукм чиқариш, аналитик фикрлаш қобилияти ривожланади, мунозара юритиш, ечимларни тўғри топиш кўникмаси ўзлаштирилади.

Баҳс-мунозара жараёнида талабалар;

- баҳс маданиятини;
- ҳар бир фикрни ҳурмат қилишни;
- фикрларни асослаш ва далиллашни ўрганади.

Фикрдаги муштарак мақсадларни кўра билиш ва уни эътироф этиш мақсадга мувофиқdir. У турли халқлар ва мамлакатлар ҳаётида онг, дунёқараши, маънавий маданияти, қарашларида содир бўлаётган янгиланишлар билан узвий боғлиқ. Айни пайтда ғоя ва мафкура соҳасида янги технологик ўзгаришларни кенг жорий этилиши ҳам уни замон билан ҳамнафас ҳолда янгиланиб ва такомиллашиб боришини тақозо этади. Бу миллий гоя тарғиботи технологиясини ҳаёт билан бирга такомиллашиб боришда давр ўзгаришларидан орқада қолмаслигини зарур қилиб қўяди. Миллий гоя тарғибот технологиялари давр ва замон ўзгаришлари билан боғлиқ ҳолда ўзгарувчанликка эга. Буни тарғиботда ҳисобга олиш зарур.

Ҳозирда давр ўзгариб, айниқса, миллий гоя тарғиботи билан шуғулланувчи замонавий мутахассисларга талаблар ошиб бормоқда. Бугунги ахборот асирида таълим-тарбия тизимида муҳим ислоҳотлар, ўзгаришлар амалга ошли. Мустақиллик туфайли таълим-тарбия жараёнида янгича қараш шаклланди. Ўқиши жараёнига янгича замонавий услублар кириб келмоқда. Булар, **бириинчидан**, анъанавий ўқитиш, ёзма-оғзаки сўзларга таяниб иш кўриш ҳамда “ахборотли ўқитиш” сифатида тавсифланади. Бунда ўқитувчи аудиторияда ўзининг якка таъсирига эга бўлади. Ёшлар ўқув жараёнида фаол иштирок этмайди, уларнинг қизиқишилари ва мустақил фикр-мулоҳазалари тўлиқ ҳисобга олинмайди. Бу “якка мафкуравий ақидаларга таяниш” талабига мос бўлганлиги аниқ. Лекин мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллиги, демократия шароитидаги талабларга жавоб бермайди. Айни пайтда бу ўқитувчининг таълим-тарбиядаги ўрни иккинчи даражали бўлиб қолишини англатмайди.

Иккинчидан, ахборотлар ҳажмининг кўпайиб бориши, улардан фойдаланиш учун вақтнинг чекланганлиги

ҳамда уларни саралаш ва тизимлаштиришнинг бирмун-ча мураккаблиги янгича ёндашувларни тақозо этади.

Учинчидан, тъълим-тарбияда янги технологияларнинг узлуксиз жорий этилиши ёшларни анъанавий ўқи-тиш услубининг янгиланиши ва табиий равишда, янги педагогик технологияларнинг қўлланиши ёшларни ўқув жараёнининг фаол иштирокчисига айлантиради.

Миллий ғоя тарғиботи технологияларининг регуля-тив таъсири шундаки, амалий нуқтаи назардан куйида-ги ҳолатларни ҳисобга олишга:

1. Миллий ғоя тарғиботи технологияларидан сама-рали фойдаланишга ундейди;

2. Дунё фани эришаётган ютуқлардан амалий фа-лиятда фойдаланишга сафарбар қиласди;

3. Инсон маънавиятини юксалтириш орқали унинг салоҳиятини ошириш йўлларини кўрсатиб беради;

4. Ахборотнинг янги воситаларидан фойдаланиш, аҳоли кенг қатламлари орасида тарғибот олиб бориша ми́ллий ғоянинг янги замонавий технологияларидан фойдаланишга имконият яратади.

Миллий ғоя тарғиботи технологияларидағи янги-ланишлар ва унинг замон билан ҳамнафас бўлишини, жамиятдаги демократик янгиланишлар, глобаллашув ва мафкуравий курашлар соҳасидаги ўзгаришлар ҳам тақозо этади. Чунки дунёда мафкура соҳасида янги тех-нологияларни қўллаб, кўпроқ “жозибали” бўлишига эри-шиш орқали ёшларни ўзига жалб этишга, охир-оқибатда уларнинг онгига миллий ғоя негизларидан бегона бўл-ган қадриятларни олиб киришга уриниш мавжуд.

Шунга асосланиб технологиянинг миллий ғояни тарғиб этиш маҳоратини замонавий илмий-амалий та-факкур усули, деган холосага келиш мумкин. Миллий ғоя тарғиботининг замонавий маҳорат даражасига кўтариш ва кўтарилиганлиги уни ҳозирги замон билан ҳамнафаслигининг ифодасидир. Акс ҳолда замондан орқада қолади.

Миллий гоя таргиготи технологияси нүқтаи назардан у жараён сифатида учта қоида билан тавсифланади:

1. Жараённи ўзаро боғлиқ босқичларга тақсимлаш;

2. Кутилаётган натижа (белгиланган мақсад)га эришиш учун қаратилган ҳаракатларни изчил ва босқич-ма-босқич бажариш;

3. Кўйилган мақсадга мос натижага эришиш алоҳида аҳамият касб этиши билан боғлиқ.

Миллий гоя таргиготи технологиялари ҳозирги замон билан ҳамнафас тарзда қуидаги вазифаларни амалга ошириши лозим:

1. Миллий гоя таргиготи бўйича ҳар бир жойнинг ва соҳаларнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда комплекс замонавий дастур яратиш;

2. Миллий гоя таргиготи технологияларининг мазмун-моҳиятини очиб бериш орқали уни янада такомиллаштириш;

3. Миллий гоя таргиготида янги педагогик технологиялардан янада унумли фойдаланиш;

4. Таълим тизимида миллий гоя таргиготи фаолиятини такомиллаштириш, уни ривожлантириш йўлларини белгилаб бериш;

5. Миллий гоя таргиготида интерфаол усуллардан фойдаланиш орқали уни оммалаштириш ва фуқаролар онгига босқичма-босқич сингдириб бориш;

6. Аҳоли кенг қатлами орасида миллий гоя таргиготи ва маънавий-маърифий ишларни мунтазам олиб боришдан иборат.

Илмий адабиётларда “бошқарув технологияси”, “педагогик технология”, “ахборот технологияси” кенг тавсифланган. Улар ўзлари тегишли бўлган соҳалардаги мақсадларга эришишнинг асосий тамоилларини ўз ичига олади ва фаолият кўрсатади. Миллий гоя таргиготи технологияларини, аввало, таълим-тарбия тизимида кенг қўллаш орқали оммалаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки “Миллий гояда мужассам бўлган буюк

мақсадларни рүёбга чиқариш, авваламбор, жамиятимиз ва шу жамият аъзоси бўлмиш ҳар қайси инсоннинг маънавий олами ва дунёкарашидаги ижобий ўзгаришлар билан бевосита боғлиқ эканини унутмаслигимиз зарур”⁷.

Миллий ғоя тарғиботи узоқ давом этадиган узлуксиз жараён бўлиб, унинг самарадорлигини ошириш, аввало, тарғибот технологияларига ҳам боғлиқ. Айнан шу турдаги технологиялардан фойдаланиш миллий ғояни аҳоли онгига сингдириш, тушунтириш ва моҳиятини очиб бериш етакчи аҳамият касб этади.

Бугунги кунда тарғибот технологиялари янгиликларини тарғиб этиш, таълим жараёнларида мустақилликни таъминлаб бериши билан ҳам ажралиб туради.

Таълим-тарбия соҳаларида миллий ғоя негизларига, тамойилларига таяниш муҳим. Бунда миллий ғоя тарғиботида анъанавий йўл билан бирга замонавий ёндашув ўртасида узвий алоқадорлик мавжуд. Замонавий усуллардан фойдаланиш деганда кўпроқ янги техник воситалардан фойдаланишни, материални янгича услубда тақдимот шаклида етказиб бериш, жонли мулоқот, савол-жавоблар, баҳс-мунозара, интерфаол усулларни кўпроқ кўллаш тушунилади. Бу бир томонлама эмас, кўп томонлама фаолликни оширади. Эшитувчини фикрлашга, фикрини уйғотишга, унинг жамиятдаги ўрнини ҳис этишга, онг ва тафаккурининг тўғри ва мақсадли ўзгариб боришига ундейди. Инсон – мураккаб мавжудот. У ахборотларни, жараёнларни турли хил тарзда қабул қиласи. Бунда онгли, таҳлилий қабул қилиш ва фарқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Шахс, жамият ва давлат орасидаги муносабатларнинг технологик ўзгариши натижасида муносабатлар технологияси шахснинг мустақил фикрлаш, мустақил қарор қабул қилиш, масъулиятни ўз зиммасига олиш каби жараёнларнинг барқарор бориши учун:

1) инсон ҳаётида турли вазиятларга тушиб қолганида унинг ҳаёт мобайнида тўплаган тажрибаси, инсоний фазилатлари етакчи роль ўйнайди;

⁷ Каримов И.Л. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т: “Маънавият”, 2008. -76-6.

2) ёшларда муаммолар, воқеа-ҳодисаларни реал мақон ва вақт чегараларида аниқ тасаввур қилиш ва ечимларини белгилай олишини ривожлантириш мұхим;

3) бир вақтнинг ўзида бир қанча муаммолар мөхиятни англаш орқали тажрибани янги муаммолар ечимиға йўналтириш зарур;

4) ўзини-ўзи бошқариш, ўз фаолиятини аниқ ва тўғри ташкил қилиш қобилияти, ҳар қандай ишга шахсан кириша билиш ва унинг бажарилишини назорат қилиш каби шахсий хусусиятларни шакллантириш миллий гоя мақсадлари билан ҳамоҳанг мұхим аҳамиятга эгадир.

Миллий гоя – бамисоли миллатни бирлаштирувчи бир байроқ. Жамиятнинг ҳар бир аъзоси учун турли хил “гоялар” кураши авж олаётган замонда унинг аҳамияти янада ортади.

Миллий гоя тарғиботининг асосий мақсади ҳам инсонларни бошқа ёт гоя ва мағкуралар таъсирига тушиб қолмаслигига, улар билан ўзига хос равишда курашиш кувватига эга бўлган иммунитетини шакллантиришга қаратилган. “Ёт гоя”, “заарали гоя” тушунчаларининг маъно-мазмунини фарқлаш лозим. Миллий гоя ҳар қандай гояни эмас, фақат “ёт гоя” ёки “заарали гоя”ни эътироф этмайди. Чунки “ёт” ёки “заарали гоя”нинг мақсадлари эзгу эмас, инсон мақсадларига зид, миллий гоянинг миллий-маданий ва умуминсоний тамойилларига тўғри келмайди. Шунинг учун ҳам у “ёт” ёки “заарали гоя” сифатида баҳоланади, муносабат билдирилади. Айнан миллий гояни ҳаётнинг мазмуни ва мақсади билан боғлаган шахсгина бугунги истиқболнинг қадрига етади ва уни ҳимоя қилишни масъулияти деб ҳис қиласи. “Бошқача қилиб айтганда, ҳозирги вақтда дунёда икки қарама-қарши кутб барҳам топган бўлса-да, турли хил мақсад-манфаатларни ифода этувчи мағкуравий тортишувлар тўхтагани йўқ. Очиқ айтиш керакки, бу тортишувлардан кўзланган мақсад – инсон, авваламбор, ёшлар қалбини эгаллаш, муайян мамлакат ёки халқнинг онгига, унинг

сезги-туйғуларига таъсир ўтказиш, уни ўз дунёқарашига бўйсундириш, маънавий жиҳатдан заиф ва тобе қилиш. Фикр қарамлиги, тафаккур қуллиги эса ҳар қандай иқти-
садий ёки сиёсий қарамликдан ҳам кўра даҳшатлидир”⁶.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда миллий ғоя тарғиботи технологияларининг обьекти, предмети, мақсади ва вазифаларини билишнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти катта. Айнан миллий ғоя тарғиботи йўллари ва усуслари, уни амалга ошириш технологияларидан унумли фойдаланишдан мақсад ҳам уни жамият аъзоларининг онгига сингдириш йўлларини тўғри кўрсатиб беришдан иборатdir. Бу жараён бевосита жамиятимизнинг “ғоявий таъсирлар”, шунингдек, “мафкуравий таҳдидлар” таъсиридан ҳимоя қилишда барчанинг масъуллиги даражаси билан боғлиқ ҳодиса ҳисобланади.

Таянч тушунчалар: миллий ғоя, тарғибот, технология, интерфаол усуслар, миллий ғоя тарғиботи, миллий ғоя тарғиботи технологиялари, тарғибот технологияси, Миллий ғоя тарғиботининг замонавий услублари.

Мавзуни мустаҳкамлаш бўйича топшириқлар

1. *Миллий ғоя тарғибот технологиясининг объекти ва предметини, унинг умумий ва фарқли жиҳатлари бўйича “ақлий ҳужум” усулида умумий ва ўзига хос жиҳатларини қиёсий таққосланг.*

2. *Фаннинг асосий тушунча ва тамоилларини “Кластер” усулидан фойдаланиб ёзинг ва тавсифланг.*

3. *Миллий ғоя тарғиботи технологияларини анъа-
навийлик ва замонавийлик муносабатида “Swot-таҳдил”
қилинг.*

⁶ Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси ҳалқни ҳалқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин. – Т.: “Ўзбекистон”, 1998. –5-б.

2-МАВЗУ: МИЛЛИЙ ГОЯ ТАРГИБОТИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СОҲАЛАРИ ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ

Режа:

- 1. Миллий гоя тарғиботининг жамият ҳаёти соҳалари билан боғлиқлиги.*
- 2. Миллий гоя тарғиботи технологиялари йўналишлари.*
- 3. Миллий гоя тарғиботи технологиялари принциплари.*

Миллий гоя тарғиботининг жамият ҳаёти соҳалари билан боғлиқлиги. Миллий гоя тарғиботи технологиялари жамиятнинг ижтимоий ҳаёт соҳалари билан узвий боғлиқ. Мамлакатимизда ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмаслигини ва унинг кўринишларини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга⁹. Бу миллий гоя тарғиботида муҳим принцип сифатида ҳисобга олиниши зарур. “Жамият ҳаёти соҳаси” деганда унинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий жиҳатлари тушунилади. Ҳаётнинг бу соҳалари кучли ғоявий ва мафкуравий таъсир кучига эга. У ижтимоий ҳаёт соҳаларида ижобий ютуқлар орқали аниқ намоён бўлади:

- ижтимоий ҳаёт соҳалари ғоявий таъсир кўрсатиш кучига эга;
- ижтимоий ҳаёт соҳалари билан онг-тафаккур ўзгариши узвий боғлиқ;
- онг ижтимоий ҳаётга, ижтимоий ҳаёт эса онгга таъсир кўрсатади, у ижобий ва салбий бўлиши мумкин;
- ижтимоий ҳаёт инсонларнинг мақсади, орзу-умид-

⁹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2014 12-модда.

лари, миллий-маънавий қадриятлари, урф-одат ва анъаналарига таъсир кўрсатади;

- дунёкарап ўзгаради;
- янгича кайфият, ҳаётдан розилик руҳияти ортади;
- меҳнатга муносабат ўзгаради;
- ватанга меҳр-муҳаббат ортади;
- инсон қадр-қиммати улуғланади;
- инсон эркинлиги, хуқуқ-манфаатлари устуворлиги таъминланади.

Инсонларнинг онги ва тафаккури ўзгаришига, янгиланишига ўзининг таъсирини кўрсатади. Шунинг билан бирга инсон онги ва тафаккуридаги ўзгаришлар ҳам ижтимоий ҳаётнинг ўзгаришида муҳим омилдир. Бу, айниқса, мамлакатимизда демократик ислоҳотлар изчил амалга оширилаётган даврда яққол намоён бўлмоқда. Мустақиллик туфайли:

1) Ўзбекистон жамиятининг иқтисодий ҳаётий негизлари тубдан ўзгарди. Бозор иқтисодиёти ва мулкчиликнинг хилма-хиллигига ўтилди;

2) жамиятнинг сиёсий тизими ўзгарди. Бу сиёсий институтлар хилма-хиллигига асосланиш, давлатнинг бош ислоҳотчилик ролини эътироф этиш, кўппартия-вийлик тизимида яққол намоён бўлмоқда.

3) жамият ижтимоий-маънавий ҳаётида мафкуралар хилма-хиллиги тан олинди ва жамият ҳаётининг ривожланишида ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

Миллий ғоя тарғиботида қуйидаги хусусиятларни хисобга олиш муҳим аҳамиятга эга. Улар:

1) миллий ғоя мавҳум тушунча эмас. Унда жамият ҳаётининг моддий ва маънавий жиҳатлари акс этади;

2) миллий ғоя иқтисодий ўнгланиш, иқтисодий тикланиш, иқтисодий ривожланишга хизмат қилади. Миллий ғоянинг мақсадлари иқтисодий ҳаётнинг ютуқлари орқали ифодаланади;

3) ижтимоий-сиёсий ҳаёт соҳалари ҳам миллий ғоя мақсадлари билан узвий боғлиқ;

4) миллий гоя маънавий-маърифий ҳаёт соҳаси билан ҳам бевосита алоқадор. Уни жамият ҳаётининг бошқа соҳаларидан ажралган ҳолда тасаввур этиб бўлмайди.

Тарғибот ана шу қонуниятларни ҳисобга олишни тақозо этади. И.А. Каримов: "...моддий ва маънавий оламни бамисоли парвоз қилаётган қушнинг икки қаноти"га қиёслайди ва ушбу фикрни давом этиб: "Қачонки, ана шу икки муҳим омил ўзаро уйғунлашса, том маънодаги қуш қанотига айланса, шундагина инсон, жамият ва давлат ҳаётида ўсиш-ўзгариш, юксалиш жараёнлари содир бўлади",¹⁰ – деб алоҳида қайд этади. Бу миллий гоя тарғиботини жамият ҳаёти соҳалари билан боғлиқлигини тушунтириш муҳим назарий-концептуал аҳамиятга зга.

Миллий гоя ҳар бир инсон ва халқнинг, миллатнинг энг эзгу орзу-ниятлари, интилишлари сифатида уларнинг эркин ва фаровон ҳаётда яшаш мақсадларини ўзида мужассам этади. "Табиийки, миллий гоямиз шу юртда яшайдиган барча одамларнинг олижаноб ниятларини, ҳаётий манфаатларини мужассам этадиган юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги деган юксак тушунчаларни ўз ичига олади"¹¹. Бунга эришиш инсонларнинг руҳий дунёсига, мақсад ва интилишларига, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг мазмун-моҳиятига боғлик ҳолда амалга ошади. Масалан, режали иқтисодга таяниб, фаровон ҳаётни куриб бўлмайди. Яна "маъмурий-буйруқбозлий" тамойиллари асосида демократик жамиятни куриб бўлмайди. Боқимандалик руҳияти сақланиб қолган жамиятда тадбиркорлик ривожланмайди. Демак, юрт тинчлиги ва Ватан равнақи мустаҳкам бўлмайди ва ҳоказо.

Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг асарларида, хусусан, "Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура", "Демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жами-

¹⁰ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: "Маънавият", 2008. -67-б.

¹¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: "Маънавият", 2008. -72-б.

ятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий гаровидир”, “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда”, “Юксак маънавият – енгилмас куч”, “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”, “Она юртимиз баҳту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир” асарларида бу масалалар чуқур илмий асосда, атрофлича ёритилган.

Бизнинг бош стратегик мақсадимиз – бозор иқтиодиётига асосланган эркин демократик жамият барпо этишdir. Юртимизда яшайдиган барча инсонлар учун, миллати, тили ва динидан қатъи назар муносиб ҳаёт шароитини яратиб бериш, ривожланган демократик мамлакатлардаги каби кафолатланган турмуш даражаси ва эркинликларни таъминлаш давлатимиз сиёсатининг мазмун-моҳиятини ифодалайди. Бу – халқимизнинг асрий анъаналарига, муқаддас динимизнинг инсонпарварлик моҳиятига, миллий қадриятларимизга содиқ қолган ҳолда ривожланган давлатларнинг тажрибаларидан кўр-кўронга нусха кўчирмасдан, ўзимизга хос ва ўзимизга мос ривожланиш йўлини изчил давом эттириш демакдир.

Миллий ғоянинг озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш билан боғлиқ бош ғояси ҳар бир кишининг озодликка, Ватаннинг обод ва фаровон бўлишига ҳиссасини қўшишга, эркин ва фаровон ҳаёт қуришга бўлган дахлдорлик ҳиссини шакллантиради. Миллий ғоянинг асосий ғоя ва тамойиллари “Халқ фаровонлиги”, “Ватан равнақи”, “Тинчлик”ни асраб-авайлаш, “ижтимоий ҳамкорлик”, “динларро бағрикенглик” ва “миллатларро тотувлик”, “комил инсон” ғоялари¹² фуқаролар ҳаётига, уларнинг ҳаётий мақсад ва манфаатларига, фуқаролар ўртасидаги ўзаро мўносабатларда масъулият ҳиссини, ҳуқуқ ва эркинликларини янада мустаҳкамлашга, тараққиётга хизмат қиласди. Бугун мамлакатимиз ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаёти соҳаларида

¹² Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т: Ўзбекистон”, 2000.

эришилган ютуқларни фуқароларнинг миллий гояга дахлдорлик ҳисси натижаси сифатида кўриш мумкин.

Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 25 йиллигига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш муносабати билан "Гўзал ва бетакроримсан муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" деган гояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастури ишлаб чиқилди¹³.

Маълумки, ўтган 25 йил давомида миллий гоя мақсадларига мос мамлакатимиз суверенитетининг иқтисодий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган энг муҳим стратегик дастурлар, жумладан, Ўзбекистоннинг галла мустақиллиги, ёқилғи-энергетика, транспорт-коммуникация соҳасидаги мустақиллигини таъминлаш, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, замонавий корхоналар барпо этиш ва уларни илғор техника ва технологиялар билан жиҳозлаш борасидаги улкан ишлар амалга оширилди.

Бу юртимизни илгариги қолоқ, иқтисодиёти бирёқлама ривожланган, пахта яккаҳоқимлиги ҳалокатли дарражада авж олган аграр ўлқадан бугунги кунда изчил тараққий этиб бораётган замонавий индустрисал мамлакатга айлантириди. Натижада иқтисодиётда саноатнинг улуши 34 фоизга етди, экспорт таркибида тайёр маҳсулотлар улуши 70 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда. Иқтисодиётимизда етакчи ўринни эгаллаб келаётган нефть ва газ кимёси, нефть-газ машинасозлиги, автомобилсозлик, замонавий қурилиш материаллари саноати, темирйўл машинасозлиги, майший электроника, фармацевтика, юқори технологияларга асосланган озиқ-овқат ва тўқимачилик саноати каби соҳа ва тармоқлар жадал ривожланмоқда.

¹³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тўғрисида" қарори. "Халқ сўзи" газетаси, 2016 йил 3 июнь, 105-сон.

Мустақиллик йилларида иқтисодиётимиз қарийб 6 баробар, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар 12 баробардан зиёд ошгани, олтин-валюта захираларимиз барқарор суръатлар билан кўпайиб бораётгани кенг кўламли иқтисодий ислоҳотларимизнинг амалий самарасини кўрсатади.

Олдимиизга қўйган юксак мэрраларга эришиш йўлида мамлакатимизнинг халқаро майдонда рақобатдошлигини ошириш, иқтисодиётимизни янада модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобидан тараққиётимизнинг локомотиви бўлган етакчи тармоқларни жадал ривожлантириш, иқтисодиётимизда давлат иштирокини босқичма-босқич камайтириб бориш, Конституциямизда кўзда тутилган хусусий мулкнинг устуворлигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг самарасини янада кучайтириш каби ўта муҳим йўналишлар миллий ғояга даҳлдорлик ҳиссини, ўзига хос фаҳрланиш туйғусини янада оширади. Жумладан, 2030 йилга қадар ялпи ички маҳсулот ҳажмини икки баробардан зиёд кўпайтириш, иқтисодиётимиз таркибида саноатнинг улушкини 40 фоизга етказиш бўйича белгилаб олинган аниқ режа ва дастурларни амалга ошириш учун ҳали-бери давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқизорзининг салбий таъсирларига қарамасдан, қатъият билан илгарилаб боришимизга асос бўлаётган мезон ва омилларнинг моҳиятини англашга ёрдам беради.

Мустақилликка қадар юртимизда умуман мавжуд бўлмаган, бугунги кунда эса жамиятимизнинг қудратли таянчига айланиб бораётган ўрта синф – мулкдорлар синфининг жадал ривожланиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 56,5 фоизга етгани, айни шу тармоқда иш билан банд аҳолининг 77,9 фоизи меҳнат қилиб, мамлакатимиз равнақига муносиб ҳисса қўшаётгани фуқароларнинг мустақилликка бўлган ишонч ва эътиқодини, садоқатини мустаҳкамлади¹⁴.

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тўғрисида" қарори. "Халқ сўзи" газетаси, 2016 йил 3 июн, 105-сон.

Жамиятимиз ҳаёти ўзгаришида муҳим ўрин тутган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, мактаб таълимими-ни ривожлантириш ва бошқа умуммиллий дастурларимизни амалга ошириш натижасида мамлакатимизда ўн икки йиллик мажбурий ва бепул, умумий ва ўрта маҳсус таълим тизимиға, икки босқичли олий таълим тизимиға асос солиниб, замонавий янги авлод кадрларини тарбиялаш учун мустақам пойдевор яратди. Ўзбекистонимизнинг жаҳон майдонида рақобатдошлигини таъминлашнинг ишончли замини бўлиб хизмат қилмоқда.

Миллий ғоя тарғиботи технологиялари йўналишлари. Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт стратегиясини, ўзбек халқининг буюк давлат барпо этиш борасидаги мақсад-муддаоларини, миллий истиқбол мағкурасининг моҳиятини кенг жамоатчиликка ҳар томонлама тушунтириш долзарб вазифалардан биридир.

Истиқбол мағкурасини одамлар қалби ва онгига сингдиришда жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олиш, таълим-тарбия, тарғибот ва ташвиқотнинг самарали усул ва воситаларидан оқилона фойдаланиш тақозо этилади.

Таълим ва тарбия. Миллий мағкурани ёшлар қалби ва онгига сингдириш таълим-тарбиянинг турли шакллари орқали амалга оширилади.

Бунда қуйидаги вазифалар назарда тутилади:

- таълим муассасаларида болалар ва талабаларнинг ёшига мос равишда миллий мағкурани сингдиришнинг ўзига хос педагогик-психологик дастурини яратиш; кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида ўқувчи-талабалар онгода миллий ғоя ва миллий истиқбол мағкурасини шакллантириш ишларини узлуксиз тарзда олиб бориш;

- ўқув дастурлари, дарслик ва қўлланмаларда миллий истиқбол мағкураси ғояларини теран акс эттириш;

- мактаб, лицей, коллеж, институт ва университетларда мағкуравий тарбияни бугунги кун талаблари даржасига кўтариш;

– педагог кадрларнинг мафкура борасидаги билимларини чуқурлаштириши.

Фан ва илмий муассасалар миллий мафкурани шакллантиришда муҳим ўрин тутади. Бу борада қуйидаги масалаларга асосий эътибор қаратилади:

– аҳолининг ижтимоий хусусиятлари (маълумоти, ёши, жинси, касби ва бошқалар)ни ҳисобга олган ҳолда миллий истиқбол мафкурасини шакллантиришнинг самарали йўлларини кенг кўламда илмий тадқиқ этиш;

– миллий истиқбол мафкурасининг миллий, умуминсоний, фалсафий, диний, ҳуқуқий, сиёсий, социологик, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-психологик асосларини, урф-одатлар, анъаналар ва интеллектуал қадриятларнинг мафкурани шакллантириш ва бойитишдаги ўрни ва таъсирига бағишлиланган тадқиқот ишларини мунтазам олиб бориш;

– мафкуралар курашининг жаҳоншумул жараёнини ўрганиш, унинг мониторинги, бу курашининг умумбашарий ва минтақавий муаммоларини аниқлаш;

– мафкуравий таҳдидлар ва уларга қарши курашининг самарали йўллари ҳақида илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш.

Маданият муассасалари ва маданий-маърифий муассасалар мафкурани шакллантириш ва халқимиз онгига сингдиришда катта имкониятларга эга. Бунда кутубхона, театр, клублар, маданият уйлари ва саройлари, истироҳат боғлари, музейлар ва бошқа муассасалар фолиятидан кенг фойдаланиш, кишилар дунёқарашини юксалтирадиган, одамларга руҳий-маънавий озиқ берадиган тадбирлар мажмунини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш лозим.

Бу даргоҳларда турли анжуманлар, давра суҳбатлари, баҳс-мунозаралар, учрашувлар уюштириш, миллий истиқбол мафкурасининг мазмун-моҳиятини ҳар бир ижтимоий қатламга тушунарли тарзда изоҳлаб берадиган қўлланма ва тавсиялар тайёрлаш, айниқса, муҳим.

Маданий-маърифий муассасалар ёшларни ҳақиқий санъат, чинакам бадиий гўзаллик руҳида тарбиялаш масканлари бўлмоги лозим.

Маданият ва санъат соҳалари фаолиятининг бутунлай тижорат асосида ташкил этилишига, фоявий-бадиий жиҳатдан саёз, миллий қадриятларимизга ёт асарларнинг етакчи ўринни эгаллаб олишига йўл қўймаслик мухим аҳамиятга эга.

Адабиёт ва санъат. Бу соҳада ижод аҳлининг фоявий-бадиий салоҳиятини комил инсон тарбиясига йўналтириш устувор йўналиш бўлиши даркор.

Ижодкорларни мураккаб ва шонли тарихимизнинг ёрқин сахифаларини, бугунги ҳаёт воқелигини, олиjanоб орзу-умидларимизни акс эттирадиган адабиёт, кино, мусиқа ва тасвирий санъат асарлари яратишга ҳар томонлама рағбатлантирилмоқда. Ёшларга ибрат бўладиган баркамол инсонлар, замонавий қаҳрамонлар тимсоли яратилмоқда.

Миллий фояни тараннум этишга, истиқлол мафкурасига зид фояларнинг зарарли моҳиятини очиб беришга эътиборни кучайтириш зарур. Ҳаёт ва ижоддаги маҳдудлик ҳамда фикр қашшоқлигига қарши курашиш, баҳс-мунозара, танқид ва таҳлиллар орқали мафкуравий муҳитнинг соғлом бўлишига эришиш мақсадимиздир.

Дин. Энг нозик ва мураккаб бўлган бу соҳада, аввало, дин маънавият ва маданиятнинг устунларидан бири эканни, барча замонларда миллий фоя ва мафкура диний қарашлар билан уйғун ривожланишини назарда тутиш лозим. Дин ўз моҳиятига кўра поклик, меҳр-оқибат каби эзгу туйғулар орқали миллий истиқлол мафкурасининг фояларини юртдошларимиз қалби ва онгига сингдиради. Муқаддас динимизга соғлом ва мўътадил муносабатни шакллантириш бу борадаги энг мухим мафкуравий вазифадир.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳаси инсоннинг нафақат жисмоний, балки маънавий камолотга эришиши-

да ҳам улкан омилдир. Спорт иродани тоблайди, одамни аниқ мақсад сари интилиш, қийинчиликларни бардош ва чидам билан енгишга ўргатади. Инсон қалбидә ғала-бага ишонч, ғурур ва ифтихор туйгуларини тарбиялади.

Ватан, халқ шұхратини дунёга тараннум этишда, ёшларни қарбий-ватанпарварлық руҳида тарбиялашда спортнинг ўрни бекінеді.

Соғлом, билимли ва фидойи фарзандлари бўлган халқ, албаттa, ўзининг буюк келажагини барпо этади. Шунинг учун жисмоний тарбия ва спортнинг оммавий-лигини таъминлаш, уни ривожлантириш баркамол шахсни тарбиялашнинг муҳим шартидир.

Асрлар мобайнида шаклланган, авлоддан авлодга бебаҳо мерос сифатида ўтиб келаётган урф-одат, ма-росим ва байрамлар ҳам миллий мағкуранинг асосий ғояларини сингдиришда муҳим омил бўлади. Хусусан, Мустақиллик, Наврўз, Ўқитувчилар ва мураббийлар, Хотира ва қадрлаш куни каби янги байрам ва маросимла-римиздан жамият ҳаётига замонавий мазмун баҳш этиш йўлида оқилона фойдаланиш зарур.

Бугунги кунда урф-одат ва анъаналаримизнинг жамиятни бирлаштирувчи хусусиятларидан янада тў-ликроқ фойдаланиш лозим.

Миллий анъаналарни ўрганиш, тарғиб этиш билан бир қаторда тўй-маъракаларни, одат ва удумларни ихчам-лаштириш, бу борада исрофгарчилик ва дабдабабозликка йўл кўймасликка алоҳида эътибор қаратиш даркор.

Оила. Оила – мағкуравий тарбиянинг энг муҳим ижтимоий омилларидан биридир. Чунки оила жамият негизи бўлиб, кўп асрлик мустақам маънавий таянч-ларга эга. Миллий мағкурамизга хос бўлган илк тушун-чалар, аввало, оила муҳитида сингади. Бу жараён бобо-лар ўгити, ота ибрати, она меҳри орқали амалга ошади.

Оиладаги соғлом муҳит соғлом мағкурани шакл-лантириш манбаидир. Жамиятда ҳар бир оиланинг мус-

тақкамлиги, фаровонлиги, ўзаро ҳурмат ва аҳилликни таъминлаш миллий мафкурада кўзда тутилган мақсадларни амалга оширишда таянч бўлади.

Оила миллий фоя таргиготида жамиятнинг муҳим бўгини ҳисобланади. Ҳозирги даврда оиласининг таргиготдаги ўрни ва роли янада ошиб бормоқда. Бу қуйидаги омиллар билан боғлиқ:

1) оиласада ёшлар таълим-тарбиясига эътиборнинг кучайиши, талабнинг ошиши билан;

2) оиласининг дунё АҚТ билан боғланганлиги (интернет, ОАВ), унинг имкониятлари;

3) якка тартибда "мобиъ" уяли алоқа воситаларининг мавжудлиги дунё ахборот макони билан алоқа қилиш имкониятини ошириб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, миллий фоя таргиготига эҳтиёжни оширади. Чунки дунёда тарқалаётган ахборот, мафкура соҳасида хилма-хиллик мавжуд. Оиласадаги ёшлар бу имкониятлардан қандай мақсадда фойдаланиши унинг натижаси, самарасини белгилаб беради. Бу "оила муҳити"нинг ўзгараётганлигини англаатади ҳамда ота-оналарни ёшларнинг фоявий тарбияси ва мафкуравий иммунитетини мунтазам бойитиб боришини тақозо этади. Болаларда АҚТ воситаларидан фойдаланишда ота-оналар ҳушёр ва очиқ бўлишлари лозим.

Маҳалла. Ўзини ўзи бошқаришнинг миллий модели бўлган маҳалла халқимизнинг азалий удумлари, урф-одатлари ва анъаналарига таянган ҳолда улкан тарбиявий вазифани бажаради. Кексаларнинг панд-насиҳати, катталарнинг шахсий ибрати, жамоанинг ҳамжиҳатлиги мисолида кишилар онгига эзгулик фоялари сингдириб борилади.

Маҳалла, аввало, соғлом ижтимоий муҳит масканидир. Бу ерда кучли таъсирга эга бўлган жамоатчилик фикри маҳалла аҳлининг хулқ-атвори, ўзаро муносабатларини адолат ва маънавий мезонлар асосида тартибга солиб туради. Шу маънода маҳаллани демократия дарсонаси, деб ҳам аташ мумкин.

Маҳаллада кенг жамоатчилик ўртасида мафкуравий ишларни самарали йўлга қўйиш учун катта имкониятлар мавжуд. Айниқса, миллий қадриятлар, меҳр-оқибат, эл-юрт шаъни учун кураш каби фазилатларни камол топтиришда маҳалланинг ўрни бекиёс.

Миллий ғоя тарғиботида оила-маҳалла ҳамкорлиги га талаб ошмоқда. Бугун кўпчилик "интернет клублари", "марказлари" муайян маҳалла ҳудудига тўғри келади. Ёшларнинг ундан қандай фойдаланаётганлиги мониторинг қилиб борилиши муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунда маҳаллаларда турли хил комиссиялар доимий фаолият олиб бормоқда. Улар асосан маънавий ва маърифий ишлар билан шуғулланади. Улар "Ёшлар ва ёш оиласлар" билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга ўзларининг амалий жиҳатдан ёрдамларини кўрсатади. Маҳаллада участка нозирлари ҳукуқ-тартибот ишларини олиб боради.

Ёшларнинг гоявий-маънавий тарбиясида миллий гоянинг негизларига таяниш миллий маънавий мерос ва қадриятлар билан узвий ҳамкорликда бўлиши муҳим. Умуминсоний демократик қадриятларга содиқлик миллий ғоя тарғиботи орқали унга ишонч ва эътиқодини мустаҳкамлашда маҳалланинг ёшлар тарбиясига масъульиятни янада оширишни тақозо этади.

Меҳнат жамоалари инсон умрининг асосий қисми ўтадиган, унинг тафаккури, ҳаётга муносабати шаклланадиган ижтимоий-маънавий мухитdir. Улар кишида жамоа руҳи, меҳнатсеварлик, омилкорлик, адолат тушунчаси, меҳр-оқибат туйғуларини тарбиялайдиган ўзига хос маскан бўлиб ҳисобланади.

Меҳнат жамоалари турли миллат ва динга мансуб одамларни дўстлик ва ҳамжиҳатлик, ўзаро манфаатдорлик асосида ҳамкорлик қилиш, миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштиришга ўргатади. Бу эса ўз навбатида соғлом маънавий мухитни вужудга келтиришда муҳим омил вазифасини бажаради.

Сиёсий партиялар ўз фаолияти билан фикрлар ранг-баранглиги ва қарашлар хилма-хиллигига асослан-

ган демократик жамият барпо этиш гоясининг амалга ошишига хизмат қилади.

Ўзбекистондаги ҳар бир партия ўз дастурий қараш ва мақсадларини рўёбга чиқариш учун барча ҳукуқий асос ва қонуний кафолатларга эга.

Ҳар бир партияning ўз дастурий гояларини ҳётга татбиқ этиш жараёнида миллий истиқлол мағкурасининг асосий тамойилларига амал қилиши сиёсий ҳётнинг бош мезонидир. Чунки ҳалқ манфаатлари, истиқлол ғоялари қайси сиёсий ва мағкуравий кучга мансублигидан қатъи назар барча юртдошларимиз учун муқаддасдир.

Мамлакатимиз ижтимоий ҳётида фаолият кўрсатаётган **нодавлат нотижорат ташкилотлар** миллий гоя тарғиботида иштирок этади.

Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг “Миллий ғоя илмий-амалий маркази” ва “Миллий ғоя тарғибот маркази” бу борадаги амалий ишларни мувофиқлаштириб бориши, шунингдек, Оила илмий-амалий маркази, Файласуфлар жамияти, Ижтимоий фикр жамоатчилик маркази каби ташкилотлар миллий ғоя мақсадларини тарғибот этишда муҳим ўринга эга.

Шунингдек, миллий ғоя ва миллий истиқлол мағкурасини жорий этишга моддий, ташкилий ва маърифий жиҳатдан кўмак берадиган “Соғлом авлод”, “Камолот”, “Олтин мерос”, “Амир Темур”, “Истеъдод”, “Маҳалла” жамғармалари ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳам катта имкониятларга эга.

Оммавий ахборот воситалари жамоатчилик фикрини шакллантириш, миллий истиқлол мағкурасини ҳалқимиз, аввало, ёш авлод онгига сингдиришда алоҳида ўрин тутади. Улар маънавий-маърифий ислоҳотлар жараёни, бу борадаги муаммоларни, жамият ҳётининг турли қирраларини тезкорлик билан акс эттирадиган энг самарали воситадир. “Тўртингчи ҳокимият” ҳисобланган оммавий ахборот воситалари турли хил фикрлар, ранг-баранг қараш ва ёндашувларга кенг йўл очиб

бериши, ҳәётимизда юз берәётган янгиланиш ва ўзгаришларга одамларнинг онгли муносабатини уйготиши, холислик ва ҳаққоният тамойилларига таяниб фаолият юритиши лозим¹⁵.

Шунга эътиборни қаратиш лозимки, булар миллий ғоя тарғиботини амалга оширишда ўзига хос алоҳида субъектлардир. Шунинг учун улар ўз фаолиятида бевосита амалга ошириш лозим бўлган вазифаларни амалга ошириш билан бирга уни миллий ғоя мақсадлари билан муштарак эканлигини ҳамда ҳар бир йўналишда тарғибот технологияларидан бу хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ташкил этишда муҳим аҳамиятга эга. Замонавий технологиялардан фойдаланиш шу соҳаларнинг ривожланишига ҳамда миллий ғоя тарғиботи технологиялари билан мос келишига кўмаклашади.

Миллий ғоя тарғиботи технологиялари принциплари. Тарғибот инсоннинг онги ва қалбига қаратилган. Тарғиботчиларни шунинг учун ҳам «инсон онги ва қалбининг созловчилари» деб атайдилар. Демак, тарғибот-ташвиқотдан мақсад – фақат билим орттириш эмас, балки кишини бирор ғояга, мақсадга, ҳаракатга ишонч ва эътиқодли бўлишга, хоҳиш-истакка ундашдан иборат. Масалага ана шу жиҳатдан қарайдиган бўлсак, миллий ғоя ҳақида маълумот бериш билан чекланмасдан, мафкуравий мақсадларни аниқ вазифалар шаклига келтиришимиз, миллый истиқбол мафкурасидаги асосий ғояларнинг амалий ҳаракатга айланishiغا эришишимиз зарур. Бу ғоялар Ватан равнақи, юрт тинчлиги, ҳалқ фаровонлиги, комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тутувлик, диний бағрикенглик ғоялари ва тамойилларида ўзининг ифодасини топган. Миллый ғоя чукӯр эътиқодга айланган тақдирдагина уулкан маънавий куч ва қудратга эга бўлади. Бунинг учун эса ҳалқда мафкурадан ўрин олган ғояларга кучли ишонч, эътиқод бўлиши ло-

¹⁵ Миллый истиқбол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: “Ўзбекистон”, 2000. – 62-69-б.

зим. Ўзбекистоннинг Биринчи президенти И.А. Каримов таъкидлагандек, «Миллий гояда мужассам бўлган буюк мақсадларни рўёбга чиқариш авваламбор жамиятимиз ва шу жамият аъзоси бўлмиш ҳар қайси инсоннинг маънавий олами ва дунёқарашидаги ижобий ўзгаришлар билан боғлиқ эканини унумаслигимиз зарур»¹⁶.

XXI асрда инсоният ўз тараққиётининг сифат жиҳатидан янги палласига қадам қўйди. Миллий гояни сингдириш усуллари, технологиялари ўзгарди. Дунёда катта ўзгаришлар содир бўлаётган бугунги кунда ижтимоий мақонни ўзлаштиришнинг янги усуллари, жумладан, янги технологиялар кенг русум бўлди. Технологиялар асри деб аталаётган XXI асрда ишлаб чиқаришда жорий этилган янги технологиялар меҳнат самарадорлигини мисли кўрилмаган даражада ўстирди. Янги технологиялар саноат ва қишлоқ хўжалигида қўлланилмоқда, маънавий, мафкуравий жараёнларда ўз самарасини кўрсатмоқда. Миллий гояни ҳалқ қалби ва онгига сингдириш муайян технологиилар асосида олиб борилганида тадбирларнинг кетма-кетлиги, миқёси ва меъёри, давомийлигига эътибор бериш лозим. Чунки миллий мафкура таргигботида меъёрнинг бузилиши тескари самара бериши мумкин. Таргигбот технологияси миллий гоя ва миллий мафкура мазмун-моҳиятига мос бўлган тақдирдагина кутинган натижага эришиш мумкин.

Ўзбекистонда мафкуравий жараёнларни ташкил этишнинг устувор йўналишлари қўйидагилардан иборат:

– белгиланган тадбирларнинг юқори даражада уюш-қоқлик билан эркин, демократик тарзда ўтказилишини таъминлаш;

– миллий гоя таргигботининг сифатини замонавий услублар асосида мунтазам ошириб бориш;

– давр талабларидан келиб чиқсан ҳолда мафкуравий ишларни ташкил этишнинг янада янги, самарали йўлларини излаш;

¹⁶ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: "Маънавият", 2008. – 76-б.

- анъянавий услубларнинг мутлақлаштирилишига, андозалаштиришга йўл қўймаслик, уни замонавий-лаштириш;
- мафкуравий жараёнларни ташкил этишда ижтимо-ий муҳитни, мавжуд муаммоларни ҳисобга олиш;
- мафкуравий жараёнларни ташкил этишда учрай-диган расмиятчилик кўринишларига барҳам бериш;
- мафкуравий фаолият технологияларини қанчалик самарали олиб борилаётганини билиш мақсадида унинг мониторингини ташкил этиш.

Миллий ғоянинг тарғибот-ташвиқотини ташкил этишда қуйидаги технологиялар ва ташкилий тамойилларга амал қилиниши мақсадга мувофиқ:

- кенг қамровилик, бунда жамиятнинг барча аъзоларига ғоялар хилма-хиллиги асосида мафкурани сингдириш, бу жараёнда аҳолининг барча қатламларини қамраб олиш назарда тутилади. Натижада, жамиятнинг барча бўғинлари мафкуравий таъсир доирасида қамраб олинади; умумий мақсадга йўналтирилганлик; фаол инсонни тарбиялаш ва инсон салоҳиятини юзага чиқариш мафкуранинг бош мақсади қилиб олинади;
- узлуксизлик миллий ғоя тарғиботининг маконда ва замонда доимилигини, унинг яхлит тизим шаклига келтирилишини англатади. Узлуксизлик тамойили миллий ғояни ҳалқ онгига сингдириш учун мамлакатда муайян мафкуравий майдон яратишни тақозо қиласди. Бу майдондаги ҳар бир ҳолат ва ҳаракат, жумладан, таълим тизимидағи ўқув режалари, дастурлар, дарслеклар, ўқув кўлланмалари, синф ва аудиториялар, кўргазмали куроллар миллий ғояга уйғун бўлиши лозим.

- кетма-кетлик. Ҳар бир босқич учун исталган қадриятларни сингдириш мақсадида мафкуравий ташвиқот режалаштирилади;

- босқичма-босқичлик миллий мафкурани тарғиб қилишнинг руҳий жиҳатлари билан боғлиқ бўлиб, ҳам

таргиб қилувчи, ҳам қабул қилувчининг муайян тайёргарлик босқичларидан ўтишини тақозо қиласди. Айтайлик, бошланғич синф ўқувчисига миллий мағкуранинг фалсафий ва этник илдизлари тўғрисида гапириш ноўрин бўлишдан ташқари мутлақо самарасиз ҳамдир. Шунинг учун боғчада, бошланғич таълим, умумий ўрта таълим, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртлари ва меҳнат жамоаларида мағкуравий иш, маънавий тарбия ўқувчиларнинг ёши, билими, мълумоти каби жиҳатлари ҳисобга олиб борилиши керак;

- *меъёрийлик* аксилттарғиботни келтириб чиқарадиган, ҳаётдан узилиб қолишга олиб келадиган баландпарвозлик, расмиятчилик ва такрорланишларга йўл қўймайди;

- *шахсий ибрат* - мағкурамизни таргиб қилишда муваффақиятни таъминлайдиган муҳим омиллардан бири. Мактаб муаллими дарсда ўқувчиларга миллат манфаатлари, орзу-умидлари, интилишлари тўғрисида баландпарвоз гапларни гапирса-ю, ўзи ҳаётда шу манфаатларга зид ишларни қилса, бу тарғибот самарасиз кечади.

- *илғор тарғибот-ташвиқот технологияларидан фойдаланиши*. Бунда мағкуравий тарғиботга инсонларни моҳирона бошқариш усули сифатида қарадади. Миллий ғоянинг тарғиботи қотиб қолган нарса эмас, фаол жараёндир. Шунинг учун уни қадимдан қолган ваъз айтиш ва маъруза ўқиши каби тарғибот шакллари ёрдами билангина кенг халқ оммаси онгига сингдириб бўлмайди. Мақсадга эришиш учун тарғиботнинг фаол шаклларидан, замонавий технологиялардан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Ёшлар орасида тарғибот олиб борилганда мунозара, баҳс, давра сұхбати каби шакллардан оқилона фойдаланилса, мақсадга тезроқ ва тўлароқ эришиш мумкин. Ёшларнинг жисмоний ва руҳий хусусиятлари ваъз ва маърузаларни эмас, кўпроқ интерфаол усуллар ва санаб ўтилган тарғибот шаклларидан фойдаланишни тақозо қиласди.

Мазкур тарғибот тамойиллари миллий ғояни инсон онги ва қалбига сингдиришнинг барча босқичлари учун умумий ва бир хилдир. Турли босқичларда, турли шакл ва воситалардан фойдаланганда одамларнинг ёши, касби, маълумоти каби омилларни миллий ғояни инсон онги ва қалбига сингдиришда эътиборга олиш зарур.

XXI асрни ахборот асри, ахборот технологиялари асри деб аташ тобора русум бўлмоқда. Чунки асримизда кенг қамровда ва жадал суръатларда тарқалаётган ахборотлар инсоннинг истакларини, дидини ўзгартириши, фикрига таъсир қилиши мумкин. Тан олиш керак, томоша қилинаётган сериаллардан тортиб болакайларга айтиб бериладиган эртаккача, ўқиётган китобларимиз ҳам қандайдир мафкуравий таъсир самарасига эга. Уларда муайян ғоялар тарғиб қилинади. Бу ҳолат «Энгасосий нарсани кўз билан илғаб бўлмайди» деган фикрни яна бир карра тасдиқлади. Бундай кўзга кўринмас қудратли тарғибот кучлари кишини ҳамма ерда ва ҳар куни қуршаб туради. Бу кучларнинг мақсади – инсонни нимагадир ишонтириш, нимагадир ундаш, нимагадир оғдиришдир. Тадбиркор маҳсулотини реклама қилиб, уни сотиб олишга ундейди.

Бугунги кунда ривожланган давлатлар қудратли тарғибот тизимиға эга бўлишга интилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Масалан, ўз фаолиятининг тарғиботига АҚШ ҳукумати йилига 2,5 миллиард доллар сарфлаши бежиз бўлмаса керак. Франция ҳам ўз сиёсатини аҳолига тушунтириш ишларига йилига 100 миллион франкни бекорга сарфламаётгандир? Бу маълумотлар тарғиботнинг маънавий-маърифий ишларда муҳим аҳамият касб этишини кўрсатади.

Пухта ишлаб чиқилган стратегик йўналиш давлатнинг истиқболини белгилайди. Ўзбекистоннинг стратегик мақсадлари Ислом Каримовнинг қатор асарларида, жумладан, «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолат-

лари» ҳамда «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда», «Юксак маънавият – енгилмас куч» ва бошқа асарларида белгилаб берилган. Шу мақсадлар сари инсонларни сафарбар қилиш уларни гоялар шаклида сингдириш заруратини келтириб чиқаради.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ўзгаришларнинг тақдиди, сўзсиз, ҳар бир фуқаро, ҳар бир инсоннинг фаоллигига боғлиқдир. Бу эса ислоҳотларнинг моҳиятини тушунтиришни талаб қиласи. Шунинг учун ривожланган мамлакатларда мафкуранинг тарғиботи «хукумат сиёсатининг ташвиқоти» кўринишида амалга оширилади.

Ўзбекистон ҳаётидаги ўзгаришлар инсонлар онгида ҳам катта ўзгаришлар қилишни талаб этади. Ўтиш даврида давлат янги замон кишини тарбиялаш ҳақида қайғуриши табиий. Демак, Ўзбекистонда ҳам комил инсон гоясида эътироф этилган эркин шахсга мос сифатларини фуқароларда қарор топтириш вазифасини амалга ошириш муҳимдир. Шунинг учун ҳам мафкуравий тарғибот технологияларидан фойдаланишда:

- 1) тарғиботнинг холислиги;
- 2) соғлом, эзгу мақсадларни кўзлаш;
- 3) бир томонлама мафкуравий мақсадлардан холи бўлиш;
- 4) ҳалқларнинг миллий-маданий қадриятларига ҳурмат билан қарап;
- 5) демократик тамойиллар, инсон эркинлиги, хуқуқ ва манфаатларини устувор деб билиш;
- 6) ҳалқлар ўртасида ёвуз гояларни, ихтилоф ва айрмачиликка ундейдиган хатти-ҳаракатларга чорламаслик;
- 7) ғоявий, мавкуравий плюрализмга асосланиш, ундан эзгулик мақсадида фойдаланиш;
- 8) фикр эркинлигини ҳурмат қилиш асосида фикрий муштараклик, ҳамжиҳатлик ғояларини тарғиб этиш муҳим аҳамиятга эга.

Тарғиботнинг кейинги босқичи ғояни тўғри ва атрофлича тушунтиришни, мафкура билан боғлиқ барча

саволларга жавоб топиб беришни талаб қилади. Лекин холислик, ишончли далиллар, эътиroz уйғотмайдиган ҳаётий маълумотларнинг келтирилиши гояларни ҳаётга татбиқ қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Тарғибот жараёни шу ерда тугамайди. Зеро, мафкура янги ишларга илҳомлантиради, ҳаракатга ундаиди. Демак, инсонлар миллий мафкурадан ўрин олган гояларга мос ҳаракат қила бошлаганларида гина миллий гоя халқнинг эътиқодига, қадриятига айланганлиги ҳақида хулоса қилиш мумкин.

Таянч тушунча: миллий гоя тарғиботи, соҳалари, миллий гоя йўналишлари, миллий гоя тамойиллари, мафкуравий плюрализм, фикрлар хилма-хиллиги, кенг қамровлилик, меъёрийлик, узлуксизлик, босқич-ма-босқичлик, холислик, ишонч ва эътиқодлилик.

Мавзуни мустаҳкамлаш бўйича топшириқлар

1. Ўзбекистон жамияти ҳаётини "Кластер" усулидан фойдаланиб кўрсатинг.

2. Миллий гоя тарғиботи воситалари ва йўналишларини қиёсий таҳлил этинг ва мустақиллик ишларида бу соҳада эришилган ютуқларни келтиринг.

3. Миллий гоя тарғиботини амалга оширишда мафкура хилма-хиллигининг аҳамиятини "SWOT-таҳлил" қилинг.

З-МАВЗУ: МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРГИБОТИ ВОСИТАЛАРИ

Режа:

- 1. Миллий ғоя таргиботи воситалари тушунчаси, маъно-мазмуни.*
- 2. ОАВ – миллий ғоя таргиботининг муҳим воситаси.*
- 3. Миллий ғоя таргиботи ахборот хуружининг олдини олишнинг муҳим шартси сифатида.*

Миллий ғоя таргиботи воситалари тушунчаси, маъно-мазмуни. Миллий ғоя таргиботи воситалари деганда, ижтимоий ҳаёт соҳаларида миллий ғоя таргиботининг амалга оширилишига бевосита ёки билвосита масъул бўлган тегишли ижтимоий институтлар ва тузилмалар мажмуи назарда тутилади. Миллий ғоя таргиботи воситалари мамлакатимизда яшайдиган инсонлар, жамият ва давлатнинг эзгу мақсадларини, ҳаётий манфаатларини мужассам этадиган тушунчаларни, ғояларни жамоатчиликка етказиш, унга нисбатан ишонч ва эътиқодни шакллантиришга, қадриятга айлантиришга хизмат қиласиган ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий институтлар мажмуидир. Улар хилма-хил бўлиб, миллий ғоянинг таргиботида муҳим ўрин тутади. Миллий ғоянинг асосий тушунча ва тамойилларига таяниш маънавий-мафкуравий ишларнинг самарадорлигини таъминлашда устувор аҳамиятга эга.

Миллий ғоя таргиботида ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигига эришиш омиллари: 1) халқ маънавиятининг тикланиши; 2) бой тарихий меросимизни чукур ўрганиш; 3) анъана ва урф-одатларимизни сақлаш; 4) фан ва таълимнинг ривожланиши; 5) жамият тафаккурининг ўзгариши ва юксалиши билан боғлиқ.

Бугунги кунда мамлакатимизда янги ҳаёт, янги жамият пойдеворини барпо этишда эркин фуқаро маъ-

навиятини шакллантириш масаласи ғоят долзарб аҳамиятга эга. Миллий ғоя тарғиботи нуқтаи назаридан ёндашганда “эркин фуқаро маънавияти” муҳим. Чунки эркин фуқаро: 1) мустақилликни чукур англайди; 2) мустақиллик тафаккурига эга; 3) миллий-маданий мерос ва қадриятларни ҳурмат қиласи, асраб-авайлаш тўғрисида қайғура олади; 4) демократик қадриятлар ва тамойилларни юксак баҳолайди; 5) инсонга олий қадрият сифатида қарайди; 6) эркинлик, тафаккур эркинлиги ва маъсуллиятини ҳис этади; 7) миллий ғоя негизларига, яъни миллий-маданий мерос ва қадриятларга, умуминсоний тамойилларга содик, юксак маънавиятга эга, ватанпарвар, фидойи инсондир.

Ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларимизнинг самарадорлиги, аввало, ҳалқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг чукур ўрганилиши, анъана ва урф-одатларимизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожи, жамият тафаккурининг ўзгариши ва юксалиши билан узвий боғлиқдир.

Шу боисдан ҳам ўз ҳақ-хуқуқини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, ён-атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил ёндаша оладиган, айни пайтда шахсий манфаатларини мамлакат ва ҳалқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялаш вазифаси ҳал қилувчи масаладир.

Таъкидлаш жоизки, бу жараён юртимиэда ўта мураккаб шароитда – мустабид шўро тузуми барбод бўлган ва янгича ижтимоий муносабатлар қарор топаётган кескин бир вазиятда юз берди¹⁷.

Миллий ғоя тарғиботи технологиялари жамиятимизнинг тараққиётини мустаҳкамлашга хизмат қиласидиган, шу заминда яшаётган барча ҳалқларнинг манфаат-

¹⁷ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008. - 76-77-б.

ларини ўзида мужассам эта олиши билан муҳим. Инсонияти жамияти пайдо бўлибдики, уларнинг мақсадлари мавжуд бўлган ва муштарак эзгу гояга бирлашган. Ҳатто мана шу бирлашув уларнинг ҳимояланиш воситаси сифатида талқин қилинган. Миллий гоя умуминсоний тамойиллар ва миллий анъаналаримиз, тарихимиз, қадриятларимиз уйғунлигига асосланади. Шунингдек, шу Ватаннинг барча фуқароларининг мақсад-интилишларини ўзида мужассамлаштирган бош гоя: “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш пировард мақсадимиздир. Эндиликда олдимиизда турган энг муҳим вазифа – ана шу юксак тушунчалар билан бирга миллий ғоямизнинг узвий таркибий қисмларини ташкил қиладиган комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби тамойилларнинг маъно-моҳиятини бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган маънавий-маърифий, таълим-тарбия ишларининг марказига қўйиш, уларни янги босқичга кўтариш, ёш авлодимизни ҳар томонлама мустақил фикрлайдиган дунёқараш эгалари қилиб тарбиялашдан иборат”,¹⁸ – дейди И.А.Каримов.

Миллий гоя – “якка мафкурани мутлоқлаштириш”, бирорларни ўз “измига” бўйсундириш, бир миллатнинг устунлигини тарғиб этиш хусусиятларидан йироқ эканлиги билан алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон ҳам мустақилларининг дастлабки кунлариданоқ, миллий манбаатларимизни умуммиллий миқёсда ҳимоя қилиш хусусиятига эга бўлган, мукаммал қарашларимиз ва тарихимизни ўзида намоён қиласидиган миллий гоясини эълон қилиб, аввало, дунёнинг ҳеч бир мамлакатидан кам бўлмаган демократик қадриятларга асосланган ҳукуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш вазифаларини амалга оширмоқда.

¹⁸ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас кучи. – Т.: “Маънавият”, 2008. -75-6.

Эндиги муҳим масала халқарвар миллий ғояни тарғиб этиш, кенг жамоатчиликка тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиш билан боғлиқ бўлиб, бу миллий ғоянинг такомилида муҳим ва асосий босқич ҳисобланади. Жамият аъзоларини миллий ғоя негизлари асосида бирлаштириш ва унга бўлган эътиқодини шакллантириш Ўзбекистоннинг хавфсизлиги ва тараққиёти нуқтаи назаридан алоҳида стратегик аҳамият касб этади.

Миллий ғоя тарғиботи воситалари. Жамиятда бугун миллий ғоя тарғиботининг ташкил қилувчи муҳим воситалари мавжуд. Улар қўйидагилардан иборатdir:

- инсон;
- оила;
- жамият;
- маҳалла;
- оммавий ахборот воситалари;
- демократик институтлар, жамоат бирлашмалари ва б.

ОАВ – миллий ғоя тарғиботининг муҳим воситаси.

Оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг доимий номга эга бўлган ҳамда босма тарзда (газеталар, журнallар, ахборотномалар, бюллетенлар ва бошқалар) ва (ёки) электрон тарзда (теле-, радио-, видео-, кинохроникал дастурлар, умумфойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларида веб-сайтлар), олти ойда камида бир марта нашр этиладиган ёки эфирга бериладиган шакли ҳамда оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг бошқа шакллари оммавий ахборот воситасидир¹⁹. Миллий ғоя аҳолининг кенг кўлами орасида тарғибот ва ташвиқот ишларнинг такомилида, шубҳасиз, оммавий ахборот воситалари (ОАВ) етакчи ўринни эгаллайди.

Оммавий ахборот воситаларининг бугунги кундаги роли ҳақида И.А. Каримов "Бугун ҳётнинг ўзи олдимизга фуқаролик жамияти институтлари тизимида

¹⁹ Lexuz. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 15 январда қабул қилинган "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конунига ўзgartиши ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Конуни.

оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ролини янада мустаҳкамлаш вазифасини қатъий қилиб қўймоқда. Оммавий ахборот воситаларини янада эркинлаштириш, нодавлат матбуот нашрлари, радио, телевидение фаолиятини жонлантириш, уларнинг Интернет глобал тармоғига кириш имкониятларини кенгайтириш, олиб борилаётган ислоҳотлар сиёсатининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашга, кучли фуқаролик жамиятининг изчил шаклланишига мадад бериши даркор”²⁰.

Хукуқий демократик жамият қуришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва роли бениҳоя катта. Шўролар даврида Ўзбекистонда фаолият кўрсатган оммавий ахборот воситалари ўз миллий заминидан узилган эди. У ўзбек халқига, Ўзбекистонга хизмат қилмас эди. Оммавий ахборот шўролар замирида коммунистик мафкуранинг дастёри сифатида меҳнаткашлар оммаси онги ва дунёқарашиба тобелик, қарамлик ва қуллик ғояларини тарғиб қиласа ҳудуди қиритгандан сўнг ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларида бўлгани сингари оммавий ахборот воситалари олдида туб сифат ўзгаришлар даври бошланди. У ўзининг миллий негизига эга бўлди. Мамлакат ижтимоий сиёсий ҳаётидаги рўй берган туб сифат ўзгаришлари оммавий ахборот воситалари олдига ҳам мутлақо янги талабларни қўйди. У ҳам бўлса, мамлакат фуқаролари ўртасида миллий ғояларни холисона тарғибот қилиш асосида уларни келажаги буюк Ўзбекистонни яратишдек, шунингдек, уни доимо ҳимоя қилишдек, давлат олдида фуқароларнинг маъсуллиятини оширишдек ишларга оммавий сафарбар этишдан иборат эди. Бу улуғвор ва олийжаноб вазифаларни амалга ошириш учун оммавий ахборот воситаларининг хукуқий асослари яратилди. Шу боис, Ўзбекистонда ом-

²⁰ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонуқчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги мательзуза. 2010 йил 12 ноябрь. – Т.: 2010. – 5-6.

мавий ахборот воситаларининг мустақил республика мезонларига жавоб бера оладиган юридик мақомларини белгилаб берувчи ҳужжатлар мажмуаси қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси бош Қомусининг 67-моддасида: "Оммавий ахборот воситалари эркиндин ва тўла қонунга мувофиқ ишлайдилар. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавоб берадилар. Цензурага йўл қўйилмайди"²¹, деб белгилаб қўйилган. Бугун жамиятимизни оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур қила олмаймиз. ОАВ матбуот, телевидение, радио, ахборот агентликлари, интернет сайtlари ва ҳоказолардан иборат. Жамиятдаги ижтимоий, сиёсий жараёнларда етакчи ўринни эгаллашини ҳисобга олган ҳолда бугун ОАВ "тўртинчи ҳокимиёт" даражасида эркинлиги зътироф этилди.

Миллий ғоя тарғиботида ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Бу бугун устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Кейинги йилларда нодавлат оммавий ахборот воситаларини қўллаб-кувватлаш, уларнинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш мақсадида бир қанча жамоат ташкилотлари ташкил қилинди. Ўз таркибида 100 дан ортиқ электрон оммавий ахборот воситасини бирлаштирган Нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-кувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди шулар жумласидандир.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг, ахборот технологиялари ва тизимларини қўллаган ҳолда ахборот ресурсларидан фойдаланиш механизмларини белгилаб берган янги таҳрирдаги «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши оммавий ахборот воситаларини модернизация қилишни жадал ривожлантириша мухим аҳамият касб этди.

²¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т: "Ўзбекистон", 2008. -4-6.

Ўзбекистонда кейинги йилларда сунъий йўлдош алоқа тармоғи орқали телерадиодастурларни тарқатиш йўлга қўйилди. Бугунги кунда мамлакатимиз телекоммуникациялар тизими дунёнинг 180 та мамлакатига 28 та йўналиш бўйича тўғридан-тўғри чиқадиган халқаро каналларга эга. Юртимиздаги телерадиоканаллар томонидан тайёрланаётган кўрсатув ва эшилтиришлар Интернет глобал тармоғи орқали реал вақт режимида жаҳонга узатилмоқда.

Дунёдаги етакчи мамлакатлар тажрибасига таянган ҳолда кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш миллий тизимининг такомиллаштирилиши ахборот соҳасидаги фаолиятнинг сифати ва савиясини оширишга қаратилган чора-тадбирлар тизимида кўп жиҳатдан ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

Бундай кенг миқёсдаги ишлар натижасида фақат кейинги 10 йилнинг ўзида босма оммавий ахборот воситаларининг сони 1,5 баробар, электрон оммавий ахборот воситаларининг сони эса 7 баробар кўпайиб, бугунги кунда уларнинг умумий сони қарийб 1200 тага етди. Мавжуд барча телеканалларнинг қарийб 53 фоизи, радиоканалларнинг эса 85 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситалари ҳисобланади. Оммавий ахборот воситалари Ўзбекистонда яшайдиган миллат ва элатларнинг 7 та тилида фаолият олиб боради, шунингдек, босма материаллар ва телекўрсатувлар инглиз тилида ҳам тарқатилмоқда.

Яна бир муҳим янгилик эфир орқали узатиладиган материалларни тайёрлаш жараёнига замонавий рақамили ва мультимедиа технологиялари жорий қилинаётганида намоён бўлмоқда. Юртимизда Интернет тизимидан фойдаланувчилар сафи жадал суръатлар билан кенгайиб бормоқда. Бугунги кунда уларнинг сони 10 миллиондан ортгани ҳам буни тасдиқлаб турибди²².

²² Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Маҷлиси Конунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. – Т: 2010. – 5-6.

Оммавий ахборот воситаларига мамлакатимизда амалга оширилаётган ички ва ташқи сиёсатни, юртимизда ва хорижда содир бўлаётган воқеаларни фикрлар хилма-хиллигини ҳисобга олган ҳолда янада фаолроқ ёритиш учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Нодавлат оммавий ахборот воситаларининг тобора кенгайиб бораётган тармоғи фаолиятининг, муаллифлик ҳуқуқи ва интеллектуал мулк ҳимоясининг, шунингдек, ахборот соҳасига бозор механизмларини жорий этишнинг норматив-ҳуқуқий базаси такомиллаштирилмоқда. Шу боисдан ҳам мамлакатимизда эркин фаолиятга асосланган ОАВ шакллантирилди ва унинг фаолиятини такомиллаштириш ва ривожлантириш мақсадида, аввало, ҳуқуқий кафолатларни яратишга киришилди. 1997 йилда "Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида"ги, 1998 йилда "Реклама тўғрисида"ги, 2003 йилда "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги, 2004 йилда "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги, 2007 йилда "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги, 2015 йилда "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги қабул қилинган қонунлар²³ юқоридаги фикримизнинг амалий тасдиғидир. 1999 йил Ўзбекистон жаҳон тиллари университетида Халқаро журналистика факультетининг ташкил этилиши ўзбек журналистикаси тарихида муҳим воқеа ҳисобланади.

Матбуот миллый истиқлол учун жамиятни демократлаштириш ва келажаги буюк Ўзбекистоннинг тарақкий этиши, миллый ғоя ва миллый манфаатлар ташвиқотининг ўткир қуроли эканлиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Айниқса, бугунги кунда жамиятнинг ҳар бир оиласи ва аъзоси ОАВсиз ҳаётини тасаввур эта олмаслиги ва ҳеч бўлмаганду у билан боғлиқ равишда яшаётган бир даврда бу ҳақиқат янада ойдинлашади. Бугун оммавий ахборот воситаларини "тўртинчи ҳокимият"

²³ Lex.uz.

сифатида талқин этилишининг боиси демократик давлатларда ҳокимият бўлинишининг уч тамойили амал қиласа-да, уларнинг фаолиятларини такомиллаштириш ва уларни халқ билан боғлашнинг асосий воситачиси бўлган оммавий ахборот воситалариdir.

Бу ўринда миллий гоя таргигботида оммавий ахборот воситаларининг ўрнини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Биринчидан, оммавий ахборот воситалари маълумотларни тезкорлик билан етказиш имкониятига эга. Иккинчидан, бугун инсонлар ҳаётининг барча жабҳаларига кириб боришга улгурди, ўзига хос тарзда маълумотлар манбасига айлануб қолди. Оммавий ахборот воситаларининг асосий "талабгорлари" ёшлар қатлами бўлиб, айни оммавий ахборот воситаларининг турли кўринишлари орқали миллий гоя таргигботини ёшига мос тарздаги кўрсатувлар, радиоэшиттиришлар тарзида етказиб берилса, айни мақсадга мувофиқ бўлади. Бугун глобаллашув даврининг яна бир йирик кашфиёти сифатида баҳоланаётган Интернет тизимининг яратилиши ОАВ яратилиши тарихида улкан тарихий бурилишни ясади ва дунё мамлакатлари ўртасидаги "чегаралар янада яқинлашди". Ушбу тизим бўйича дунёning исталган мамлакати билан унинг маҳсус сайтлари орқали алоқа қилиш, шунингдек, ахборотларни узатиш ва қабул қилиш имконияти пайдо бўлди. Зеро, фақатгина интернетнинг ўзи фан ва техника, сиёсат, иқтисод ривожида, умуминсоний ва миллий маданиятнинг ўзаро таъсирида, ягона ахборот тизими ни яратиш соҳасида инсоният учун янги имкониятларни очиб берди. Интернетнинг пайдо бўлиши XX асрнинг 60-йиллари охири ва 70-йиллари бошларига тўғри келади. Оқибатда интернет илмий, тижорат ва нотижорат ташкилотлари, мустақил матбаа ва оммавий ахборот воситалари фойдаланиладиган глобал тармоққа айланди. 1991 йилда Англия ва Норвегия уланган интернетга 1992 йилда АҚШ бирлашди. 1996 йилнинг ўзида 50 миллион абонентлар қаторига Ўзбекистон ҳам аъзо бўлиб

кирди. Интернет бой ахборот манбай ва унга хоҳлаган пайтда, ҳар қандай вазиятда мурожаат қилса бўлади. Унда рекламалар, тижорат таклифлари ва эълонлари, ТВ ва радиодастурлари, йирик газета ва журналларнинг электрон нусхалари эълон қилинади. Аммо масаланинг яна бир муҳим, ўткир жиҳати борки, бугун бу жараён носоғлом "ахборот хуружлари" билан ҳам bogлиқdir. Бугунги кунда жамиятга жиддий хавф туғдираётган ётғоялардан бири терроризмнинг асосий қуроли ҳам ядро қуроли эмас, балки интернет бўлиб қолаётганлиги фикримизнинг исботидир. Яна масаланинг асосий томонларидан бири интернетда ахборотларни тез тарқатиш хусусияти мавжуд эканлиги террористларнинг асосий манбасига айланаб қолди. Ахборотлар чегара билмас экан, оммавий ахборот воситалари айни пайтда инсоният учун катта имкониятлар манбаси бўлиш билан бир қаторда унинг том маънодаги "кушандаси" ҳамдир. Бугун биз дунёнинг кўплаб мамлакатларидаги террористик ва бузғунчилик ҳаракатларидан олдин тарқатилган интернет маълумотлари мисолида кўришимиз мумкин. Испанияда 2003 йилдаги, Англия метросидаги 2005 йилдаги, Россияда 2006 йилдаги террористик хатти-ҳаракатлар олдиндан турли пайтларда аниқлаб бўлмас порталлар орқали маълумот сифатида тарқатилган. Бундан ташқари, интернет "оммавий маданият"нинг кириб келиши учун асосий йўлак ҳамдир. Глобаллашув дунё халқлари ўртасидаги муносабатлар тизими экан, унинг тузилмаси турли муносабатлар асосига қурилади. Оммавий ахборот воситалари тарғиботларни турли йўсинда амалга ошириши мумкин бўлиб, уларда реклама ва эълонлар асосий роль ўйнайди. Реклама ва эълонларда маълум бир маҳсулотнинг тақдимоти орқали асосий етакчи давлатга хос ва мос бўлган гоя тарғиб этилади.

Бугун оммавий ахборот воситалари "оммавий маданият"нинг асосий кўринишларидан бири бўлган турли үйл кинофильмлар ва сериаллар билан ўз мижозларига

эга бўлмоқда. Бу ўринда ўзининг шахсий манфаатларини кўзлаётган кучлар нисбати ҳақида жиддий ўйлаб кўриш лозим. Чунки айнан оммавий ахборот воситаларининг турли кўринишлари орқали жамиятга "ёт ғоялар"нинг кириб келиши ҳам тезлашади. Шу мақсадда турли хил кинофильм ва сериаллар, гарб кўрсатувларини тақдим этаётган телекомпаниялар фаолиятини янада такомиллаштириш ва оммавий назоратни кучайтириш, маънавий-мафкуравий иммунитетни ошириш миллий гоя таргиготи нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳар миллат анъанавий тараққиёт негизларига эга бўлиб, бу ўринда, албатта, замонавийликни ҳам инкор этмаслиги лозим. Анъанавийлик ва замонавийлик ўртасидаги кўприк вазифасини бажариши лозим бўлган жамият ижтимоий институтларидан бири ҳам айнан оммавий ахборот воситаларидир. Аммо жаҳон оммавий ахборот воситалари фақатгина ўз "мижозлари"га эга бўлиш мақсадида анъанавийликка эскилиқ сарқити сифатида қараш, янги замонавий кўринишга эга бўлган манбалардан кўпроқ фойдаланиш ҳолатлари, афсуски, ҳозирги кунда учраб турибди. Миллий гоя таргиготи ўз навбатида, оммавий ахборот воситалари олдига катта ва ўз ўрнида масъулиятли вазифаларни юклайди. Фақатгина кўрсатишнинг ўзи етарли эмас, балки, турли тушунтириш ишларини оммалаштириш, унга фуқароларни жалб қилиш орқали ташвиқотни янада кучайтириш, гарбона клипларнинг ўрнига миллийлик ва умуминсоний маданият руҳи билан суғорилган кўрсатувларни намойиш этиш, аста-секинлик билан ҳаммабоп теледастурлар тизимини яратиб бориш оммавий ахборот воситаларининг эзгу гоя таргиготидаги муҳим жиҳатлардан бири ҳисобланади.

Ахборот хуружига қарши курашиш – давлат томонидан маҳсус метод (сиёсий, иқтисодий, дипломатик, ҳарбий)лар, усуллар воситасида, ички ва ташқи ахборот маконида ўз манфаатларини ҳимоялашнинг мажмуавий тизимиdir. Ахборот-психологик хавфсизликни таъмин-

лаш қуидаги асосий соҳаларда олиб борилмоқда:

- сиёсий (давлатнинг ички ва ташқи сиёсат) фаолиятида;
- дипломатик (халқаро ва давлатлараро) муносабатларда;
- давлатнинг сиёсий ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларида;
- ҳарбий (мудофаа тизимини мустаҳкамлаш).

Давлатларнинг миллий манбаатларига жиддий хурож сифатида намоён бўлаётган омиллардан бири – глобал ахборот хуружи энг юқори даражани ташкил қиласди. Халқаро ахборот маконидан ўзаро курашувчи манбалар ўзаро вақтинча бирикиб, муайян давлатга қарши ахборот хуружини ташкил этишади. Асосий мақсад хуруж таъсири остига олинган давлатнинг ички ахборот маконини таназзулга учратиш, халқаро ахборот маконида ўша давлатни ўз позициясидан маҳрум қилишдир.

1998 йилда техника фанлари доктори С.Расторгуев ўзининг "Ахборот уруши"²⁴ номли китобида ахборот урушининг барча йўналишлари, омиллари аниқ ва қисқа тарзда кўрсатилган:

- бошқарув тизими (ҳокимият тармоқларини назорат қилиш);
- аҳоли фикрини ўзгартириш воситалари (ОАВ ёрдамида);
- терроризм (давлатни таҳликага солиб мақсадга эришиш);
- иқтисодий хуруж, иқтисодий бошқарув воситалари;
- иқтисодий дастур (иқтисодий таназзулга ёки қарамликка олиш);
- умумхалқ овоз беришлари ва ҳ. к. (сиёсий жараёни бузиш).

Мазкур хужжатдаги маълумотлар методик характерга эга бўлиб, улар шундай тузилганки, ахборот хуружининг мазмун-моҳиятини англай оладиган ҳар қандай шахс уни фаолиятида ишлатиши мумкин.

²⁴ С.Расторгуев. Информационная война, 1998. – С. 139–140.

Мустақилликка эришган мамлакатлар, жумладан, Ўзбекистон учун ҳам бундай хавфларни бартараф этиш масаласи жиддий ғоявий муаммолар доирасига киради. Ғоявий-мафкуравий жараёнлар мураккаблашиб бораётган, унинг янги усуулари ўйлаб топилаётган ҳозирги кунда ушбу таҳдид ва таъсирларга фақат кучли гоя, ўзликни англаш, соғлом ғоялардан иборат мафкурагина қарши тура олади. Шунинг учун ҳам И.А. Каримов томонидан юксак мафкуравий маданиятни мужассам этган "фикрга қарши фикр, ғояга қарши гоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш" тамойили назарий жиҳатдан асослаб берилди ва мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воситаларининг фаолият дастурларида кенг амалиётга жорий қилинмоқда.

Ўзбекистонда цензурунинг ман қилиниши билан оммавий ахборот воситаларининг эркин фаолияти учун зарур шарт-шароитлар шаклланди.

Мазкур масаланинг жамиятимиз тараққиётида тутган ўрни ҳақида тўхталиб, мамлакатимиз Биринчи Президенти И.А. Каримов шундай деган эди: "Ҳозирги кунда коммуникация ва компьютер технологиялари аслида, интернет кундан-кунга ҳаётимизнинг барча жабхаларига янада чуқур ва кенг кириб бораётган бир пайтда, одамларнинг онги ва тафаккури учун кураш ҳал қилувчи аҳамият касб этаётган бир вазиятда бу масалаларнинг жамиятимиз учун нақадар долзарб ва устувор бўлиб бораётгани ҳақида гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ".

Ахборот макони глобаллашувнинг ҳозирги босқицида интернетнинг миллий ва халқаро компаниялар, даврий матбуот, ТВ ва радио билан муносабатлари янада кенгайиб, бойиб бормоқда. Демак, оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада либераллаштириш орқали миллий ғоя тарғиботи технологияларининг мазмунини ошириш – давр талаби ҳисобланади.

Миллий ғоя тарғиботи ахборот хуружининг олдини олишнинг муҳим шарти. Глобаллашув таҳдид-

лари хуруж қилаётган бугунги кунда миллий ғоя юксак ватанпарварликнинг бўлишини тақозо этади. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида "Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қандай мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас"²⁵лиги белгилаб қўйилган. Буни фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашишда ҳисобга олиш, унга таянган ҳолда тарғиботни амалга ошириш ва ахборот хуружларидан ҳимояланишда муҳим аҳамият касб этади.

Миллий ғоя халқимизнинг юксак маънавияти, анъана ва удумларига таяниб, у ўзида эркинлик, мустақиллик каби туйғуларни акс эттиради. Бутун инсоният тарихида муайян миллатга хос мақсадларни ифодалашга хизмат қилувчи ғоя, унинг асосий тушунчалари ва тамойилларини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Ўз ватанининг маънавий-иктисодий салоҳиятини кундан-кунга юксалтириб боришида фаол иштирок этаётган барча кишиларнинг фаолияти шу вазифани бажаришга қаратилган.

Миллат ўзини халқ сифатида, эл сифатида англамагунча, у ўзининг обрўйи, қадр-қиммати, ор-номуси ҳақида қайғура олмайди, миллий ғурур ва ифтихор туйғусини тўла ҳис эта олмайди. Ўзликни англаш халқни уйғотувчи, фаол ҳаракатга келтирувчи, уюштирувчи куч. Шарқ ва Фарбда, Осиё ва Европа халқлари ҳаётида ҳам ўзликни англаш туйғусининг уйғониши, пировард натижада унинг юксалишига, бирлашишига, бошқа халқлар билан мулоқотга киришувига туртки бўлган.

Бугунги кунда Ўзбекистон истиқболини асраб-авайлаш, уни сақлаб қолиш, Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигига асосланадиган миллий ғояга асосланган ўзликни англаш туйғуси ниҳоятда муҳим.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов: "Миллий ғоя биринчи навбатда ёш авлодимизни ватанпарварлик,

²⁵ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т. 2014. –14-6.

эл-юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбиға инсонпарварлик ва одамийлик фазилатларини пайванд қилишдек олижаноб ишларимизда мададкор бўлиши зарур”,²⁶ – деб таъкидлайди.

Миллий гоя одамларни эзгу гояларга ишонтириш, уюштириш, олижаноб мақсадлар сари сафарбар этишда маънавий-руҳий жиҳатдан улкан аҳамиятга эга. Чунки халқнинг руҳи, кайфияти, ҳиссий кечинмалари ва фаолият кўрсатишига шайлиги унинг ҳаракат дастури бўлган умуммиллий гояга ишончи билан белгиланади. Ана шундай ишонч жамият аъзоларида мустаҳкам эътиқодни шакллантириб, уларни жипслаштиради, мамлакат фуқароларини ўзаро тотув, дўст ва иноқ бўлиб яшашга, ўз манфаатларини Ватан манфаатлари билан уйғунлаштиришга чорлайди.

Миллий гоянинг мақсад ва вазифалари умуминсоний қадриятлар устуворлиги тамойилига тўла-тўқис мос келади. У мамлакатнинг жаҳондаги илғор давлатлар тажрибаси асосида мағкуравий жараёнларда фикрлар хилма-хиллиги ва қарашлар ранг-баранглиги, демократик эркинликлар ва инсон ҳуқуқларини сақлашга доир халқаро андозаларга ҳамоҳанглиги билан ҳам аҳамиятга эга. Глобаллашув даврида миллий гоя таргигботи муҳим аҳамиятга эга.

Глобаллашув муаммоларига турли соҳалар бўйича ёндошув ҳамда талқинлар бир-бирини инкор этмайди. Аксинча, улар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Зоро, глобаллашув инсон ва жамият ҳаётининг барча тармоқларини қамраб олган жараёнлардир. Хусусан, у объектив жараён сифатида, аввало, жаҳон иқтисодиётининг турли жабҳалари ўртасида кучайиб бораётган боғлиқликни акс эттиради.

Глобаллашув, айниқса, юқори технологиялар соҳасида фаоллашмоқда. Жумладан, АҚШ расмий манбаларининг маълумотларига кўра, Интернетдан фойдаланувчилар сони 1994 йилда 3 млн. киши бўлган бўлса, 1998

²⁶ Каримов И.А. Жамиятимиз мағкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин. – Т.: “Ўзбекистон”, 1998. – 15-б.

йили 100 млн. кишига етди. Биргина Россия Федерацииси бўйича 2003 йилда мобил телефондан фойдаланувчилар сони эса 2003 йил 10 млн. кишини ташкил этди.²⁷ Бугунги кунда уларнинг сони йилдан йилга ошиб бормоқда.

Экспертлар хulosасига кўра, радио орқали 50 млн. кишини қамраб олиш учун эса 13 йил керак бўлган.

Талаба-ёшларнинг ахборот хавфсизлигини таъминловчи омиллардан бири маънавий-маърифий дунёқаражнинг шаклланганлигидир. Маънавий-маърифий онгнинг шаклланганлиги натижасида, ташқаридан кириб келаётган ахлоқсизлик ғояларига қарши туриш мумкин.

Ёшлар онгига трансляция қилинаётган ахборот хуружи ғояларидан бири ахлоқсизликдир. Бу ғоя ўз таъсири ва етказган зарари бўйича экстремизм, тероризм, наркомания каби офатлардан қолишмайди.

Мустақил давлат ёшларининг онгини ғоявий таъсирлар ёрдамида бузиш, ғарбнинг таъбири билан айтганда, мустақил давлат ҳаётига барча халқаро ҳуқуқий нормава халқаро хужжатларга зид равишда аралашишдир.

Нима учун халқаро ҳуқуқ ва нормаларнинг бузилишига ғарб жамоатчилиги, «Рейтер», «Эй-Би-Си», «Би-Би-Си» каби ахборот агентликлари сиёсий ахлоқсизлик агрессиясига қарши курашиб ўрнига кузатувчилик позициясида турганлиги кишини ўйлантиради.

Аммо дунёда ҳар бир миллатнинг, халқнинг ўзи томонидан қабул қилинган миллий ғояси, маънавий-ахлоқий нормалари, маданий ривожланиш тамойиллари бор. Буни ҳеч ким ҳеч бир қонун ва ҳуқуқшунос инкор эта олмайди.

Ўзбекистон мустақил давлат сифатида жаҳондаги илғор мамлакатлар билан ҳар томонлама ҳамкорлик алоқаларини олиб бораётган бугунги кунда жамиятимизда миллий ғоянинг роли катта.

²⁷ Глобализация: проблемы международного сотрудничества и решение общечеловеческих задач. //ФГУВПО "Поволжская академия государственной службы им. П.А. Столыпина", 2005. – С. 16.

Миллий ғоя ҳар бир кишининг жамият, юрти, миллати, ўзи ва оиласи олдидаги бурч ва масъулиятини қайдаражада ҳис этаётгани ва бажараётганини белгилайдиган маънавий мезондир.

Ахборот хуружларининг олдини олишда миллий ғоянинг аҳамияти қуидагилар билан белгиланади:

– мамлакатнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг ҳудудий яхлитлиги ва сарҳадлар дахлсизлигини таъминлашда ёрдам беради;

– қонун устуворлиги, демократия ва ўзини-ўзи бошқаришнинг ҳаётда мустаҳкам ўрин эгаллаётганига асосланганлиги;

– миллий ва умуминсоний қадриятларнинг уйғулигига таяниш;

– ҳалқаро ҳукуқ қоидаларига мос келади.

У давлатнинг бош ислоҳотчи эканлиги ва мамлакатда ижтимоий барқарорликнинг ҳамоҳанглиги, жамият ҳаётининг барча соҳалари эркинлашуви, ислоҳотларнинг тадрижийлигига хизмат қилиши билан белгиланади.

Таянч тушунча: Миллий ғоя тарғиботи воситалари. Глобаллашув ва миллий ғоя тарғиботи уйғулиги, Ахборот хуружи, Миллий ғоя тарғибот воситалари, Ахборот уруши, Миллий ғоя тарғиботида миллий ва умуминсоний негизлар.

Мавзуни мустаҳкамлаш бўйича топшириқлар

1. Миллий ғоя тарғиботи воситаларини "Кластер" усулида таҳлил қилинг.

2. Концепциядан ахборот ва сўз эркинлигини таъминлашнинг миллий ғоя тарғиботида имкониятларини кўрсатинг.

3. Ахборот хуружлари ва унинг олдини олишда миллий ғоя тарғиботининг аҳамиятини асосланг.

4-МАВЗУ: МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРҒИБОТИДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИК УСЛУБЛАР

Режа:

1. "Замонавий технологик услублар" тушунчаси, унинг таърифи ва тавсифи.
2. Миллий ғоя тарғиботида замонавий технологик услублардан фойдаланиш шарт-шароитлари ва омиллари
3. Замонавий технологик услублардан мағкуравий мақсадларда фойдаланишинг салбий оқибатларини бартараф этиш йўллари.

"Замонавий технологик услублар" тушунчаси, унинг таърифи ва тавсифи. Ҳозирги кунда "замонавий технологиялар" тушунчаси жамият ҳаётининг турли соҳаларида, айниқса, таълим-тарбия соҳасида кенг қўлланилмоқда. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, юқори меҳнат унумдорлигига эришиш, экспорт салоҳиятини ривожлантириш учун қўлланилаётган фан ва техника ютуқлари "замонавий технологиялар" тушунчасида ўз ифодасини топмоқда.

Миллий ғоя тарғиботида, уни ёшлар онги ва қалбига сингдириш жараёнида ҳам эскирган услуг ва зерикарли ваъзхонликдан воз кечиб, замонавий технологиялардан, яъни янгича маҳорат усулларидан фойдаланиш юқори самара бериши шубҳасиз.

Унинг икки жиҳатини ҳисобга олиш керак бўлади: биринчидан, фан ва техниканинг турли соҳаларида қўлга киритилган ютуқлари; иккинчидан, миллий ғоя тарғиботида ана шу илмий-техник тараққиёт меваларидан маҳорат билан фойдаланишинг ғоявий-мағкуравий услубларидаги янгиликлар, ўзгаришлар.

Демак, "Замонавий технологик услублар" тушунчасини миллий ғоя тарғиботига нисбатан қуйидагида таърифлаш мумкин: **"миллий ғояни тарғиб ва ташвиқ**

этишда фойдаланиладиган илм-фан ютуқлари, энг сўнгги натижаларига таянган техник воситалар ҳамда улардан фойдаланиш маҳоратидаги янгича ғоя, қараашлар, услублар ҳамда инновацион технологиялар мажмуи".

Уларни қўйидаги йўналишларда ифодалаш мумкин:

1) таълим ва тарбия соҳасига доир замонавий технологик услублар;

2) фан ва илмий муассасаларда қўлланиладиган замонавий технологик услублар;

3) маданият ва маданий-маърифий муассасалар фаолиятида қўлланиладиган замонавий технологик ўзгаришлар;

4) адабиёт ва санъат соҳасидаги янгиликлар, улардан фойдаланишдаги технологик услублар;

5) дин соҳасида замонавий технологиялардан кенг фойдаланилаётганлиги;

6) жисмоний маданият ва спорт соҳасидаги янги технологиилар;

7) урф-одат, маросим ва байрамларнинг янгича асосда ташкил этилганлиги;

8) оила, маҳалла, меҳнат жамоаларидағи янги ютуқлар, ўзгаришлар;

9) ОАВ ва жамоат бирлашмалари фаолиятидаги янги техник ва технологик ўзгаришларни ҳисобга олиш ва ҳ.к.

Миллий ғоя тарғиботини амалга оширишда замонавий технологиилардан унумли фойдаланишнинг биринчи мухим шарти – улардан тизимли фойдаланиш, ўқув жараёнини режалаштириш амалиётида қўллашдир. Миллий ғоя тарғиботида замонавий педагогик интерфаол усуллардан фойдаланиш юксак самарадорликка эришиш имконини беради.

Миллий ғоя тарғиботини амалга ошириш йўлида жамиятимиздаги барча кучлар – давлат ва нодавлат ташкилотлари, сиёсий партиялар фаол иш олиб бормоқда. Илғор жамоатчилигимиз, зиёлиларимиз бу эзгу

ишга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Бугун одамларимизнинг онги ва тафаккури ўзгарди. Интернет тизими, мобил алоқа улар учун кундалик талабга айланди. Айни пайтда биз ўз ғоямизни юртдошларимиз, айниқса, ёшларимиз қалби ва онгига сингдирмасак, бошқалар бизга ёт ва заарли ғоясини сингдиршишга ҳаракат қиласди. Шунинг учун юқорида қайд этилган соҳаларнинг ҳар бир субъекти бунга алоҳида эътибор бериши керак. Бу соҳаларнинг замон билан ҳамнафас ҳолда фаолият юритиши, мамлакат истиқболи тўғрисида қайғуриш, тинмай изланиш, илмий ихтиrolарни амалга ошириш ва уларни ҳаётга татбиқ этишини тақозо этади.

Мафқуравий кураш тобора кучайиб бораётган ҳозирги глобаллашув даврида миллий ғоя тарғиботида қуйидагиларни эътиборга олиш жуда муҳимдир:

- 1) тарғибот мақсадларини аниқ билиш;
- 2) тарғибот янгиликларини ўрганиб бориш ва ҳисобга олиш;
- 3) ғоявий-мафқуравий жиҳатдан алоҳида эътибор бериш лозим бўлган ижтимоий қатлам ва гуруҳларни аниқлаш;
- 4) тарғибот олиб бориладиган аудиториянинг хусусиятларини билиш;
- 5) тарғиботнинг стратегик йўналишларини, мавзуларининг мазмун-моҳиятини, уларнинг ўзгарувчанлигини ҳисобга олиш тақозо этилади.

Миллий ғоя тарғиботи замонавий технологиялари бир тизимга солинган, комплекс ёндашувга асосланган, мунтазам ва даврий бўлиши керак. Бу борада мутасадди ташкилотлар томонидан муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Лекин замон талабларига жавоб бериш учун фақат тарғибот билан чекланиб қолиш етарли эмас.

Маънавият соҳасидаги бугунги таҳдидларни чукур ўрганиш, уларни аниқлаш, уларга нисбатан ўз вақтида муқобил чоралар кўриш, аҳолида мафқуравий иммунитетни шакллантириш зарур. Айниқса, ёшларни ғоявий

тарбиялаш катта аҳамият касб этади. Замонавий технологиялардан маҳорат билан фойдаланиш гоявий-мафкуравий тарбиянинг кўламини ва таъсирчанлигини оширади. Онг ва тафаккурни фаоллаштиради. Миллий гоя таргиготи технологияларидан фойдаланиш унинг жозибадорлигини оширади. Шунинг учун маънавий-маърифий ишларни аниқ мақсадга қаратилган ҳолда олиб бориш учун унинг методологиясини яратиш, жаҳон майдонларида рўй берадиган жараёнларни ўрганиб борадиган илмий дастурлар ишлаб чиқиш зарур.

Ахборотглаштириш соҳасида ҳам айrim ютуқлар билан бирга қатор муаммолар ҳам мавжуд. Чунончи, виртуал кутубхоналар, информацион-ресурс марказлари пайдо бўлди. Нодавлат нашрлар, хусусий теле-радио студиялари, нашриёт ва босмахоналар, журналистлар уюшмалари вужудга келди. Уларда ишлайдиган, уларни бошқарадиган одамларнинг онги ва тафаккури кескин ўзгарди. Ҳолбуки, 90-йилларга қадар бу янгиликларни тасаввур ҳам қилиб бўлмас эди.

Ахборот соҳасидаги бу кучларнинг барчаси ўз ни замни асосида, амалдаги қонунлар доирасида фаолият олиб боради. Давлат томонидан уларнинг фаолиятини чеклаш ёки назорат қилиш ҳолатларига йўл қўйилмайди. Кимдир оммавий ахборот воситалари фаолияти устидан назорат ўрнатишни истаган тақдирда ҳам бунинг имконияти йўқ. Чунки тобора кўпайиб бораётган оммавий ахборот воситалари устидан назоратни амалга оширишнинг ўзи имконсизdir.

Аммо бир ҳақиқатни тан олиш жоиз. Шакли ва фаолият йўналишидан қатъи назар, барча оммавий ахборот воситалари ягона мақсадга – Ўзбекистонимизнинг гуллаб-яшнашига, халқнинг маънавий юксалишига ўз ҳиссасини қўшиши лозим ва қўшмоқда. Бу йўлда барчани бирлаштирувчи ва юксакликка сафарбар этувчи беқиёс куч, шак-шубҳасиз, бизнинг миллий ғоямиздир.

Миллий ғоя тарғиботида замонавий технологик услугблардан фойдаланиш шарт-шароитлари ва омиллари. Ўзбекистонда ҳукуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш аҳолининг турли қатламлари ўртасида миллий ғоянинг мазмун ва моҳиятини тушунтириш, маънавий-маърифий ишларни мақсадли, босқич-ма-босқич, узлуксиз ва тизимли тарзда олиб бориш заруратини туғдиради. Бу жараённинг муваффақиятини таъминлашда замонавий технологик услугблардан фойдаланиш муҳим роль ўйнайди. Ушбу йўналишда олиб бориладиган ишларни амалга оширишда ҳар бир иш режаси, уни амалга оширувчи масъул шахслар, тадбирларни ўтказиш муддати, уларни ташкил этиш, тадбир самародорлигини таъминлаш, яқуний таҳлил этиш, социологик сўровлар, ижтимоий фикрни аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Кўзланган мақсадга эришиш, яъни аҳоли ва ёшлар онги ҳамда дунёқарашига миллий ғоя, маънавият асосларини сингдиришда замонавий сиёсий технологиялар, айниқса, жамоатчилик билан алоқалар (PR – «Public relations») технологияларини қўллаш муҳим ва долзарб масалалардан бирига айланаб бормоқда.

Глобаллашув жараённинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, мағкуравий, маънавий ва экологик йўналишларда тобора кучайиб боришини англаш, унинг ижобий ва салбий жиҳатларини таҳлил этиш, шунингдек, замонавий ахборот технологиялари таъсир доирасининг тобора кенгайиб боришидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир фуқаро, ижтимоий қатлам ҳукуқий манфаатлари, қизиқиши ва жамиятда туттган мақомини эътиборга олиш, турли омил, эҳтиёж, қоида ва талаблар доирасидан келиб чиқиб иш олиб боришни, усуллардан тўғри ва унумли фойдаланишни талаб этади.

Миллий ғоя тарғиботи, маънавий ва маърифий ишларни ташкил этишнинг замонавий технологик услубларида ҳар бир шахс, сиймонинг қарашида муҳим роль ўйновчи омиллар мавжуд бўлиб, уларда:

1. Маданий хусусиятларни ҳисобга олиши лозим.

2. Шахснинг таълим даражасини ҳисобга олиш лозим. Бугунги кунда кўплаб одамларнинг эътиборини тортиш, масалан, олий маълумотлилар ёки турли жамоатчилик вакиллари билан мулоқотлар тобора ранг-баранг бўлиб бормоқда. Бу технологиялардан фойдаланишда ўзига хос ёндашувни тақозо этади.

3. Оиласвий мұхити. Маълумки, болаларнинг фикри, сезиши, дунёқараши, сиёсатга муносабати ва бошқаларни кўпинча ота-онадан олади. Инсоннинг ижтимоийлашувида оиласнинг ўрни жуда катта.

4. Шахснинг жамиятдаги ўрнини ҳисобга олиш. Одамларнинг ижтимоий мақоми ўзгариши билан уларнинг хатти-ҳаракати ҳам ўзгариб туради.

5. Миллий, этник ёки ирқий мансублиги билан боғлиқ хусусиятларни билиш лозим.

Миллий ғоя тарғиботи технологияларидан маънавий-маърифий ишларни ташкил этишдаги эҳтиёж поғоналари қўйида келтирилган:

1. Жисмоний эҳтиёжлар.

2. Иккинчи даражали экзистенциал эҳтиёжлар: ўзининг яшashi учун хавфсизлик талабларини яратиш, ҳаёт фаолиятдаги ҳимоя, шароит, сокинлик ва барқарорлик шароитлари.

3. Учинчи даражадаги социал эҳтиёжлар: боғлиқлик, муҳаббат ва садоқат, маълум гуруҳга мансублик.

4. Тўртинчи даражадаги эҳтиёжлар: тан олиниш, ишонч ва етакчилик, лаёқат ва таъсирчанлик, идрок ва ютуқлар.

5. Юқори даража: ўзини ифодалаш ёки оддий инсон нимага қодир бўлса, ўшангэ зеришиш. Ўзини намоён этиш, ижод орқали ўзини тан олдириш ва мақсадига этишдир.

Ушбу беш даражадаги ҳар қандай шахс ёки социал гурухнинг миллий ғоя тарғиботи, маънавий ва маърифий ишларни ташкил этиш ва бошқаришда эътиборга оли-

ши самара бериши мүмкін бўлган муҳим эҳтиёжлари саналади.

Миллий ғоя тарғиботи, маънавий ва маърифий ишларни ташкил этишда муҳим аҳамиятга эга бўлган куйидаги қоидаларни:

1. Турли омиллардан фойдаланишда ошкора мисол, расм, кўргазмаларни намойиш этишга, кутилмаган ҳаракатлар қилишга, баъзи одамларни койиш ва уришишга шошилмаслик, биринчи навбатда шарт-шароитни ўрганиш ва таҳлил этиш.

2. Одамларни ўзингизнинг қабулингизга чақирманг, уларнинг олдига ўзингиз боринг. Одамларнинг чекланган қизиқишини тушуниб етгандан сўнг жамоатчилик хиссиётларини эътиборга олиш, нимага қодирлиги асосида реал стратегияни ишлаб чиқиш мумкин.

3. Одамларнинг хулқ-атворини ўзгартириш учун умуман тадбирларни бирданига ўзгартиришни ўйламанг. Турли ахборот ва талабларни етказишида асосли ва босқичма-босқич ҳаракат қилиш.

4. Ахлоқий мисолларни келтиришни асосий далил змас, кўшимча восита сифатида кўллаш. Ахлоқий қадриятларни ўзгартириш жуда қийин. Рақибнинг ахлоқсизлиги ҳақида гапиришдан кўра кўпроқ ўз қарорингизнинг устунлигини намойиш этинг, кўпчиликнинг қўллашига алоҳида эътибор беринг.

5. Бош мезондан фойдаланинг. Ҳар қандай иш, тадбирларда аҳолининг барча қатламларини қувватлашга эришинг. Шарт-шароитни ўзгартириш учун унга барча фаол одамларни жалб этинг.

6. Ишонтироқчи бўлган одамларни хафа қилманг. Муаммоларни ўрганиш орқали олинган амалий далиллар натижасига қараганда, одамларга уларни ишонтирган, ёқадиган одам кўпроқ таъсир қиласр экан, чунки уни ўзимизнинг одам деб ҳисоблашади.

Миллий ғоя тарғиботи, маънавий-маърифий ишларига оид айрим талаблар, миллий ғоя тарғиботи, маъна-

вий ва маърифий ишларини ташкил этиш ҳам маълум қонун-қоидаларга бўйсунади, ўзининг маълум тузилишига эгадир. Маънавият дунёқарашлар тизими бўлиб, унинг аниқ тузилмаси бўлиши ва маълум талабларга жавоб бериши керак. Ушбу талаблар миллий гоя таргиготи, маънавий ва маърифий ишларнинг изчиллиги, унинг янада ривожланиши ва ҳаётйлиги имкониятларини белгилайди:

1. Универсал (хар томонлама) бўлиши керак. Яъни, бир неча қонун-қоидалар, йўналишлардан ташкил топган бўлиши, уларнинг ёрдамида ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳаларда кечётган ҳолатларни ёрита олиши керак.

2. Тушунарли бўлиши ва айнан йўналтирилган аҳоли қатламлари манфаатларига жавоб бериши керак. Бу аҳолининг турли социал груп, қатламларига нисбатан белгиланган вазифаларни ечиши керак. Шунинг учун ғоявий, маънавий, маърифий масалалар биринчи навбатда долзарб бўлиши керак.

3. Ғоявий, маънавий ва маърифий ишлар технологиялари консерватив ва "қотиб қолган", эскича бўлмаслиги, яъни ўзгариб турувчи воқеаларга муносабат билдира олиши керак.

4. Маънавият, маърифат ва мафкура қоидаларига мос келиши керак. Миллий гояни жамиятдаги турли қатламлар онгига сингдириш, ўзлигини англаш ва жамиятни бошқариш учун муҳим. Маънавият ва маърифатни ҳам, мафкурани ҳам факат бир соҳа билан боғламаслик керак. Улар ғоя, маънавият ва маърифат соҳаларининг ҳамоҳанглиги ва қамровида бўлиши керак.

Биз ахборотлар асрида яшамоқдамиз. Илмий-техника инқилоби, ахборотлар технологиялари – ишлаб чиқариш, тиббиёт, сиёсат ва бошқаларга жуда катта таъсир этмоқда. Илғор технологияларга эга бўлган давлатлар бошқа мамлакатларга ўз таъсирини ўтказишга уриниши табиий, айнан шунинг учун ҳам дунёда илмий захирава имкониятлар учун кураш тўхтаётгани йўқ.

Маънавий ва мафкуравий ишлар соҳасида эса уларни доимо миллий ғоя, фалсафа, социология, психология ва бошқа фанларнинг замонавий маълумотлари асосида ривожлантириб бориш муҳим вазифа ҳисобланади. Шунинг учун ғоявий, маънавий ва маърифий ишларни такомиллаштириш, ўтмиш сабоқларини ҳисобга олган ҳолда янги шарт-шароитларга мослаштириш лозим. Шундагина ғоявий, маънавий-маърифий ишлар таъсирчан ва смарали бўлади.

Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар бўйича аҳоли ўртасида ўтказиладиган тадбирларда унда қатнашаётган иштирокчилар, уларнинг маълумот даражаси, касби, жамиятда ўрни, мақомидан келиб чиққан ҳолда ташкиллаштиришни, изоҳлашни ва атрофлича тушунчалар бериш орқали амалга оширишни талаб этади²⁸.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, кишиларни фолликка чақирадиган, ҳаракатга ундейдиган ташвиқот кўпроқ самара берар экан. Шунинг учун, «Ватан – сажда-гоҳ каби муқаддасдир» ёки «Ватанни севмоқ – иймон-дандир» ғоялари билан бир қаторда, «Ватан сенинг хизматингга муҳтоҷ», «Ватан учун сен нима қилдинг» қабилидаги ғояларни ҳам тарғиб қилиш яхши самара бериши аниқланган.

Замонавий технологик услублардан мафкуравий мақсадларда фойдаланишининг салбий оқибатлари ни бартараф этиш йўллари. Бугунги кунда айрим хорижий оммавий ахборот воситалари бизга ўз мафкурасини сингдиришга уринаётганини сезиш қийин эмас. Бу ҳақда Ислом Каримов шундай деганди: «**Сир эмас, баъзан бе-озоргина бўлиб туюлган мусиқа, оддийгина мультфильм ёки реклама лавҳаси орқали ҳам маълум бир мафкуравий мақсадлар ва интилишлар ифодаланади.**» Мазкур ҳолат ҳам миллий ғоя тарғиботининг таъ-

²⁸ Каранг: Миллий ғоя илмий-тадқиқотларининг назарий-методологик асоси. 1-китоб. – Андижон, 2008. – 62-66-б.

сирчанлигини оширишни ҳамда ҳар қандай мафкуравий таҳдидларга нисбатан огоҳ бўлишни тақозо этади. Бу эса тарғибот-ташвиқот ишларига янгича технологиялар, ёндашувлар, услугуб ва воситаларни жалб этишни талаб қиласди.

Ёшлар онгига ёт гоя ва бузғунчи мафкураларни сингдиришга қаратилган ахборот-психологик таъсирдан кўзланган мақсадлар қуида келтирилган:

– ёшлар онгида сиёсий ва мафкуравий бепарволикни ҳосил қилиш;

– ёшларнинг маънавий-ахлоқий онгини издан чиқариш;

– «оломон» ёки «тўда» онгини шакллантириш;

– давлатга нисбатан норозилик кайфиятини туғдириниш;

– мавжуд тузумга нисбатан ишончсизлик келтириб чиқариш;

– тартибсизликни вужудга келтириш;

– ёшларни «зомби»га айлантириш ва ҳ.к.

Ахборот хуружига қарши курашда самарага эришиш учун нишонига айланган обьектни аниқ билиш лозим.

Биринчидан, ахборот-психологик хуруж кўпроқ мўлжалга олган обьект жамиятнинг қайси қатламида, қайси ижтимоий групдан иборат; уларнинг муаммоси нима, қизиқишлиари қандай, ҳозирда ва келажакда нимани хоҳлашади, каби саволларга жавоб аниқ бўлиши керак.

Иккинчидан, мамлакат миқёсида янгилик никобида кутилаётган ахборот-психологик таҳдид ва хавф-хатарларнинг йўналишлари қайси томонга йўналтирилганини аниқлаш керак.

Учинчидан, жамият ҳаётида, айниқса, ёшлар ҳаётида ўз ечимини кутаётган долзарб муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этиш, мамлакатимиз эришаётган ютуқларни электрон сайтлар орқали дунё ҳалқларига кўрсатиш ва мавжуд электрон сайтларни янада кўпайтириш ва та-

комиллаштириш, ахборот хизматлари фаолиятини янада ошириш лозим.

Бинобарин, ахборот-психологик хуружлар кучайиши, кўлами кенгайишининг олдини олиш мақсадида кўйидагилар тавсия этилади:

1. Ечимини кутаётган долзарб муаммолар, уларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар ҳақидаги таҳлилий ахборотларни интенсив равишда халқаро ахборот маконига чиқаришни кучайтириш керак.

2. Мавжуд муаммоларнинг ечими ҳақида, уларнинг бартараф этилиши юзасидан давлатнинг олиб бораётган ишлари тўғрисида халқаро жамоатчилик қанчалик кўпроқ маълумотга эга бўлса, ахборот-психологик хуружнинг таъсири шунчалик кам бўлади, яъни хуруж бартараф этилади.

3. Ёшлар онгида мустақил тафаккур, онгли мушоҳада ва танқидий таҳлил кўникмаларини янада ривожлантириш лозим.

4. Давлат амалга ошираётган ҳар бир ислоҳот, ҳар бир жараён ҳақида, сиёсий ва ижтимоий янгиликларнинг ҳар тарафлама таҳлилини оммавий ахборот воситалари орқали яқин ва узоқ хорижга тарқатиш мақсадга мувофиқ.

5. Бугунги техник имкониятлар натижасида бу қийин эмас, аксинча мураккаблиги ахборот таҳлили ва унинг тезкорлика тарқатилишидадир.

6. Нафақат ёшларда, катта ёшдаги аҳолида ҳам ахборот иммунитетини ҳамда хушёрлик ва огоҳлик рефлексиясини шакллантириш керак.

Таъкидлаш жоизки, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг плюрализм тамойили асосига қурилиши ҳам демократиянинг тараққиётига хизмат қиласи. Бунинг учун турли хил нуқтаи назарлардан иборат бўлган дастурларни яратиш, турли чиқишлиарда муқобил фикрларга эришиш лозим. Шундагина оммавий ахборот воситалари жамоатчилик фикрини шакллантириш ва

рағбатлантиришга қодир бўлади. Кўпгина мамлакатлардан оммавий ахборот воситаларининг ислоҳоти «ғоялар бозори»да ҳали айтилмаган янги фикрларни узатишга қаратилади. Жамиятимиз равнақига хизмат қилувчи, бунёдкорлик табиатига эга, ҳаётимизни фаровон қилишга йўналтирилган янги ғоялар, таклиф ва тавсиялар бу «бозор»да bemalol рақобат қила олади.

Ахборот-психологик иммунитетни шакллантиришга йўналтириш ва ривожлантириш, унинг таркибий қисмларини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва йўналтириш имконини беради. Натижада аввалдан лойиҳалаштириш, таъсир кўрсатувчи «салбий» ва «ижобий» омилларни аниқлаш ҳамда ҳаракат дастурини ҳар томонлама ишлаб чиқиш имконияти кафолатланади. Ёшларнинг иммунитетларини шакллантириш учун муайян такомиллашган технологияни қидириб топиб, уни мантиқий-назарий жиҳатдан тўлиқ англаб олиш ва амалиётга қўллашгача бўлган даврийлик мураккаб жараёндир.

Ахборот-психологик иммунитетни шакллантириш алоҳида муносабат билан ёндашишни, услубиятни ҳамда мавжуд ҳолатни тўлиқ ўрганишни тақозо этади. Бунга асосий сабаб:

- иммунитетни шакллантиришда муваффақиятга эришиш ёки муваффақиятсизликка учраш таҳдидининг мавжудлиги;

- ёшлар тўқнашадиган, баъзан кўп йиллар давомида муваффақиятли ёки муваффақиятсиз қурашадиган ҳәётий ҳолатлардан бири – бу орзунинг, шахсий фикрнинг ўйлаганидек рўёбга чиқмаслигини англаш.

Ёшлар аксарият ҳолларда ўз дунёқарashi, шахсий тасаввурлари доирасида ва савиясида фикрлайди, бу фикрлашни вазиятнинг ижобий ёки салбий ҳолатлари билан боғлаб таҳлил қилиш тажрибасига эга бўлмайди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, миллий гоя таргигботи сиёсий тарбия, меҳнат тарбияси ва ахлоқий тарбия билан уйғунликда амалга оширилиши мақсадга муво-

фиқдир. Мафкуравий фаолият ана шундай яхлит тизим шаклига келтирилгандагина мұккаммаллик касб этади. Үмуман олғанда, тарғибот-ташвиқот технологияларининг таъсирчанлигини оширишда қуйидаги усулларни қўллаш кутилган самарани бериши мүмкін:

Биринчидан, тарғиботда мураккаб, чалкаш, мавхум фикрлардан фойдаланиш самарасизdir. Мазмун қанчалик содда, аниқ тушунтирилса, таъсири шунчалик юқори бўлади.

Иккинчидан, инсон кўпроқ ҳиссий таъсирга мойил бўлади, шунинг учун унинг ақл-идроқи билан бир қаторда ҳис-туйғуларига ҳам мурожаат қилиш самара беради.

Учинчидан, тарғибот матнлари чуқур ўйланган, мантиқий изчил, ижодий ишлаб чиқилган бўлиши даркор.

Тўртинчидан, тарғиботдаги қудратли усул ишонтиришdir.

Бешинчидан, тарғибот ишларининг самарасини ошириш учун ноанъанавий усулларни қўллаш ва илғор тажрибаларни кенг ёйиш талаб этилади.

Таянч тушунчалар: замонавий технологик усуллар, янги технологик услуг соҳалари, сиёсий тарбия, меҳнат тарбияси, ахлоқий тарбия, ноанъанавий усуллар, янги технологиялардан фойдаланиш усуллари.

Мавзуни мустаҳкамлаш бўйича топшириқлар

1. Замонавий технологик услубларни "Кластер" усулидан фойдаланиб таҳрир қилинг.
2. Миллий ғоя тарғиботида анъанавий ва замонавий технологиялардан фойдаланишини гуруҳларга бўлинib афзал ва чекланган томонларини кўрсатинг.
3. Ёт ва зарарли ғоялар таъсирига тушган айрим ёшларни миллий ғоя тарғибот технологияларидан фойдаланган ҳолда уларнинг миллий ғояга ишонч ва эътиқодини ошириш йўлларини асосланг.

5-МАВЗУ: МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРГИБОТИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИГА ЭРИШИШ ЙЎЛЛАРИ

Режа:

- 1. Миллий ғоя таргиботи технологияларининг самарадорлиги тушунчаси, унинг таърифи ва тавсифи.*
- 2. Миллий ғоя таргиботи самарадорлиги мезонлари ва тамойиллари.*
- 3. Миллий ғоя таргиботи технологиялари самарадорлигига эришиш ўллари.*

Миллий ғоя таргиботи технологияларининг самарадорлиги тушунчаси. Ҳар қандай ижтимоий фаолият ва уни амалга оширишда қўлланиладиган усул-воситаларнинг, шу жумладан, миллий ғоя таргиботи технологияларининг ижтимоий-амалий қиммати ва аҳамияти уларнинг самарадорлиги билан белгиланади. Ўзбек тилида “самара” сўзи “натижа, ҳосила, фойда” деган маъноларни билдиради. “Самарадорлик” эса “самарали, фойдали бўлишлик; фойдалилик” демакдир. Бинобарин, “самарадорлик” тушунчаси иш-ҳаракат ёки фаолиятнинг фойдали, самарали бўлган ҳолатини ифодалайди. Шунга кўра, миллий ғоя таргиботи технологиялари самарадорлиги деганда, мазкур технологиялар қўлланилиб амалга оширилган тарғибот ва ташвиқот ишларида эришиладиган ютуқлар, ижобий натижалар кўлами ва даражаси тушунилади. Бу эса миллий ғояни аҳоли онги ва қалбига сингдириш, тушунтириш, моҳиятини очиб беришдаги реал натижаларда намоён бўлади.

“Ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларимизнинг самарадорлиги, – деб таъкидлайди Биринчи Президентимиз Ислом Каримов, – аввало ҳалқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг чуқур ўрганилиши, анъана ва урф-одатларимизнинг сақланиши, маданият

ва санъат, фан ва таълим ривожи, энг муҳими, жамият тафаккурининг ўзгариши ва юксалиши билан боғлиқдир".²⁹ Ушбу фикрда жамиятимизда амалга оширилаётган ғоявий тарғибот ва ташвиқот ишларининг, жумладан, уларда қўлланилаётган усул-восита ва технологиялар самарадорлигининг ҳам мезони акс этган.

Айни пайтда миллий ғоя тарғиботи технологиялари самарадорлигидаги уларнинг замонавийлиги, тӯғри ва маҳоратли қўлланилиши муҳим аҳамиятга эга. Бу ўринда самарадорлик, тарғибот технологияларини ишлаб чиқувчи ва уларни қўлловчи субъектларнинг билим савияси, малака ва маҳоратига ҳам боғлиқ, албатта. Умуман эса, тарғибот технологияларининг самарадорлиги жамиядаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий-маданий шарт-шароитлар, аҳоли турмушидаги янгиланиш ва ўзгаришлар ҳамда уларнинг ҳаётида амалга оширилаётган кенг қўламли маънавий-маърифий ишларнинг натижалари билан боғлиқ бўлиб, қуидагиларда намоён бўлади:

- жамият ҳаётида соғлом ижтимоий-маънавий муҳит;
- миллий ғурур ва ватанпарварликнинг яққол намоён бўлиши;
- аҳолининг кўтаринки кайфияти, руҳан тетик ва фаоллиги;
- жамият ҳаётидаги воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғусининг кучайиши;
- ижтимоий-сиёсий онгнинг юқорилиги;
- ижтимоий ҳаёт ва турмушдаги толерантлик;
- жамиядаги турли ижтимоий иллатларнинг камайиши ёки умуман барҳам топиши;
- кишиларнинг келажакка бўлган ишончи ва ш.к.

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, умуман жамиядаги турли босқич, соҳа, даража ва қўламда амалга ошириладиган ғоявий-мағфуравий ишларнинг, шу жум-

²⁹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: "Маънавият", 2008. – 76-77-б.

ладан, миллий ғоя тарғиботи технологиялари самарадорлигини белгиловчи мезонлардан бири, бу жамиятимизда яшаётган кишиларнинг миллий ғояга бўлган мустаҳкам ишонч-эътиқоди, яъни мафкуравий эътиқодидир.

Дарҳақиқат, ҳар қандай шакл-кўриниш ва йўналишда қўлланилаётган ғоявий тарғибот ва ташвиқот технологияларининг предмети, мақсади ва вазифаларида кишиларда муайян ғоя, қараш ва таълимотларга доир билим ҳамда ишонч-эътиқодни шакллантириш асосий ўрин тутади. Шунга кўра фуқароларимизда миллий ғоя тўғрисидаги ҳаққоний билим билан унга нисбатан мустаҳкам ишонч-эътиқодга асосланган мафкуравий эътиқодни шакллантириш жамиятимизда амалга оширилаётган ғоявий тарғибот ва ташвиқот самарадорлигини белгиловчи муҳим омил ҳисобланади.

Бу ўринда мафкуравий эътиқод жамиятдаги кишилар, турли ижтимоий гурух, бирлик ва тоифалар фаолиятини тартибга солиб, аниқ мақсадларга йўналтирувчи ғояларга қаттиқ ишончдан иборат руҳий-маънавий кучdir. У маълум бир ижтимоий ғояларнинг кишилар учун руҳий-маънавий ҳаёт тамойилларига айланган ҳолатидир.

Мафкуравий эътиқоднинг шаклланиши ўзига хос ижтимоий асос ва омилларга боғлиқ бўлиб, бунда ғояларга, ундаги мақсад ва орзу-идеалларга ишонч алоҳида ўрин тутади. Яъни, умуман, ғояларнинг ҳаққонийлигига ва уларнинг рӯёбга чиқишига бўлган ишонч ҳар қандай мафкуранинг ҳамда у билан боғлиқ барча хусусиятларнинг шаклланишида асосий роль ўйнайди. Шунга кўра, мафкуравий эътиқодни ижтимоий ҳаётдаги объектив ва субъектив омиллар таъсирида шаклланадиган, кишиларнинг онги ва қалбида маълум ғоялар ҳақидаги билим-тасаввурларга асосланган ҳамда ана шу ғояларни рӯёбга чиқаришга бўлган мустаҳкам ишончдан иборат руҳий-маънавий ҳодиса сифатида таърифлаш мумкин.

Мафкуравий эътиқод ўзига хос тарзда турли босқич, даража ва кўламларда, ижтимоий онг ва руҳият билан

узвий боғлиқ ҳолда шаклланиб ривожланади. Ижтимоий онг ва руҳият мафкуравий эътиқоднинг индивидуал ва ижтимоий даражаларда, фаол-конструктив ёки пассив-консерватив характерда ривожланишини белгилайди. Шунга кўра кишилардаги ғоявий билим-тасавурлар билан руҳий-эмоционал хислатларнинг уйғунлиги мафкуравий эътиқоднинг мазмунида муҳим ўрин тутади. Бу ўринда мафкуравий эътиқодда ғоявий билим эмоционал-руҳий хусусиятлар билан бирлашиб, ижтимоий-маънавий эҳтиёж ва манфаат талабларига мос келадиган ишончга айланади. Ишонч шу эҳтиёж-манфаат ва амалий тажрибадан келиб чиқувчи мақсад, орзу-интилишларга нечоғлик мос келишига қараб эътиқодга айланади ёки аксинча. Айни мана шу ҳол мафкуравий эътиқодни ва унга асосланган мафкуравий иммунитетнинг шаклланиб ривожланиши ҳамда ижтимоий ҳаётга ўзига хос таъсир кўрсатишида муҳим ўрин тутади. Бинобарин, жамиятдаги умумий мақсад, орзу-идеалларга ва уларни рӯёбга чиқариш йўлларига халқ ишончини шакллантириш – миллий мафкуруни ривожлантириш ва ундаги ғояларни амалга оширишнинг муҳим шартидир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бугунги кунда халқимизнинг асосий мақсади – юртимизда озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш бўлиб, кишиларимизда ана шу улуғвор эзгу ғояни рӯёбга чиқаришга бўлган мафкуравий ишонч-эътиқодни шакллантириш ғоявий тарғибот самарадорлигини таъминлашдаги энг муҳим вазифалардандир. «Миллий ғоя халқнинг ишонч-эътиқодига айланса, у ўзининг кутилган самарасини беради»³⁰.

Ҳақиқий ишонч-эътиқод ўз моҳиятига кўра, буюк ва қудратли руҳий-маънавий куч бўлиб, ҳар қандай мафкурунинг амал қилишида ва ундаги ғояларнинг рӯёбга чиқишида ҳал қилувчи ўрин тутади. Зеро, эъ-

³⁰ Миллий истиқлол ғояси. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим бакалавриат босқичи учун дарслик. – Т:Академия, 2005.– 131-б.

тиқодли одам улуғвор, қудратли ва жасур бўлади. Буюк бобомиз Амир Темур кўтарган эзгу гояларнинг амалга ошишида аждодларимизнинг шу гояларга бўлган мустаҳкам ишонч-эътиқодлари муҳим ўрин тутган. Ана шу ишонч-эътиқодлари билан буюк аждодларимиз Ватанини озод қилиб, қудратли давлат, адолатли жамият барпо этишга ҳаракат қилишган. Буларга эришиш учун ҳаёти ва жонларини тикиб курашишган.

Шундай экан, бугунги кунда мамлакатимиз Биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан кўтарилиган миллий ғояни тўла рўёбга чиқариш учун халқимизда шу гояларга нисбатан мафкуравий ишонч-эътиқодни шаклантириш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу вазифанинг самарали ҳал этилишида жамиятимиз ҳаётининг турли соҳаларида хизмат қилаётган кадрлар алоҳида ўрин тулади. Яъни, умуман, ғоявий-мафкуравий ишларга, хусусан, миллий ғояни халқ ишонч-эътиқодига айлантиришга жамиятдаги фақат бир соҳа ёки тоифанинг, масалан, таълим-тарбия тизими ва унда ўқитилаётган ижтимоий-гуманитар фанларнинг ёки шу соҳадаги мутахассис, ўқитувчи ва тарғиботчиларнинг вазифаси деб қаралмаслиги керак. Балки бунга ҳамма фанлар ва таълим-тарбия йўналишлари, шунингдек, ижтимоий ҳаётининг турли соҳаларида фаoliyat олиб бораётган барча зиёлилар, айниқса, эл ичидан муайян ижтимоий мавқега эга кишилар: раҳбар кадрлар; олим, ёзувчи, шоир, санъаткорлар ҳам бевосита масъул эканлигини алоҳида эътироф этиш лозим. Чунки ҳар қандай жамиятдаги кишилар ижтимоий мавқеи баланд одамларнинг гапи ва хатти-ҳаракатларига алоҳида эътибор қаратишади. Кўпроқ уларнинг айтганини маъқуллашиб, орқасидан эргашади, улардан ўрнак олишади. Қолаверса, бу ҳол бизнинг халқимиз характеристидаги, миллий менталитетидаги асосий белгилардан биридир.

Шу нуқтаи назардан қараганда, ғоявий тарғибот ва ташвиқот самараадорлигини таъминлашда эл ичидан об-

рў-эътибори баланд кадрларнинг фаолияти кўпроқ аҳамият касб этади. Бундай кадрларнинг мавқе-мартабаси, етакчилик салоҳияти қанчалик юқори бўлса, кишиларга шу қадар кўп ва қучли ғоявий таъсир ўтказади.

Одамлар обрўли кишиларнинг фикр-қарашлари, ғоя ва мафкураларига қараб, ижтимоий муносабатлар мазмунини, умумхалқ манфаатлари ва мақсадларини тушунади, уларнинг амалий фаолиятларини кузатиб, жамият тараққиёти қонуниятлари ва давлат сиёсати ҳақида хуносалар қилади. Лўнда қилиб айтганда, эл ҳурмат қиласидан одамларнинг айтиётган гаплари ва қилаётган ишлари кишиларда миллий ғоя ва мафкурага нисбатан ишонч-эътиқоднинг шаклланишига кўпроқ таъсир кўрсатади. «Одамлар ҳар қандай раҳбарни биринчи галда унинг фаолияти, ишининг амалий натижасига қараб баҳолайди. Куруқ савлат ва баландпарвоз гаплар билан эмас, фақат шу ҳисобидан раҳбар обрў топиши, ҳурмат қозониши мумкин»³¹. Шу боис миллий мафкурани кенг жамоатчилик онгига сингиб, халқчиллашиши ва соғлом ишонч-эътиқодга айланиши учун кадрларнинг фаолиятига алоҳида эътибор қаратилиши зарур. Уларнинг миллий ғояга нисбатан муносабатларида турли хил манфаатлар эмас, ишонч-эътиқод устун туриши лозим. Ғояларнинг ҳаққонийлиги ва уларни рўйбга чиқариш усул-воситаларининг тўғрилигига ишонч-эътиқод шу тариқа шаклланиши мумкин.

Айни пайтда миллий ғоя халқ ишонч-эътиқодига айланиб, уларда мафкуравий иммунитет ривожланиши учун жамиятдаги кишиларнинг мафкурага амал қилишини рағбатлантирувчи стимул – расмий сиёсий, ҳукуқий асос ва шарт-шароитлар билан боғлиқ реал ижтимоий мухит, механизм – руҳий-маънавий мотив ҳам бўлиши лозим. Чунончи, жамиятда маънавият ва маърифатнинг

³¹ Каримов И.А. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессияси иккинчи йигилишида сўзланган нутқ. // Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т. 8. – Т.: “Ўзбекистон”, 2000. – 358-6.

ижтимоий-сиёсий мақоми ҳамда маданиятли кишилар мавқенининг баланд бўлиши, ўз кучи ва билимига таяниб яшайдиган соғлом мафкуравий эътиқодли кадрларнинг қадрланиши, умуман миллий тараққиёт концепциясида ги тамойилларнинг ҳаётда тўла амал қилиши каби омиллар ана шундай мотив-механизм бўлади.

Таъкидлаш жоизки, миллий гоя таргигботи технологиялари самарадорлигини ошириш, бу соҳада кўзга ташланаётган муаммоларни бартараф этишни шартлаб қўяди. Зоро, ҳар бир соҳада бўлгани каби ғоявий таргигботда ҳам айрим муаммо ва камчиликлар йўқ эмас. Биринчи Президентимиз И.А. Каримов бу масалага алоҳида тўхталиб, «Бугунги ҳаёт шиддати, воқеалар ривожи шу қадар жўшқинки, биз маънавият ва мафкура борасида қанчалик муҳим ва ўринли ишларни амалга ошираётган бўлсак-да, баъзи ўринларда, афсуски, кеч қоляпмиз», деб таъкидлагани бежиз эмас.

Шу нуқтаи назардан қараганда, миллий гоя таргигботининг самарадорлигига қандай омиллар салбий таъсир кўрсатмоқда? Бу муаммоларнинг ечими қандай? Ғоявий таргигботда нималар назардан четда қолмоқда? Таргигбот-ташвиқот ишларига қандай тарзда ёндашган маъқул? Бугунги кунда миллий ғояни халқимиз онги ва қалбига сингдириш самарадорлигини ошириш учун яна нималарга эътибор бериш зарур?

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов иккинчи чақириқ Олий Мажлис тўққизинчи сессияси маърузасида баён этган асосий вазифа ва қоидаларни кенг ёритиш бўйича ташкилий-маърифий тадбирлар Дастурида юқоридаги саволларга жавоб тариқасида «Дастурни амалга ошириш бўйича қўйиладаган асосий талаблар» банди киритилган. Ушбу бандда дастурни амалга оширувчи мутасаддиларга қўйидаги талаблар қўйилган:

– ўтказилаётган тадбирларни кампанияга айлантираслик;

- ўқиб бериш усулидан воз кечиш;
- тадбирларни "мажбурият"га айлантирмаслик;
- одамлар билан очиқ-ойдин ва юзма-юз мулокотдан қочмаслик.

Эътиборлиси шундаки, юқорида қайд қилинган талблар нафақат давлат дастурининг ижросида, балки миллий ғоя тарғиботида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, бугунги кунда тарғибот-ташвиқот ишларида кампаниябозликка берилиш, мағкурани тарғиб қилиш ўрнига унинг таърифларини «ёдлатиш», турли тадбирларга кишиларни мажбурий тўплаш, муаммолар ҳақида очиқ гапиришдан қочиш, одамлар билан юзма-юз мулокотга воизларнинг тайёрланиб келмаслиги, сон кетидан қувиб, сифатни унугиб қўйиш, тарғиботда айрим тушунчаларнинг ўринли-ўринсиз ишлатилиши натижасида уларнинг қадрсизланиши каби муаммолар мавжуд.

Агар соғлом ахборот муҳити устувор бўлмаса, қисқа вақтда ҳар қандай давлатнинг ички ахборот маконидаги сиёсий-ижтимоий муҳит издан чиқиб, «хатар ўчоқлари» пайдо бўлади. Натижада жамиятда ғалва бошланади, расмий ахборот тарқатиш тизими ишдан чиқади, расмий бошқарув ва унинг мағкураси таназзулга учрайди. Ўз ечимини кутаётган долзарб муаммолар ва уларнинг ечимини ҳал қилиш бўйича давлат амалга оширган ишлар ҳақида-ги ахборотлар ўз вақтида халққа етиб бормайди. Энг ачинарлиси, «ахборот бўшлиғи»ни шакллантириш билан бир қаторда «жим ўтириш» позицияси қарор топади.

Фоявий тарғибот самарадорлигини оширишда қуидаги омилларга эътибор қаратиш лозим:

- вазифаларни назарда тутган ҳолда бевосита ташкилий чора ва тадбирларни кўриш;
- маънавият ва маърифат ишларини олиб борувчи кадрларни танлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг фаолияти учун барча шарт-шароитларни яратиш;
- зарур бўлган моддий-техника воситалари базаси-и яратиш;

- оммавий ахборот воситаларини аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда жалб қилиш;

- маънавий ва маърифий ишларнинг самарали тажрибаларини кенг ёйиш.³²

Яъни, мафкура тарғиботида муайян муддат шиддат билан авж оладиган, кейинчалик сўниб қоладиган ташвиқот ишларига эмас, балки доимий равишда узлуксиз давом этадиган ва тизимиш асосга қурилган маънавий-маърифий ишларга таяниш самарали ҳисобланади.

Мутахассисларнинг кўрсатишлиарича, тарғиботда миллий гоя, мафкура ҳақида билим бериш билан чекла ниш ҳолати мавжуд. Таъкидлаш жоизки, «гоя кенг тарғиб қилингапти» дегани, ҳали у «халқонгига сингяпти, кишилар қалбидан ўрин оляпти» дегани эмас. Чунки мафкура тарғиботи билан шуғулланувчи айrim воизларнинг маърузалари кишиларда шавқ ва рағбат уйғотмай, асосан, миллий истиқлол гоясининг моҳияти, унинг асосий тушунча ва тамойиллари ҳақида ахборот беради. Уларнинг берган билимлари кишилар онгода ахборот тарзида сақланади, лекин қалбини эгаллаб, уларни ҳаракатга ундармикан? Агар айтилган гаплар киши онгода ахборот сифатида ўрин олса-ю, лекин қалбидан, юрагидан ўрин олмаса, натижага эришдик, дея оламизми? Ахир, юксак сифат ва маҳорат билан тайёрланган реклама ҳам кишида икки хил фикр уйғотиши мумкин: «реклама тайёрлашни қойиллатишибди» ёки «мен, албатта, шу нарсанни сотиб оламан». Воизларнинг гаплари ҳам инсонларда ана шундай икки хил таъсирланиш уйғотиши мумкин.

Демак, воизлар илмий асосланган анъанавий маъруза эмас, ҳиссиётларни уйғотувчи, ҳароратли, далилларга бой ноанъанавий нутқ кишиларга кўпроқ таъсир қилишини эътиборга олишлари зарур. Зеро, «ёниқ нутқ» одамларнинг ақли ва туйғуларига таъсир қилиб, тингловчини муайян фаолиятга отлантира олади. Баҳсга, мулоқотга чорлайди. Хулоса қилиб айтиш мумкинки,

³² Пахрутдинов Ш. Тахдид – ҳалокатли куч. – Т: «Академия», 2001.-Б.45.

мафкуранинг тарғиботи «билим – ишонч – фаоллик» модели асосида амалга оширилиши лозим. Яъни, билимларнинг онг орқали ўтиб, маслак, эътиқодга айланиши ва амалиётга татбиқ этилиши мафкуравий ишларнинг мазмунини ташкил этади.

Хозирги вақтда нафақат Республикаизда, балки бутун дунёда таълим соҳаси ғоявий таълим-тарбия ва тарғибот-ташвиқот самарадорлигини таъминлашнинг муҳим омили сифатида намоён бўлмоқда. Жумладан, олий таълимда жамият ҳаётининг турли соҳаларида фаолият олиб борувчи кадрлар тайёрланади. Статистик маълумотларга кўра, кейинги йилларда дунёдаги тала-баларнинг умумий сони 13 млн. дан 82 млн. гача ошган. Кейинги 30 йил давомида бутун дунёда олий таълимга бўлган талаб 6 баравар кўпайган ва 2025 йилга бориб дунё бўйича 160 млн. талаба бўлиши кутилмоқда. Бу эса, бир томондан, жамиятда ғоявий-мафкуравий ишлар бўйича кадрлар тайёрлаш кўламининг кенгаяётганини, бошқа томондан, ижтимоий ҳаётда ғоявий таълим-тарбия аҳамиятининг ортиши билан боғлиқ талаблар ку-чайишини кўрсатади.

Шу нуқтаи назардан, мустақиллик йиллари Ўзбекистонда таълим тизими тубдан ислоҳ қилиниб, унда ғоявий таълим-тарбия изчил йўлга қўйилгани, бу борада қатор олий ўқув юртларида “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” бакалавриат таълим йўналиши ва унинг базасида магистратура мутахассислиги ташкил этилиб, уларда замон талабларига жавоб берадиган ҳар жиҳатдан етук кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани муҳим аҳамиятга эга.

Ғоявий-мафкуравий ишларни самарали ташкил этишда мактабларнинг ўрни бекиёс. Чунки олти-етти яшар бола токи мустақил шахс сифатида шаклланиб, во-яга етгунига қадар бўлган ҳаётини асосан мактабда ўтказағи. Демак, мактаб инсондаги қадриятлар, интилиш, дунёқараш ва мақсадлар шаклланишида муҳим аҳами-

ят касб этади. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов бу борада колледжлар, мактаб ва лицейларнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаб, «Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда 550 минг ўқитувчи фаолият кўрсатмоқда, яъни зиё тарқатмоқда. Беш миллиондан ортиқ фарзандларимиз мактабларда, турли билим юртларида таълим олмоқда. Уларнинг тарбияси ҳақида ўйлашимиз, ёшларимизнинг баҳти келажаги учун қайғуришимиз, ёш наслимизни ғоя билан қуроллантиришимиз керакми-йўқми?» деган саволни қўйган эди. Масаланинг эътиборли жиҳати шундаки, мактаб билим бериш билан бирга ғоявий тарбия ўчоғи ҳам бўлиши лозим. Инсондаги ватанпарварлик, фидойилик, меҳнатсеварлик хислатлари, комил инсонга хос бўлган бошқа хусусиятларнинг қарор топиши унинг шахс сифатида шаклланиш жараёни билан бир вақтда кечса, бу сифатлар унинг учун доимий қадриятга айланishi мумкин. Шу боис мактаб ёшидаги болаларни етук инсон қилиб тарбиялашда муаллимларнинг зиммасига улкан масъулият юкланади. Бунда ҳар бир ўқитувчи билим ёки тарбия берувчи эмас, балки ўқитувчи миллий ғояларнинг тарғиботчиси сифатида мулоқот олиб бориши мақсадга мувофиқ. Демак, ҳар бир ўқитувчи ўз вазифасини фақат ўқувчига дарс беришдангина иборат деб билмай, миллат равнақига ҳисса қўшадиган фуқароларни тарбиялаётганини ҳам доимо эътиборда тутмоғи лозим.

Ахлоқсизлик ғояларини аксарият ҳолда тажрибасиз ёшлар билмасдан «европача маданият» ва «эркинлик» сифатида қабул қилиб, ўзлари кутмаган ҳолда алданиб қолишлари мумкин.

Ўзбекистонда четдан кириб келаётган ёт ғояларга қарши қурашиб бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Тарихий хотира тикланиб, Амир Темур даврида шакллантирилган «куч -адолатда», «эл-юрт озодлиги», «инсоф ва диёнат бирлиги», «маънавият - келажак омили» каби ҳаётбахш ғоялар бугунги кунда ёшларни ғоя-

вий тарбиялаш, мафкуравий иммунитетни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ёшларда мустақил ва таҳлилий фикрлашни ривожлантириш ишлари тизимили ва босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Айни пайтда бу жараён тадрижий ривожланишга ундейдиган ҳаётбахш ғояга ва ҳаракатланиш дастурига эга бўлиши тақозо этилади. Мазкур ҳаракат дастури қуйидаги жараёнларни қамраб олиши керак:

- ташқаридан кириб келаётган хавф-хатарларни «пинҳона ривожланиш» даврида аниқлаш;
- миллатнинг, халқнинг жамиятда қабул қилинган маънавий-ахлоқий нормалари, маданий ривожланиш тамойилларини янада ривожлантириш;
- интернет ва хорижий оммавий ахборот воситалари орқали кириб келаётган турли ахборотларга нисбатан оқилона муносабатни қарор топтириш;
- ёшларда миллий ғояга ишончни – мафкуравий иммунитетни шакллантириш.

Таълим тизимида мафкурани тарғиб этишда ўқитувчи ёшларнинг дидига, қадрият ва қарашларига мос тарзда ёндашиш талаб этилади. Миллий ғоя тарғиботига хизмат қиласиган адабиётлар ёш авлоднинг тафаккури ва билим даражасига мос ҳолда содда, таъсирчан, оммабоп тарзда ёзилишига алоҳида зътибор бериш зарур. Зоро, "Халқимизнинг эзгу ҳаёт талабларига жавоб берадиган, унинг туб манфаатлари, орзу-интилишларини ҳар томонлама акс эттирадиган миллий ғоя, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир юртдошимизнинг ўз ғоясига айланса, уларнинг қалби ва юрагидан чукур жой олса, – мен ишонаман – ана шунда биз кўзлаган юксак мақсадларимизга албатта етамиз".³³

Миллий ғоя тарғиботи самарадорлиги мезонлари ва тамойиллари. Ўзбекистон Республикаси бош қомуси бўлган Конституциямизнинг "Ўзбекистон Рес-

³³ Каримов И.А. Она юртимиз баҳту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т: "Ўзбекистон", 2015. – 297-298-б.

публикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади”,³⁴ – деб алоҳида қайд этилганлиги мамлакатимизда инсон ҳуқуқларига бўлган эътибор нечоғлик аҳамиятли эканлигини кўришимиз мумкин.

Миллий ғоя таргиготи самарадорлигини оширишнинг муҳим мезонлари:

- миллий-маънавий мерос ва қадриятларни хурмат қилиш ва унга содиқлик;
- умуминсоний демократик қадриятларга содиқлик;
- озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш;
- халқ фаровонлиги даражаси;
- Ватан равнақи, юрт тинчлиги;
- халқнинг тинчлик ва омонликда яшаши билан белгиланади.

Миллий ғоя таргиготи самарадорлигини оширишнинг муҳим тамойиллари:

- инсон эркинлиги, ҳуқуқ ва манфаатларнинг устуворлиги;
- инсон ҳаётининг дахлсизлиги;
- инсон шаъни ва қадр-қиммати, унинг энг олий қадрият эканлиги;
- қонун устуворлиги;
- адолат;
- миллий ва умумманфаатлар уйғулиги;
- мафкуравий плюрализм;
- фикрлар хилма-хиллиги;
- бағрикенглик.

Миллий ғоя таргиготининг таъсирчанлигини оширишдаги энг асосий шартлардан бири – мафкура таргиготи зиддан амалга оширилиши зарурлигидир. Инсон унга таъсир ўtkазилаётганини сезмаслиги лозим. Умуман, таргигот давомида «мафкура» сўзининг кўп ишла-

³⁴ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т: “Ўзбекистон”, 2014., 13-модда.

тилиши шарт эмас. Мафкура фуқаро онгига зимдан, билвосита – бадий ва саңна асарлари, фильмлар, санъат дурдоналари, ҳәёт тарзидаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ўзгаришлар орқали сингдирилиши керак. Зоро, ҳар қандай етук санъат асари миллий мафкура тарғиботчи-си бўла олади. Маълумки, адабиёт ва санъат улкан мафкуравий қудратга эга бўлиб, у ғояларни бадий жиҳатдан бойитиб, томошабин ёки ўқувчини ўз таъсирига олиш қудратига эга. Айнан бадий асарлар бугунги кунда мафкуралар, ғояларни қитъалараро зимдан ташувчи воситага айлангани ҳеч кимга сир эмас.

Бутун дунёда бўлаётган ҳозирги ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг таҳлилидан келиб чиқиб, уларнинг мафкуравий-ғоявий негизларини янада ривожлантириш зарур.

Дунёдаги ёвуз ниятли геосиёсий ҳаракат ва кучлар ёшларга кенг миқёсда ғоявий таъсир кўрсатиш ҳаракатларини олиб бормоқда. XX асрга келиб, урушлар олиб бориша ғоявий таъсир муҳим аҳамиятга эга бўлиб, муайян давлатни ўз аҳолиси олдида ва халқаро майдонда обрўсизлантириш учун қарши ахборот фаолиятлари олиб бориш, ахборот-психологик таъсир кўрсатиш ошкора тусга кира бошлади.

Ахборот технологияларнинг амалиётга татбиқ этилиши – жаҳон ахборот маконида мисли кўрилмаган мазмуний ўзгаришларга олиб келди. Биринчи жаҳон урушида қўлланган информацион-психологик таъсир технологиялари ўз навбатида ахборотнинг технологик ривожланишига асос солди. Ахборот ресурс, бойлик ва маҳсулот сифатида қисқа вақт ичидаги мисли кўрилмаган тезкорлик билан ривожланди. Ахборот-психологик таъсирни ўрганувчи илмий марказлар вужудга келди. Дастрас 1914 йилда Англияда, 1915 йилда Францияда, 1917 йилда АҚШда, 1918 йилда Германияда маҳсус ахборот марказлари ташкил этилди.

АҚШда эса «Жамоат ахборот қўмитаси» тузилиб, унинг ривожланишига катта маблағлар ажратилди, пси-

холог олимлар жалб қилинди. Бу қўмитани Президент В. Вильсоннинг яқин ўртоги Ж. Крил бошқарди. Қисқа вақт ичидан ушбу қўмита томонидан АҚШ манфаати сингдирилган 75 млн. донадан ортиқтарғибот нашрлари тарқатилди. Уруш даврида «Жамоат ахборот қўмитаси» томонидан бетараф давлатларнинг ва жаҳон ҳамжамиятининг диққат-фикрини АҚШ фойдасига йўналтириш, чалғитиш мақсадида тинимсиз равишда соҳта маълумотлар тарқатилди. 1913–1921 йиллар давомида Вудро Вильсон АҚШ президенти вазифасини бажаар экан, ахборот-психологик хуружга, унинг технологияларига, айниқса, ахборот-психологик таъсир воситалари сифатида қуидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтган эди:

- жамоат фикрини шакллантирувчи ва вазифа юкловчи тизимлар;
- қарор қабул қилиш тизимлари;
- ахборот-техник тизимлар;
- ахборот-аналитик тизимлар;
- ахборот ресурслар;
- оммавий ахборот воситалари ва тарғиботга асосланган жамоат онги ва фикрини шакллантирувчи тизимлар.

Ёшларда иммунитет ҳосил қилинмаса, дезинформациялар, очиқдан-очиқ бўхтон, соҳта фактларнинг таъсирiga қарши курашиб бўлмайди. Ёшларда билимлилик асосида мустақил ва таҳлилий фикрлаш жараёни ривожлантириш лозим. Мустақил фикрлаш жараёни етарлича шакллантирилса, ҳар қандай ғоявий таъсирлар ўз кучини йўқотади. Ахборот таҳлили ҳақиқий ҳолат билан қиёсланса, ўз-ўзидан ахборотнинг асл мазмуни намоён бўлиб, унинг таркибидаги тўқималар, соҳта фактларни истеъмолдан олиб ташлаш мумкин.

Миллий гоя тарғиботи технологияларида самарадорликка эришиш йўллари. Бугунги дунё халқлари ҳаётидаги ижтимоий-сиёсий ва гоявий-мағкуравий жаражёнларнинг таҳлилидан келиб чиқиб, инсон ва жамият

тараққиётини таъминлашга хизмат қилувчи ғоявий тарғибот ва ташвиқот самарадорлигини таъминлаш йўлларини мунтазам ривожлантириб бориш тақозо этилмоқда. Бунда қуидагилар муҳим аҳамият касб этади:

- тарғибот технологияларида миллий ғоянинг мазмун-моҳиятини, унинг фойдали жиҳатларини холисона кўрсатиб бериш;
- икки ва кўп томонлама алоқа муносабатлари тизимини шакллантириш;
- тарғибот технологиялари воситаларини янада та-комиллаштириш;
- миллий ғоя тарғиботида сўз ва амал бирлигига эришиш;
- жамоатчиликнинг қизиқиши, мақсад ва интилишларини ҳисобга олиш;
- тарғиботларнинг ишончлилигини таъминлаш;
- муаммоларни ечиш йўлларининг асосли бўлиши.

Зеро, дунёда ёвуз ниятли сиёсий ҳаракат ва кучлар ёшларга қарши кенг кўламдаги тизимли ғоявий таъсир кўрсатиш ҳаракатларини олиб боришмоқда. XX асрга келиб урушлар олиб боришда ғоявий тарғибот муҳим аҳамиятга эга бўлиб, муайян давлатни ўз аҳолиси олдида ва халқаро майдонда обрўсизлантириш учун мафкуравий фаолият юритиш, ахборот-психологик таъсир кўрсатиш ошкора тусга кира бошлади.

Мамлакатимизда бугунги кунда ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини қуришда қуидаги йўналишларда кенг кўламдаги ишларни амалга ошириш талаб этилади:

- ўзбек халқининг бой тарихий, илмий, бадиий, маданий-маърифий ва ахлоқий меросини ҳар бир фуқаронинг маънавий мулкига айлантириш, миллий ўзликини англатиш мақсадини устувор йўналиш сифатида амалга ошириш, миллий ғоя ва мафкурани халқимизнинг онги ва қалбига чуқур сингдириш, уни руҳий ва маънавий куч-кудрат манбаига айлантириш;

- Ватан озодлиги йўлида жасорат кўрсатган буюк аждодларимизнинг ибратли ҳаётини кенг тарғиб этиб бориш, сиёсий жараёнларга, мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар таҳлили асосида жамиятнинг ҳар бир аъзоси қалбидаги миллий ғурурни кучайтириш, ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмаслик туйғусини камол топтириш;

- аҳолининг барча қатламларида, хусусан, ёшларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, фидо-йилик ва ватанпарварлик туйғуларини мустаҳкамлаш, уларда дунё ва мамлакат миқёсидаги сиёсий жараёнларга мустақил ва онгли муносабатда бўлиш ҳиссини уйғотиш;

- жамиятда ўзаро инсоний муносабатлар, иззат-эҳтиром, меҳр-мурувват, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик ғояларини шакллантириш жараёнларини миллий ғоя ва маънавият тамойиллари билан уйғун тарзда тизимли ва узлуксиз тарғиб этиб боришни йўлга кўйиш;

- турли оммавий ахборот воситалари ва интернет тармоқларида тарқатилаётган, урф-одатларимиз, миллий менталитетимизга зид, одобсизлик ва ахлоқсизликни тарғиб этувчи вайронкор ғояларнинг ёшларимиз онгига салбий таъсир ўтказишининг олдини олиш;

- ахлоқий, тарбиявий ишларни янада такомиллаштириш, ёшларда юксак маънавий ва маданий сифатларни шакллантириш, умуминсоний қадриятлар, миллий ўзликни англаш, ғурур ва ифтихор, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, бой тарихий-маданий меросга асосланган ҳолда мустақил оиласи ҳаётга тайёрлаш, ҳалқимизнинг азалий анъана ва урф-одатларига асосланган ҳолда жамиятда ўз ўрнини топиш, касб-хунар эгаллашга бўлган иштиёқини кучайтириш;

- Олий таълим муассасаларида талабаларнинг етакчилик хусусиятларини намоён қила олишлари ҳамда бошқарув маҳорати малакасини ҳосил қилишларига кенг қамровли имкониятлар очиб берилишини таъминлаш;

– ёшларнинг илм-фан соҳасидаги фаоллигини ошириш, уларни ижтимоий-иктисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, жисмонан бақувват бўлишлари учун кўмаклашиш, илмий-ижодий интилишларини рўёбга чиқариш;

– ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар мазмунини кенг тарғиб этиш орқали уларнинг ҳуқукий маданиятини юксалтириш;

– “оммавий маданият” ниқоби остидаги таҳдидларнинг ёшлар ҳаётига салбий таъсир ўтказишига йўл қўй-маслик ва уларда қатъиятлиликни камол топтириш;

– ёшларнинг турли соҳаларда эришаётган ютуқларини кенг тарғиб этиш ва уларнинг онгида баркамол шахс идеалини шакллантириш орқали замонамиз ҳаҳрамонларини камол топтириш.

Маънавий, маърифий, мағкуравий тарғибот олиб боришнинг моҳияти ва устувор йўналишлари этиб күйидагилар белгиланади:

– юксак ривожланган, демократик давлатлар қаторида бўлишдек олий мақсадни амалга ошириш учун барча имкониятларни сафарбар қилиш, амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг қўламли ислоҳотлар қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг аҳамиятини аҳоли кенг қатламлари орасида жадал тарғиб қилиш, юртимизга қарши қаратилган ғоявий ва информацион хуружлар, уларнинг ортида турган кучларнинг ғаразли мақсадларини фош қилиш, одамларни ҳушёрлик ва огоҳликка даъват этиш, олимлар, сиёsatчи ва ижодкор зиёлилар иштирокида жойларда самарали тарғибот тизимини йўлга қўйиш;

– мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламдаги бунёдкорлик ишларининг жаҳон ҳамжамияти ва дунё ташкилотлари томонидан бир овоздан эътироф этилганлигини кенг тарғиб этиш;

– аҳолининг турли қатламлари, хусусан, ёшлар орасида тарихий хотирага, миллий ўзликка эга бўлиш за-

руратини англатиш борасидаги кенг кўламли тарғибот ишларини олиб бориш, миллий маънавиятимиз обидаларини асраш, эъзозлаш ва маданий меросимизни ёшлар томонидан мақсадли ҳамда онгли ўзлаштирилишига эришишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш;

– мамлакатимизда инсон салоҳиятини рӯёбга чиқаришнинг самарали механизмларини қўллаш, инсон капиталини ривожлантириш жараёнларини кенг тарғиб этиш;

– улуғ мутафаккирларимизнинг дунё тамаддунига қўшган буюк ҳиссаларини ҳалқимиз онги ва қалбига етказиш ҳамда шу асосда миллий ғуур туйғусини тарбиялаш;

– мамлакатимиз ёшларини санъатнинг турли соҳаларига бўлган қизиқишиларини ҳар томонлама рағбатлантириб бориш, кино, театр санъатининг ҳалқимиз барча қатламлари орасидаги аҳамиятини юксалтириш, оммавийлигини таъминлаш борасидаги тизимли фаолиятни йўлга кўйиш;

– ҳалқимизнинг миллий қадриятлар, тарихий обидаларига бўлган эҳтиромли муносабатни янада ошириш, айниқса, ёшларнинг муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳлар ва музейларга ташрифларини ташкил этиш;

– ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, бадиий-эстетик диди ва савиасини узлуксиз юксалтириб бориш мақсадида мутолаа маданиятини ривожлантириш, бу борада ўзига хос мусобақа ва танловларни ташкил этиш, "Ziyonet" тармоғида ҳар бир таълим субъектининг ўз электрон-ахборот ресурсларини яратиш ишларини маънавий рағбатлантириш;

– маънавиятнинг маъно-моҳияти, миллий маънавиятимизнинг қадимий илдизлари, ноёб ва бетакрор на муналари, бугунги кундаги ривожланиш тамойиллари ҳақида аниқ мақсадга қаратилган тарғибот ишларини мунтазам равишда олиб бориш;

– юртдошларимизни муқаддас ислом дини ва азиз авлиёларимизнинг ибратли ҳаёти, куттуғ қадамжоларига эҳтиром, диний бағрикенглик руҳида тарбиялаш, жамиятимизда соғлом турмуш тарзи, миллатлараро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат мұхитини мустаҳкамлаш бүйича маънавий-маърифий дастурларни амалга ошириш;

– мустақиллик ҳуқуқ эканлигининг мазмун-моҳиятини таълим тизимининг барча бўғинларида, шунингдек, таълимдан ташқари тузилмалар доирасида фаолият юритаётганлар орасида ҳам тизимли тарғиб этиш;

– оила, маҳалла, мактаб, академик лицей, касб-хунар коллежи, олий таълим муассасалари ва таълимдан ташқари муассасаларда комил инсон тарбияси билан боғлиқ туйғу ва тушунчаларни ёш авлод қалби ҳамда онгига таъсирчан усул-услублар орқали сингдириш, аждодларимизнинг бу борадаги меросини бугунги тараққиёт талаблари билан узвий ҳолда ривожлантириш, тарғибот ишларини миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги асосида ташкил этиш;

– муқаддас ислом динининг маънавий-маърифий имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш, имомларнинг маърузаларини мамлакатимизда эришилаётган ютуқлар билан бойитиш бүйича ҳамкорлик ишларини йўлга қўйиш;

– аҳолининг кенг қатламлари, авваламбор, ёшлар ўртасида Ватанга муҳаббат ва садоқат, инсонпарварлик фазилатларини тарбиялаш, миллий урф-одат, анъана ҳамда қадриятларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини ҳар томонлама очиб беришга йўналтирилган давра суҳбатлари ва учрашувлар, маънавий-маърифий тадбирларни замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда ўтказиш;

– миллий ғоя ва мағкура масаласи билан боғлиқ дол зарб муаммоларни, бугунги мураккаб мағкуравий жараёнларни илмий-амалий жиҳатдан атрофлича таҳлил қилиш ва баҳолаш, устувор йўналишларини аниқлаш,

уларнинг аҳоли барча қатламларига таъсирини ўрганиш, миллий манфаатларимизга, анъанавий ҳаёт тарзимизга зид бўлган заарарли ғоялар ва мафкуравий хуружларнинг моҳиятини танқидий очиб бериш;

- ҳалқимизнинг кўп асрлик маънавияти, миллий қадриятлари ва ҳаётий удумларига қарши қаратилган мафкуравий хуружларга қарши самарали ва тизимли кураш олиб бориш бўйича аниқ илмий-амалий дастурлар ишлаб чиқиш;

- фуқаролар қалбida эркин тафаккур ва соғлом дунёқараш асосларини мустаҳкамлаш, уларни онгли яшашга, ўз фикрига эга бўлишга, турли маънавий тажовузларга қарши событ турда олишга қодир бўлган иродали, фидойи ва ватанларвар инсонлар этиб тарбиялашга йўналтирилган амалий тавсиялар тайёрлаш, бу борада маънавий-маърифий тарғибот ишларининг таъсиричанинги таъминлайдиган замонавий ахборот технологиялари ва ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни кучайтиришга қаратилган самарали усул-услубларни ишлаб чиқиш, давлат ва жамоат ташкилотлари учун тегишли таклифлар ҳамда тавсиялар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиш;

- Йилнинг ҳар чорагида амалга оширилган амалий фаолият натижаларини, таҳлилий материалларнинг хуносаларини оммавий ахборот воситалари, жумладан, Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг нашрлари бўлмиш “Тафаккур”, “Маънавий ҳаёт” ва “Жаҳон адабиёти” журналлари, “Маънавият” нашриёти орқали мунтазам чоп этиб бориш, шу билан бирга, ҳар ойда амалга оширилган позитив ўзгаришлар ҳақидаги ахборотлардан веб-сайтлар орқали мунтазам равишда кенг жамоатчиликни хабардор этиб бориш;

- республиканинг таниқли олим-профессорлари, жумладан, файласуф, хуқуқшунос, социолог, филолог, педагог ва психологларни жалб қилган ҳолда кенг кўламли тарғибот ишларини мақсадли ташкил этиш,

хуқуқий, маданий, таълим, бандлик, соғлиқни сақлаш масалаларида мунтазам тарғибот ишларини ўтказиб бориш, маҳалла институтларида эса ишсизлар, уй бекалари ҳамда ёши улуғлардан иборат аҳоли қатламларига фуқароларнинг ижтимоий аҳволини инобаттга олган ҳолда амалий кўмак бериш механизмларини ифода этувчи видеороликлар, буклетлар тайёрлаш;

– айрим киностудиялар томонидан тижорат йўлида яратилаётган савияси паст ва миллий қадриятларимиз, урф-одатларимизга зид бўлган фильмлар яратилишининг олдини олиш мақсадида таъсирчан воситаларни ишга солиш, жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш;

– айрим вояга етмаган ёшларнинг таълим жараёнларини ташлаб, норасмий равишда ишлаш учун чет элларга кетишининг олдини олиш ва улар ўртасида ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ота-оналар, васийлар ва кенг жамоатчилик иштирокида тушунтириш ишларини олиб бориш;

– маънавий-маърифий тадбирлар самарадорлиги, таъсирчанлигини янада ошириш мақсадида молиявий рағбатлантириш механизмини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш.

Фоявий таъсирларга қарши тарғибот-ташвиқот ишларининг мазмунини, шакл ва услубларини, муҳитнинг ёшларга таъсирини ўрганиш:

– фоявий таъсирларга қарши дастурларни яратиш ва амалга оширишда умумий тамойилларга эътибор қартиш;

– фоявий тарбия жараёнида тизимли ёндошув;

– барча жараёнларни узвий боғловчи мониторинг тизимини яратиш;

– янги технологияларни жадал қўллаш ва тезкорликда апробациядан ўтказишни талаб қилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, фоявий тарғибот-ташвиқот самарадорлигини таъминлашда маънавий-маърифий тадбирлар, уларни амалга оширувчи мутахассисларнинг фа-

олияти мұхым ақамиятта зета. Бундай тадбирларда жамоаның үзиге қаратиши, кишиларга таъсир күрсатиши, уларни илжомлантириш тарғиботчидан жуда катта маҳорат талаб этади. Шунинг учун тарғиботда воизлар үз маърузалари таъсирчанлигини ошириш чораларини күриши, уларнинг ҳаётий ва ҳаққоний бўлишига эришиши, ўтказиладиган маънавий-маърифий тадбирларни пухта тайёрлаши, замонавий технология ва воситаларни қўллаши лозим.

Шунингдек, жамиятда ёшларни заарли мағкураларнинг салбий таъсиридан ҳимоялашда санъатдан фойдаланиш, миллий гояни тарғиб қилишда бадиий образлар орқали миллий гояни тарғиб қилиш, ёт мағкураларга қарши курашиш самарали ва таъсирчан усул ҳисобланади. Миллий гоянинг тарғиботига сарфланган маблағ қисқа вақтда моддий бойлик келтирмаслиги мумкин, лекин ҳозирда бу соҳанинг сарф-харажатига алоҳида эътибор бериш мұхим бўлмоқда. Шунинг учун ҳам унинг самарадорлигини мунтазам ошириш йўллари тўғрисида ўйлашимиз керак.

Таянч тушунча: самарадорлик, гоявий тарғибот технологиялари самарадорлиги, самарадорлик мезонлари, технологиялар самарадорлигини оширишнинг концептуал асослари, мағкура тарғиботи, мағкуравий тарғибот муаммолари, миллий гояга ишонч, мағкуравий эътиқод, ақидапарастлик, мағкура тарғиботи омиллари.

Мавзууни мустаҳкамлаш бўйича топшириқлар

1. *Миллий гоя тарғиботида самарадорликка эришишининг янгича технологиялардан фойдаланишининг ағзалликларини таҳлил этинг.*

2. *Миллий гоя тарғиботи самарадорлигига эришишда таълим-тарбия, оила, маҳалла, мактабнинг ўрнини қиёсий таҳлил қилинг.*

3. *Миллий гоя тарғиботи самарадорлигини белгиловчи мезонлар ва омилларни таҳлил этинг.*

6-МАВЗУ: МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРГИБОТИДА “ЖАМОАТЧИЛИК БИЛАН АЛОҚАЛАР”

Режа:

- 1. Миллий ғоя тарғиботи ва “Жамоатчилик билан алоқалар”нинг ўзаро муносабати.*
- 2. Миллий ғоя тарғиботида “Жамоатчилик билан алоқалар”нинг демократик асослари ва замонавий кўришилари.*
- 3. “Жамоатчилик билан алоқалар”да эсаҳон тажрибаси ва тарғиботда миллий маънавий хусусиятларни ҳисобга олиш.*

Миллий ғоя тарғиботи ва “Жамоатчилик билан алоқалар”нинг ўзаро муносабати. Миллий ғоя тарғиботида турли хил жамоатчилик билан ўзаро муносабатлар амалга ошади ва жамият ҳаётининг турли хил соҳалари, воқеа ва ҳодисалари билан узвий алоқадорликда намоён бўлади.

“Жамоатчилик билан алоқалар”нинг миллий ғоянинг ижтимоий ҳамкорлик ва ижтимоий ҳамжиҳатлик ғояларига таяниши муҳим аҳамиятга эга. “Жамоатчилик билан алоқалар”нинг мақсади умуммиллий мақсадга йўналтириш, сафарбар этиш ҳамда ўзаро ҳамкорлик ва тотувликни таъминлашдан иборат.

Дунёда содир бўлаётган ўзгаришлар ҳар бир инсоннинг иқтидори ва салоҳиятини жамият тараққиёти сари йўналтиришга унダメқда. Бунда миллий ғояни тарғиб этишда “Жамоатчилик билан алоқалар”, унинг шакллари муҳим ўринга эга. Жамоалар турли хил бўлиб, ҳар бири ўзига хос жиҳатларга эга. Миллий ғоя тарғиботида буни ҳисобга олган ҳолда ёндашиб кутилган самарани берishi мумкин. Демак, миллий ғоянинг тарғиботи ва жамоа ўртасида ўзаро алоқадорлик мавжуд. Бунда қўйидаги хусусиятларни ҳисобга олиш миллий ғоянинг тарғиботига ижобий таъсир кўрсатади:

- 1) жамоанинг фаолият соҳаси;
- 2) жамоанинг социал-демографик ҳолати;
- 3) миллий таркиби;
- 4) жамоадаги маънавий муҳит;
- 5) жамоанинг ижтимоий ҳаётда эришган ютуқлари ёки муаммолари;
- 6) жамоа қадрлайдиган муҳим гоялар ва мақсадлар.

Юқоридаги кўринишлар бўйича муайян билим ва маълумотга эга бўлиш миллий гоя тарғиботини ташкил этишга ёрдам беради. Миллий гоя тарғиботидан кўзланган мақсадни аниқ, ишончли ва таъсирчан, ҳаётий чиқишига, самарадор бўлишига ижобий таъсир кўрсатади. Акс ҳолда, кутилган натижага эришиб бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон давлати сиёсатининг туб моҳиятини одамларга тушунтириш, уларнинг бу сиёсатни қўллаб-қувватлашларига эришишда фойдаланиладиган технологиялардан бири "Жамоатчилик билан алоқалар" технологиясидир.

«Public relations» (PR) «Жамоатчилик билан алоқалар» тарғиботнинг демократик усулларидан бири саналади. «Жамоатчилик билан алоқалар» технологиялари давлат билан халқ ўртасида мулоқот ўрнатиб, фуқароларда давлат сиёсатига мойиллик уйғотишга хизмат қилади. Шу орқали давлатга ҳамфирк инсонларни кўпайтириб, уларни ишончли ҳамкорга айлантиради.

"Жамоатчилик билан алоқалар" инсонлар фикрларига, кайфиятига, ҳиссиётига ва охир-оқибат хатти-ҳаракатларига кучли таъсир кўрсатувчи «ишонч ва истаклар стратегиясидир».

Етакчи давлатларда бу технологиялардан фойдаланиш мафкуравий таъсир кўрсатиш индустряси даражасига кўтарилиган. Ўзбекистонда ҳам мафкуравий жараёнларни тартибга солиша жамоатчилик билан алоқалар технологияларидан фойдаланиш миллий гоя тарғиботининг таъсирчанлигини, сўзсиз, оширади.

У бошқарувнинг алоҳида усули бўлиб, бошқарув тузилмаларининг жамият манбаатларига хизмат қилишига эътиборни қаратиш, амалга оширилаётган ислоҳотларга жамоатчиликни сафарбар қилиш, жамиятда вужудга келадиган нохуш ҳолатлардан огоҳ қилиш орқали уларнинг олдини олишга хизмат қиласди. "Жамоатчилик билан алоқалар" қонуний, очик, самимий, ахлоқий меъёрларга мос келадиган мулоқотлар асосида амалга оширилади.

Қатор мамлакатларнинг давлат бошқарувида "Жамоатчилик билан алоқалар" технологияларининг қўлланилиши бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик усулидан фарқли ҳолда давлат ва жамият ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлик усулига ўтишга хизмат қиласди. Бунинг натижасида давлат ва жамоатчилик ўртасида мавжуд кўзга кўринмас тўсиқ олиб ташланиб, демократик руҳдаги фуқаролар учун очик, уларнинг талабларига жавоб берувчи, ўзгаришларга тез мослашувчан янгича, самарали ишлайдиган бошқарувчилар қатлами шаклланади. Шу билан бирга "Жамоатчилик билан алоқалар" технологияларини қўллаш фуқаролар онгига демократик қадриятларни самарали сингдиришга, уларда ватанпарварлик туйғуларини уйғотишга хизмат қилишини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур.

"Жамоатчилик билан алоқалар" деганда "Жамоатчилик билан алоқалар" технологиялари давлат органлари ва бошқа турдаги ташкилотларнинг инсонлар, ижтимоий гурухлар, корхоналар билан ўзаро тушуниш ва ишонч мухитини яратишга йўналтирилган фаолияти тушнилади. "Жамоатчилик билан алоқалар"нинг илмий асосда ўрганилиши ушбу технологияларни қўллаётган субъектга олиб борилаётган сиёсатни қўллаш услубларини ўзлаштириш имконини беради. Кувватловчиларни аниқлаш, жамоатчилик фикрини ўрганиш, субъект учун аҳамиятли бўлган ахборот оқимларини бошқариш услубларини ўзлаштириш имконини беради.

“Жамоатчилик билан алоқалар” миллий ғояни тарғиб этиш ва тарқатишнинг ўзига хос технологиясидир. И.Соловьев томонидан берилган таъриф ҳам эътиборга лойик: “Жамоатчилик билан алоқалар” технологиялари ахборот технологияларининг бир тури бўлиб, бирор сиёсий мақсадни амалга оширишда респондент³⁵ни хурмат қилган ҳолда ахборот-таҳлилий фаолият юритишини назарда тутади, деб ёзди у. – Ушбу технологиялар коммуникатор³⁵ ва респондент ўртасидаги ўзаро муносабатларни яратишга хизмат қиласди. “Жамоатчилик билан алоқалар” технологияларининг ҳақиқатга асосланиши мавжуд муаммоларни кенг жамоатчилик ўртасида эркин муҳокама қилиш имкониятини беради ва фуқароларда сиёсий қарорлар қабул қилувчи марказ ҳақида ижобий тасаввур уйғотади. Бу технологиялар қуйидаги тамойиллар асосида ишлаб чиқилади:

- ахборотнинг холислиги ва ошкоралиги;
- ўзаро муносабатларда ҳам коммуникаторнинг, ҳам респондентнинг манфаатларини ҳисобга олиш;
- жамоатчилик фикрига таяниб фаолият юритиш;
- жамоатчилик фикрини хурмат қилиш.

Ахборот етказиш фаолиятининг бундай ташкил этилишида коммуникатор респондентга шунчаки ахборот қабул қилувчи деб эмас, балки ўз дунёқарашига эга шахс сифатида мурожаат қиласди. Шу сабабли, “Жамоатчилик билан алоқалар” технологияларининг иштирокчилари жамоатчилик фикридан доимо боҳабар бўлиб турадилар».

Олим ушбу муаммога тўхталар экан «Жамоатчилик билан алоқалар» технологиялари қандай мақсадга йўналтирилганлигига қараб уни бир неча турларга ажратади.

Масалан, “Жамоатчилик билан алоқалар” технологияларидан коммуникаторнинг давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқаларни яхшилашда (public), шахснинг исталган қиёфасини яратишда (image making),

³⁵ Қаранг: Респондент – ахборотни қабул қилувчи.

³⁵ Қаранг: Коммуникатор – ахборот етказувчи.

оммавий ахборот воситалари билан алоқаларни мустаҳкамлашда (*media relations*), ахборот етказиш ва унинг аудитория томонидан қабул қилинишини бошқаришда (*massage management*), ахборот марказларидан кадрлар билан ишлашда (*employee communications*), жамоатчилик билан ўтказиладиган текширишларда (*publik involvement*), ҳомийлар билан яхши алоқаларни таъминлашда (*investor relations*), таништирувчи тадбирларни ўтказишда (*spesial events*), инқизозли вазиятларни бошқаришда (*crisis management*) ва бошқаларда фойдаланиш мумкин»,³⁶ – деб эътироф этади. У мазкур технологияларнинг алоҳида кўринишларини санаб ўтади ва уларнинг ҳар бири ўзига хос вазифаларни бажаришини таъкидлайди. “Жамоатчилик билан алоқалар” технологияларининг бундай қисмларга ажратилиши ахборот бериш жараёнини бошқариш, ҳар бир информацион лойиҳаларнинг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш, стандартлаштирилган вазифаларни амалга оширишда ижодий ёндашиб имкониятини беради. “Жамоатчилик билан алоқалар” технологиялари демократик давлатларда мамлакат томонидан жамоатчиликка ахборот етказишнинг мазмунига айланганлиги боис давлат органлари билан фуқаролар ўртасидаги ўзаро муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қиласди.

“Жамоатчилик билан алоқалар” технологиялари муаммоси бўйича илмий изланишлар олиб борган қатор олимлар давлат бошқарувида мазкур технологияларнинг қўлланилишини, аввало:

- давлат фаолияти тўғрисида фуқароларга ахборот етказиш;
- сиёсий жараёнларда фуқароларнинг иштирокини таъминлаш;
- фуқаролар томонидан давлат сиёсати ва дастурларини қўллаб-куvvatлашга эришиш;

³⁶ Соловьев А.Н. Политология; политическая теория, политические технологии. – М.: "Аспект Пресс", 2000. – С. 518.

– давлат тузилмаларининг ижобий имижини яратиш³⁷ каби вазифаларни амалга оширишга хизмат қилишини таъкидлайдилар.

Таниқли психолог Эрих Фроммнинг таъкидлашича, кишиларни кўр-кўрона ишонтириш, уларнинг дунёқарашини бошқариш фикридан воз кечиб, онгли ва фаол ҳамкорлик мұхитини яратиш зарур³⁸. Бу айнан “Жамоатчилик билан алоқалар” технологиялари моҳиятини ташкил этади. Шу сабабли миллий гоя таргиготида “Жамоатчилик билан алоқалар” технологияларидан фойдаланиш инсоннинг фикр эркинлигига дахл қылмайды, амалда бу борадаги ишларимизни яхлит тизим шаклига келтиришга хизмат қиласди.

Миллий гоя таргиготида “Жамоатчилик билан алоқалар”нинг демократик асослари ва замонавий кўринишлари. Ўзбекистонда “Жамоатчилик билан алоқалар” ўзининг демократик асосларига эга. У мамлакатимиз қомуси Конституциямизда ва бошқа меъёрий-хукуқий хужжатлар ва қонунлар орқали кафолатлаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Конституяси, “Давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги, “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги, “Сайлов тўғрисида”ги, “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасида Жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги ва бошқа қонунлар³⁹да “Жамоатчилик билан алоқалар”нинг хукуқий асослари кафолатланган.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов мафкура таргиготи масаласига тўхталиб: «Биз кишилар дунёқарашини бошқариш фикридан йироқмиз, балки биз одамлар тафаккурини бойитиш,

³⁷ Соловьев А.Н. Политология; политическая теория, политические технологии. – М.: "Асек Пресс", 2000. – С. 518.

³⁸ Филипп А. Буари. Паблик рилейшиз или стратегия доверия. – М.: 2001. – С. 25-26.

³⁹ Lex.uz.

уни янги маъно ва мазмун билан тўлдириш тарафдоримиз. Ҳар қандай ҳалқни ҳалқ, миллатни миллат қиласидиган, унинг йўли ва мақсадларини аниқ, равshan ва чароғон этадиган мафкура – миллий ғояни шакллантиришнинг асосий шарти одамларнинг тафаккури, дунё-қарашининг воқеликка нисбатан таъсирини инобатга олишдир»,⁴⁰ – деганди.

“Жамоатчилик билан алоқалар” технологиялари тарғибот-ташвиқот масалаларига қаратилаётган ана шундай қатъий талабга тўла мос келади. Чунончи, “Жамоатчилик билан алоқалар” технологияларининг қўлланилишида омма фикрининг бошқариш усулидан воз кечилади.

Олимлар “Жамоатчилик билан алоқалар” технологияларини тарғиботдан кескин фарқ қилишини таъкидлайди. Хусусан, Ф. Тейлорнинг фикрича, «Тарғибот – ахборот етказишнинг шундай усули, унда фақатгина коммуникаторнинг манбаатларига мос ғоялар, мафкуралар, ахборот оммага етказилади»⁴¹.

Улардан энг кўп қўлланилаётгани бу “Жамоатчилик билан алоқалар” технологиясидир. Унинг қисқача моҳияти – жамият манбаатлари йўлида давлат бошқаруви органлари ҳамда жамоат ташкилотлари, фуқаролар ўртасида мулокот ўрнатиш санъатидир. Аввало, бу технологияни қўллаш ва уни қабул қилишнинг моҳияти унга берилган қўйидаги сифатлари даражаси билан боғлиқ:

- аниқ мақсаднинг қўйилганлиги;
- шароитга ижодий мослашувчанлик;
- назарий ва услубий жиҳатдан пухталик;
- ортиқча мураккаблаштиришдан холилик;
- қўллашда қулайлик.

⁴⁰ Каримов И.А. Ўзбекистон келажагини ўз қўнимиз билан қурамиз. 7-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 1999. – 298-б.

⁴¹ Taylor P.M. Mummitions of the mind. History of Propoganda from ancient to present day-Manchester-New York, 1995. – Р.6.

Мамлакатимизда яшаётган барча халқларнинг асосий бирлаштирувчи байроби бўлган миллий гоянинг тубмоҳиятини тушунтириш, уни қўллаб-қувватлашларига эришиш, бу жараёнда вужудга келадиган муаммоларни ҳал қилишда жамоатчиликнинг фикрига таяниш, миллий гояни тарғиб этишда аҳолининг манфаати ва истакларини ўрганиш, фуқароларни ёт, зарарли мафкура ва гоялар таъсиридан ҳимоялаш вазифаларини амалга оширишда "Жамоатчилик билан алоқалар" технологиясининг ўрни каттадир.

Дунё bugун ривожланишининг янгичига кирди. Бу даврда тараққиёт билан бир ўринда, XX асрнинг мазмунини очиб берган "қуролланиш хавфи" анча камайган бўлса-да, аммо мафкуравий тазийқ даражаси анча ўсиб бормоқда. Ҳатто bugун биз баъзи бир мамлакатлар унинг таъсирига тушиб бораётганлигига гувоҳ бўлиб турибмиз. Айнан ана шундай хавфларнинг олдини олиш ва уларнинг таъсирига чидаб бериш қобилиятига эга бўлган "қалқон" бу - халқимизнинг анъана ва тарихини ўзида мужассам этувчи, уни келажакдаги тараққиётини белгилаб бериш учун хизмат қиласиган миллий гоядир. Аммо миллий гоянинг мавжудлигининг ўзи етарли ҳолат эмас. Балки уни бир бутун ҳолда мазмунини тушуниш, асрраб-авайлашлари, халқ ва давлат манфаати миқёсида қабул қилиш муҳим аҳамият касб этади. 1922 йилда таникли социолог П. Сорокин бунинг исботи сифатида шундай деб ёзган эди: "Ҳар қандай жамиятнинг тақдири, аввало, унинг аъзолари хусусиятига боғлиқ. Бефарқ ва лоқайд одамлардан ташкил топган жамият ҳеч қачон ривожлана олмайди. Бир гурӯҳ шайтонларга ажойиб конституцияни бериб қўйинг, барибир, сиз улардан ажойиб жамият туза олмайсиз", - деб ёзган эди. Айнан "Жамоатчилик билан алоқалар" технологияси миллий гоя тарғиботида жамоат билан муносабатлар тизимини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Шуни ҳисобга олганда, bugун ёшларнинг онгига миллий

ғоя мақсадларини сингдириш, уларни анъаналаримиз, тарихимиз, умумәътироф этилган демократик тамойиллар руҳида тарбиялаш бугунги кунда миллий сиёсатимизнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

“Жамоатчилик билан алоқалар”нинг замонавий кўринишлари:

- Республика Буш вазирининг интернетдаги вертуал қабулхонаси;
- Вазирликлар билан телефон алоқалари;
- ижтимоий тармоқлар (интернет, электрон сайтлар);
 - сиёсий партияларнинг сайловолди тарғиботи, жамоатчилик билан учрашувлар;
 - электрон ахборот;
 - электрон хукумат;
 - матбуот хизматлари.

“Жамоатчилик билан алоқалар”нинг даражаси куйидагича:

1. Маҳаллий даражадаги мулоқотлар.
2. Республика даражасидаги мулоқотлар.
3. Минтақа даражасидаги мулоқотлар.
4. Глобал даражадаги мулоқотлар.

Миллий ғоя тарғиботининг асосий мақсади, аввало, жамиятнинг барча аъзолари, шунингдек, ёш авлодни шу ғояга ишонч ва эътиқод асосида тарбиялаш, уларни турли “мафқуравий ҳавфлар”дан ҳимоя қилиш, давлат ва жамият манфаатларига масъулият билан ёндашадиган баркамол авлодни тарбиялаш бугун алоҳида мазмун касб этмоқда.

“Жамоатчилик билан алоқалар”да жаҳон тажрибаси ва тарғиботида миллий маънавий хусусиятларни ҳисобга олиш. Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ўзгаришларнинг тақдирни инсоннинг фаоллигига боғлиқдир. Бу эса ислоҳотларнинг моҳиятини ҳалқга тушунтиришни талаб қиласи. Ўзбекистон ҳаётидаги ўзгаришлар инсонлар онгидаги ҳам кенгроқ ўзгаришлар

қилишни талаб этади. Ҳозирги кунда инсон онги ва қалбини эгаллаш учун кураш бораётгани ҳеч кимга сир эмас.

Бундай шароитда бегона мафкуранинг қўпорувчи таъсирига қарши доимий ва узлуксиз аксилтаргиботни ташкил этиш зарур. Чунки бундай мафкуравий курашнинг нафақат мамлакатимиз ичкарисида, балки халқаро майдонда ҳам олиб бориш талаб этилади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, демократик жамият барпо этиш давлатнинг фуқаролик жамияти билан доимий алоқага киришишининг ўз мақсад ва вазифаларини тушунтириб бориши, жамиятдан келаётган талаб ва таклифлар асосида сиёсий қарорларни қабул қилишни тақозо этади. Бу эса жамиятдаги турли кучларнинг манфаатларини уйғунлаштириши, улар ўртасида вужудга келиши мумкин бўлган зиддиятларнинг олдини олиш ва бошқа ижтимоий муаммоларни ҳал қилишнинг мақбул усулларини жорий этиш имконини беради.

Ёшларнинг у ёки бу даражада ўз мафкуравий ҳимоя қобиғига эга бўлиши ғоявий таъсиrlарга қарши курашиш имконини беради. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ёшларнинг сиёсий вазиятни идрок этишида, мушоҳада ва таҳлил қилишида ғоявий барқарорлик мухим аҳамиятга эга.

Эзгуликка, фикр соғлигига йўналтирилган бунёдкор ғоялар ёшларнинг ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлашнинг мафкуравий-ғоявий негизлари бўлиб хизмат қиласди.

Ёшлар ўзининг онги яшаш ҳукуқи учун, ўз тақдирини ўзи белгилаш эркинлиги, ҳаётий эзгу мақсадларини амалга ошириши учун ўзлари фаол бўлиши керак.

Бунёдкор ғояларнинг асосий моҳияти ёшларнинг қалби ва онгига сингдирилса, шахс тафаккури турли эскича ақида ва тушунчалардан, турли ғоявий таъсиrlардан халос бўлиб, давлат манфаатига хизмат қиласди. Унинг равнақига ўз ҳиссасини қўшади.

Шунингдек, ҳуқуқий демократик давлат барпо этишда одатда давлат ҳокимият органлари ислоҳотчи вазифасини ўтайди. Бошқача қилиб айтганда, айнан давлат ҳокимияти органлари ислоҳотларнинг йўналишлари кўриниши, уларни амалга ошириш босқичларини белгилаб беради. Шу боис давлатнинг муҳим вазифаларидан бири ислоҳотлар жараёнида фуқаролар билан давлат ҳокимияти органлари ўртасида эркин ахборот алмашинувини йўлга қўйишдан иборат.

Ривожланган мамлакатларда фуқароларни давлат ҳокимияти органлари фаолиятидан хабардор қилишнинг турли механизмлари мавжуд бўлиб, улардан энг кўп тарқалгани «Жамоатчилик билан алоқалар» технологиялариdir.

Жамоатчиликка муҳим ахборотларни ўз вақтида етказиш, ўзаро ҳамкорлик муҳитини яратиш, жамоатчиликнинг ишончини қозониш, демократик қадриятларни сингдириш ишлари пухта ишлаб чиқилган режа асосида олиб борилишини тақозо этади.

«Жамоатчилик билан алоқалар» технологияларини кўллашда ҳар бир халқнинг миллий-маданий хусусиятларини ҳисобга олиш зарур. Масалан, Европа мамлакатларида қўлланиладиган «Жамоатчилик билан алоқалар» технологияларини айнан жорий этиб бўлмаслиги мумкин. Бунда халқнинг менталитети, хусусиятлари, миллий-маданий мероси, анъаналари, қадриятлари, сиёсий онг ва маданияти даражаси билан боғлиқ ўзига хос жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда ёндашиш муҳим. Акс ҳолда, у умумэътироф этилган демократик тамойилларнинг миллий хусусиятлар билан боғлиқ эканлигига ҳам мос келмайди. Шунинг учун жаҳонда бу борада катта тажриба тўпланган бўлса-да, бу бошқа мамлакатлар учун “ягона андоза” дегани эмас. Ёки айнан унга қараб бошқа мамлакатларга баҳо бериш тўғри эмас. Тарғибот технологияларидан, ҳар бир жамоа, халқ, миллат, мамлакатнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда фой-

даланиш миллий гоя таргиготи мақсадларига мос ҳамда демократик ўзгаришларга түғри келади.

«Жамоатчилик билан алоқалар» технологияларидан фойдаланиш сайловлар жараёнида яққол намоён бўлади. Ҳар бир фуқарога ўзига хос масъулият юклайди. Бу вақтда сайловчиларнинг сиёсий фаоллиги ортади, ўзаро рақобат муҳити кучаяди. Демократик онг ва маданият тамоилларига амал қилиш ҳамда ҳар бир сайловчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш асосида умумий мақсадга эришилади. Унда миллий гоя уларни бирлаштирувчи ва муштарак мақсадлар сари йўналтирувчи гоя сифатида намоён бўлади.

Таянч тушунчалар: Жамоат, «Жамоатчилик билан алоқалар», «Жамоатчилик билан алоқалар» технологиялари, «Жамоатчилик билан алоқалар» технологияларининг демократик асослари, миллий гоя таргиготида жамоатчилик билан алоқалар, миллий хусусиятлар.

Мавзуни мустаҳкамлаш бўйича топшириқлар

1. «Жамоатчилик билан алоқалар» тушунчасини “SWOT-таҳлил” этинг.
2. «Жамоатчилик билан алоқалар» технологияларини ахборот коммуникацион тизимдаги ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда “Кластер” усулида таққосланг.
3. Сайлов жараёнида «Жамоатчилик билан алоқалар» кўринишлари ва унинг йўналишларини “Дебат” усулида таҳлил этинг.

7-МАВЗУ: ГЛОБАЛЛАШУВ ВА ТУРЛИ ХИЛ ФОЯЛАРНИ СИНГДИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Режа:

- 1. Глобаллашув тушунчаси, маъно-мазмуни.*
- 2. Глобаллашувнинг турли хил ғоя ва мағкуралар билан боғлиқлиги.*
- 3. Миллий ғоя тарғиботида миллий-маданий мерос ва умуминсоний қадриятлар уйғунылиги.*

Глобаллашув тушунчаси, маъно-мазмуни. “Глобал” тушунчаси лотинча “globus” сўзидан олинган бўлиб, “шар, Ер сайёраси” каби маъноларни англатади. Мамлакатимиз Биринчи Президенти И.А. Каримов: “Глобаллашув жараёни ҳаётимизга тобора тез ва чуқур кириб келаётганинг асосий омили ва сабаби хусусида гапирганда, шуни объектив тан олиш керак. Бугунги кунда ҳар қайси давлатнинг тараққиёти ва равнақи нафақат яқин ва узоқ қўшнилар, балки жаҳон миқёсида минтақа ва ҳудудлар билан чамбарчас боғланиб боряптики, бирон мамлакатнинг бу жараёндан четда туриши ижобий натижаларга олиб келмаслигини тушуниш, англаш қийин эмас. Шу маънода, глобаллашув – бу, аввало, ҳаёт суръатларининг бекиёс даражада тезлашуви демакдир”,⁴² – деб глобаллашув жараёнини тўлақонли таърифлаб берганликларини алоҳида таъкидлаш лозим. XX асрнинг иккинчи ярми – XXI аср бошида жаҳон тараққиётида шаклланган янги умумсайёравий тартибот, тамаддуний босқич мазмун-моҳияти, давлатлар ва кишилар ўртасида ўзаро алоқаларнинг кенгайиши ва мураккаблашиши, дунё миқёсида ахборот макони, капитал, товар ҳамда ишли кучи бозоридаги интеграциялашув, атроф-муҳитга техноген таъсирнинг кучайиши, оммавий маданият

⁴² Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008. – 111-6.

намуналарининг кенг тарқалиши, информацион-мағкуравий ва диний-экстремистик хуружлар хавфининг ортиб боришини ифода этадиган глобал жараён. Яъни жамият ҳаётининг барча соҳалари – иқтисодиёт, сиёсат, мафкура, маданият, ҳатто шахсий турмуш тарзини камраб олган глобаллашув жараёни билан боғланмоқда.

1985 йилда таниқли американлик олим Р. Робертсон "Globalization" иборасини илмий муомалага киритиб, бу тушунча "одамлар онгида сайёрамизнинг торайиши ҳамда дунёнинг яхлит тарзда англаниши"ни акс эттириб, "дунёнинг бирлашуви ва кишилар ўртасидаги ўзаро алоқаларининг кучайиши"ни ифода этадиган жараён сифатида талқин этади.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек: «Кўз ўнгимизда замонавий дунёнинг геосиёсий, иқтисодий ва ижтимоий, ахборот-коммуникация қиёфасида фундаментал ўзгаришлар ясадиган чуқур жараёнлар рўй бермоқда»⁴³.

XX асрнинг 70-йилларигача дунё мамлакатларининг иқтисодий-ижтимоий ҳамда сиёсий тараққиёти ҳар бир давлатнинг ўз ҳудуди доирасидаги ривожланган суръатлари ёхуд уларнинг ўзаро муносабатлари даражасидан иборат жараён сифатида талқин этилар эди.

Глобаллашув даврига келиб эса тараққиёт борасида ўзгача қараш воқеа-ҳодисаларни макон ва замондан ажратмаган ҳолда синхрон тарзда талқин этиш тамойили кўзга ташлана бошлади.

Жаҳонда 1946 йилдан 1995 йилгача 780 та уруш ва ихтилофлар бўлиб, йилига 15,6 марта ошиб борган.

Бу урушлар ва ихтилофларда 120 млн.дан ортиқ киши ҳалок бўлди, 400 млн.дан ортиқ киши ногирон бўлиб қолди. 1990 йилдан 1995 йил охиригача 93 та уруш бўлиб ўтди (йилига 19 та уруш). Бу уруш йилларида 5,5 млн. киши ҳалок бўлди. Урушлар ва ихтилофларнинг

⁴³ Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. – Т: "Ўзбекистон", 2003. – 275-б.

асосий сабаби – давлатлар орасидаги муносабатлардаги, одамлар орасидаги ижтимоий ноҳақлиқидир⁴⁴.

Глобаллашувнинг яна бир кучли объектив асоси – бу демографик жараёнларнинг шиддатлашиб, дунё аҳолисининг сони қўйидаги кўринишда ошиб бормоқда:

– 1700 йилда дунёда 600 млн. одам (300 йил аввал) бўлган;

– XX асрнинг бошларида 2 млрд. кишини ташкил этди;

– XXI асрга келиб эса 7 млрд. кишидан ортди.

Ер шарида аҳолининг умумий сони XXI асрнинг ўрталарига келиб 12–13 млрд. кишига етиши тахмин қилинмоқда. Бу эса дунё миқёсида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни 5 марта оширишни ва таълим тизимининг 3 марта кенгайишини талаб қиласди.

XXI аср бошларига келиб, дунё мамлакатлари ўртасидаги ўзаро таъсир шу қадар кучайиб кетди, бу жараёндан тўла иҳоталаниб олган бирорта ҳам давлат йўқ. Ҳаттоқи, ҳалқаро ташкилотлардан узоқроқ туришга интилаётган, уларга аъзо бўлишни истамаётган мамлакатлар ҳам бу жараёндан мутлақо четда эмас. Глобаллашув шундай жараёнки, ундан четда тураман деган мамлакатлар ҳам унинг таъсирига тушиб қолиши мумкин. Бундай ғайриихтиёрий таъсир мамлакатлар ва ҳалқлар ҳаётига салбий таъсир кўрсатиб келмоқда.

Глобаллашувнинг турли мамлакатларга ўтказаётган таъсири ҳам турлича. Бу ҳол дунё мамлакатларининг иқтисодий, ахборот, маънавият салоҳиятлари ва сиёсати билан боғлиқ. Дунёда юз бераётган жараёнларнинг ҳар бир мамлакатга ўтказаётган салбий таъсирини камайтириш ва ижобий таъсирини кучайтириш учун шу ҳодисанинг моҳиятини чуқурроқангаш, унинг хусусиятларини ўрганиш лозим. Бу ҳодисани чуқур ўрганмасдан туриб, унга мослашиш, керак бўлганда, унинг йўналишини те-

⁴⁴ «Глобализация: проблемы международного сотрудничество и решение общечеловеческих задач // ФГОУ ВИО «Поволжская академия государственной службы им. П.А. Столыпина», 2005. –С. 58.

гишли тарзда ўзгартириш мумкин эмас. Глобаллашув яна шундай жараёнки, уни чуқур ўрганмаслик, ундан фойдаланиш стратегияси, тактикаси ва технологиясини ишлаб чиқмаслик мамлакат иқтисоди ва маданияти, маънавиятини шиддатли селнинг кучига бошқарувчисиз қайиқни толшириш билан баробардир. Жамиятнинг маънавий янгиланиши бевосита анъанавий негизларини асос қилиб олган ҳолда, замонавийликни тарғиб қилиш ва уни қабул қилиш, унинг моҳиятини кенг оммага етказиб бериш бугун глобаллашув жараёнлари авжига мингган замонда алоҳида аҳамият касб этади. Аввало, бу жараёнда ҳар бир аҳборот ва маълумотларни етарли асослаб беришга қаратилиши жараённинг бир йўналишда ривожланишини таъминлайди. Турли таъсирларга мойил ва қизикувчан хусусиятга эга ва ҳали ҳаётнинг "аччиқ" тажрибаларидан бехабар ёшларни чидамли, ўз фикрига ва дунёқарашига эга қилиб тарбиялаш миллий гоя тарғиботининг асосий вазифаларидан биридир. Айнан ёш авлодимиз миллий ғоянинг асрорчилари ва кейинги авлодга етказиб берувчи эканликлари бу жараённинг нечоғлик муҳимлигини яна бир бор исботлаб беради. "Табиийки", – деб ёзади Бириняи Президентимиз И.А. Каримов: "Оммавий маданият" деган ниқоб остида ахлоқий бузуклик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик ортириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди".⁴⁵

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз олимлари ўтказган ва ўтказаётган таҳлил бу соҳада ишлар эндиғина бошланганидан далолат беради. Глобаллашув миллий маънавиятга ҳам таъсирини ўтказади. Бунинг учун миллий маънавиятлар ўзини асраб қолиши ва глобал

⁴⁵ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: "Маънавият", 2008. – 117-б.

таъсирларга жавоб берса олиши учун ўзининг ҳозирги замонда эришаётган ютуқлари билан янада бойитиб бориши муҳим аҳамиятга эга. Унинг таъсири кириб келган жамиятнинг барча соҳалари тез бўлмаса-да, аммо аста-секинлик билан ўз “из”ларини қолдиради. Бундай турдаги “таъсирлар”га энг берилувчан, унинг олдида ҳали заифроқ бўлган куч бу ёшлар ҳисобланади. Шулардан келиб чиқсан ҳолда, глобаллашув жараёнида турли ғоя ва мағкураларни айнан ёшлар орқали “кўприк” сифатида фойдаланишларига йўл қўймаслик учун миллат-парвар, халқчил, умуминсоний тамоилилларга асосланган миллий ғоя асосида қуроллантириш бугун ушбу масаланинг қанчалик муҳимлик даражасини белгилаб беради. Мамлакатимизнинг жаҳон майдонида олиб бораётган сиёсати қўпроқ самара ва муваффақият келтиришини истасак, энг аввало, ёш авлодни келажакда давлатимизнинг таянчи сифатида тарбиялашга қаратилган ишларни кучайтиришимиз, глобаллашувнинг моҳияти, йўналишлари, хусусиятларини чуқурроқ тадқиқ ва таҳлил қилиш зарур. Айнан шу жараённи чуқурроқ таҳлил этиш орқали сиёсатчилар учун тўғри йўл танлаш ва қарорлар қабул қилиниши учун имконият яратилиши мумкин.

Глобаллашув турли мамлакатлар иқтисоди, маданияти, маънавияти, одамлари ўртасидаги ўзаро таъсир ва боғлиқликнинг кучайишидир.

Глобаллашувга ва унинг жамият ҳаётига таъсири доираси тўғрисидаги фикрлар хилма-хил, берилган таърифлар дунёда кўплаб топилади. Бу глобаллашувнинг турли кўринишда кириб келиши ва содир бўлиши билан бир қаторда унинг “таъсир” кучининг турли-туманинги кўрсатиб беради. Лекин унинг хусусиятларини тўлароқ қамраб олгани, бизнингча, француз тадқиқотчиси Б. Банди берган таърифdir. Унда глобаллашув жараёнининг уч ўлчовига алоҳида эътибор берилади:

– глобаллашув – муттасил давом этадиган тарихий жараён;

- глобаллашув – жаҳоннинг гомогенлашуви ва универсаллашуви жараёни;
- глобаллашув – миллий чегараларнинг "ювилиб кетиш" жараёнидир.

Давлатлар ва халқлар ўртасида бундай муносабатлар тизими мавжуд экан, аввало, бу ўринда туғилиши ва кутилиши мумкин хавфларни алоҳида таъкидлашимиз керак. Жамиятнинг тараққиётига жиддий зарар келтирувчи, кўриниши ва тузилиши жиҳатидан "мулойимлик ва хушхулк" сифатида кўринган таъсирлар жамиятнинг барча қатламини ўзига ром этади ва бундан дунё тажрибаси бўйича ёшлар кўпроқ зарар кўради. Бунга XX асрнинг бошларида Японияда ишлаб чиқилган ва дунё мамлакатлари ёшларини иродасидан маҳрум қилиб, зомби, яъни манқуртларга айлантиришга хизмат қиласидаган "АУМ Сенрикё" диний оқимининг ҳаракатлари мисол бўла олади.

Глобаллашув турли ахборотлар, ғоялар, мағкуралар билан узвий боғлиқ. Глобаллашув ва турли тазииклар «Ахборот асли» деб аталган ХХI асрда бирон-бир мамлакат ёки ҳудуднинг тараққиётини фаол ахборот алмашинувисиз тасаввур этиб бўлмайди. Албатта, инсониятнинг тарихий тараққиёти давомида жамият муайян шакл ва ҳажмда ахборот, билим алмашинуви асосида ривожланиб келган. Глобаллашувнинг салбий таъсирлари давлатнинг миллий статусини хавф остига қўймоқда, миллий қадриятлар ва анъанавий маданиятларни бузмоқда. Ҳатто оила ҳаётига, инсоннинг шахсий ҳаётига ҳам кириб келмоқда.

Ёшлар ўртасида ахборот хавфсизлигини таъминловчи омиллар:

- таълим ва тарбиянинг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши. Зеро, И.А. Каримов: «Таълимни тарбиядан, тарбияни таълимдан ажратиб бўлмайди – бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси»⁴⁶ – дегани бу жараёнга алоҳида мазмун касб этади;

⁴⁶ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т: "Маънавият", 2008. - 62-б.

- ёшларга тегишли муаммоларнинг босқичма-босқич ҳал этилиши, меҳнатни тақсимлаш, маҳсулот ишлаб чиқариш меҳнат бозорини енгиллаштириш муаммоларни бирин-кетин бартараф этиши натижасида ёшларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллиги ошиб боради;

- ижтимоий-иктисодий ислоҳотларнинг мазмунмоҳияти ёшлар муаммосини бартараф этишга қаратилганлигини киритиш мумкин.

Ахборотнинг тез суръатлар билан тарқалишида, аввало, телекоммуникация воситаларининг кундан-кун ривожланиб бораётгани муҳим роль ўйнайди.

«Ахборот асри»нинг ўзига хос талаблари ахборот оқимининг бениҳоя катталиги билан белгиланади. Гап шундаки, ҳозирга кунда телекоммуникация тармоқлари орқали узатилаётган ахборот ҳар 2 йилда икки баробар ортмоқда. Бундай ўсиш муайян зиддиятларни ҳам келтириб чиқаради. Ахборот кўлами ва мазмуни ортади, ахборот тармоқларида истеъмолчи учун керакли ва кераксиз бўлган катта миқдордаги ахборот жамланган; натижада улкан ахборот захиралари тўпланган бўлишига қарамай, одамлар имкониятлари ҳар хиллиги туфайли улардан самарали фойдаланишда фарқлар мавжуд.

Глобаллашувнинг турли хил ғоя ва мафкуралар билан боғлиқлиги.

Инсониятнинг кейинги тараққиёт йиллари глобаллашув шароитида шахснинг ижтимоий онги, йўналтирувчи мақсадлари, қадриятлари, ҳаётий тушунчалари, дунёқарashi ва охир-оқибат унинг жамият билан муносабатларида қандай ўзгаришлар содир бўлаётганлигига боғлиқ. Глобаллашув даврида:

- турли хил мафкуралар ўртасида кураш;
- маънавий таҳдидлар;
- "оммавий маданият" кўринишлари;
- одам савдоси;
- диний экстремизм ва ҳалқаро терроризм;
- гиёҳвандлик, наркобизнес хавфи янада кучаяди. Бу

мафкуравий курашлар мамлакатнинг геосиёсий мақсадларига қарши йўналтирилганлиги билан ўзига хос хусусиятларга эга.

Шунинг учун ижтимоий ва гуманитар фанлар глобаллашувининг жамият ҳаётининг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий соҳаларига таъсири масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Глобаллашувнинг инсон ва постиндустриал жамиятлар ҳаётидаги ўрни ҳамда роли ҳақидаги алоҳида қурашлар шаклланмоқда. Глобаллашув турли хил гоя ва мафкуралар билан боғлик. Унда эзгу, бунёдкор гояларни ҳамда аксинча жаҳолатга ундейдиган тажовузкор, бузғунчи гоялар ҳам мавжудлигини ҳисобга олиш лозим.

Бу жараёнлар инсон тафаккури ва маънавий дунёсига таъсири масаласига етарли даражада эътибор беришни тақозо этади. Глобаллашув шароитида инсон тафаккури ва маънавий дунёсида содир бўлаётган ўзгаришлар куйидаги ҳолатлар билан белгиланади:

- глобаллашув шахсни шакллантирувчи жамиятнинг маданий-маънавий соҳаларига таъсир ўтказиб, муайян ўзгаришлар олиб келади, анъанавий қадриятлар тизимиға ҳам турли хил таъсир этиши мумкин;

- глобаллашув таъсирида рўй берган ўзгаришлар инсоннинг маънавий-ахлоқий, психологик қиёфасига ҳам жиддий таъсир кўрсатиши мумкин ва ҳозирги замон жамиятининг қиёфасини ҳам муайян тарзда ўзгартиради;

- глобаллашувнинг ижобий жиҳатлари билан бир қаторда унинг таъсирида ижтимоий ва индивидуал онгда деструктив ўзгаришлар ҳам қайд этилган. Бу ҳолат индивидуализм, эгоизм, эгоцентризм, инсонпарварлик таомойилларининг эврилиши, ахлоқий тушкунлик, ҳаётий айрим мақсадлар ва тасаввурларнинг бузилиши каби ҳодисаларда намоён бўлмоқда.

Ҳозирги замон глобаллашув концепцияларида муаллифларнинг диққат-эътибори асосан инсон фаолия-

тининг турли соҳалари – ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳаларга қаратилган. Ижтимоий муносабатлардаги ўзгаришлар инсон дунё қарашидаги ўзгаришлар натижаси эканлиги қайд этилади. Бу ҳол атроф-дунё ҳақидаги тасаввурлар ҳамда глобал доирада инсонлараро муносабатлар ва ўзаро алоқаларни баҳолаш мезонлари тизимини янада чуқурроқ ўрганиш зарур. Бундан ташқари, ижтимоий ҳаётнинг инсон табиати, талаб ва эҳтиёжларидан тобора узоқлашиб бораётгани ҳамда у инсон маънавий инқизорозининг чуқурлашиб боришига мойиллиги масаласи етарли даражада ўрганилмагани билан ҳам изоҳланади.

Хозирги даврда жаҳонда кечаетган иқтисодий-сиёсий жараёнлар таъсирида глобал ахборотлашувнинг янада жиддий салбий оқибатлари намоён бўлмоқда. Бу борада Н. Умарова шундай ёзади: «Ахборотни тараққиёт кушандасига айлантираётган кучлар ҳам йўқ эмас. Ахборотлаштириш жараёнларининг ижобий жиҳатлари билан бир қаторда ахборот соҳасидаги ютуқлардан ёмон ниятларда фойдаланиш хавфи ҳам туғилмоқда. Бунда ахборотда жаҳонда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, давлатларнинг суверен тенглиги тамойилларига амал қилиш, низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш, кучдан фойдаланмаслик, ички ишларга аралашмаслик, инсон ҳуқуқи ва эркинликларини ҳурмат қилиш каби мақсадларга зид равишда фойдаланилмоқда».⁴⁷

Экспертларнинг фикрига кўра, 1998 йилдан бошлаб «Би-Би-Си», «Рейтер» каби хорижий оммавий ахборот воситалари, интернетдаги сиёсий сайтларда МДҲ мамлакатларига қарши ахборотлар интенсив равишда, аҳоли қатламларига дифференциал асосда тарқатилиб, ишлар тизимлаштирилмоқда.

Ахборот хавфсизлигини таъминлашга вақтида эътибор қаратмаган айрим давлатларда «демократик тўл-

⁴⁷ Умарова Н. Глобаллашув шароитида ахборот хуружларига карши кураш. – Т.: «Академия», 2005. – 4-б.

қынлар»нинг «холисона ахборот ёндошуви» натижасида сиёсий муҳитга таъсир кўрсатди. Натижада ихтилофли, турли манфаатлар, гуруҳлар ўртасида тўқнашувлар вужудга келди.

Ахборот хуружининг таҳлилига эътибор қаратилса, қўйидагилар намоён бўлади:

– мамлакатда олиб борилаётган барча жараёнлар де-зинформация ёрдамида бузиб талқин қилинди ва барча воситалар ёрдамида давлатга қарши ахборот сифатида тарқатилди.

– Аҳолининг онгига сиёсий бепарволик ва эътибор-сизлик, энг асосийси, давлатга қарши қайфият ва норо-зилик шакллантирилиб, тизимли ривожлантирилди.

– Ташқи кучларнинг бевосита ёрдамида қисқа вақт ичиде савияси паст, маълумоти саёзроқ, наркотикка мубтало бўлган ёшлардан иборат сохта «демократия та-рафдорлари» шакллантирилди.

– МДҲдаги етакчи давлатларнинг айрим ахборот воситалари, ғарбнинг машҳур оммавий ахборот воситалари, интернет сайтиларида аксилтарғибот кўринишида-ги маълумотлар тезкорлиқда асосий эфирга узатилди. Дунё миқёсида миллионлаб одамлар, халқаро ташкилотлар, давлатлар сохта ва ёлғон ахборотга ишонтирилди.

Таъкидлаш жоизки, глобалашув кенг қулоч ёзгани, жаҳондаги интеграциялашув жараёнлари фаоллашгани, трансмиллий корпорациялар ва ахборот тарқатиш тар-моқлари давлатлараро чегараларга қарамай, «миллий дав-лат ҳозирги даврнинг асосий геосиёсий бирлигини таш-кил этади ва давлатлар ҳар доимгидек халқаро муносабат-ларнинг бир-бири билан мулоқотга киришадиган ҳамда бир-бирига муайян муносабатда бўладиган субъектлари бўлиб қолмоқда. Алоҳида олинган давлат, маълумки, ўз фуқаролари учун «ҳомий» ва «ҳимоячи» вазифасини ўтай-ди. Шунинг учун ҳар қандай давлатнинг асосий мақсади ўзини, ўзининг яхлитлиги ва «яшаш макони»ни сақлаш ҳамда миллий манфаатларни ҳимоя қилишдан иборат.

Миллий ғоя тарғиботида миллий-маданий мерос ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги. Глобаллашув жараёни миллий-маънавий мерос ва умуминсоний қадриятларнинг уйғун ривожланишини тақозо этади. Акс ҳолда маънавий таҳдидлар кучаяди. "Маънавиятга таҳдид – ўзлигимизга ва келажагимизга таҳдид"⁴⁸ эканлигини ҳисобга олишимиз лозим. Миллий ғоя тарғиботида халқимизнинг табиати, иродаси, орзу-интилишларини ифодалайдиган қуидаги миллий-маданий хусусиятларни замон талаблари асосида янада бойитишни назарда тутади:

- халқимиз ҳәётида қадим-қадимдан жамоа бўлиб яшаш руҳининг устунлиги;
- жамоа тимсоли бўлган оила, маҳалла, эл-юрт тушунчаларининг муқаддаслиги;
- ота-она, маҳалла-кўй, умуман жамоатга юксак хурмат-эътибор;
- миллатнинг ўлмас руҳи бўлган она тилига муҳаббат;
- каттага хурмат ва кичикка иззат;
- меҳр-муҳаббат, гўзаллик ва нафосат, ҳаёт абадийлигининг рамзи – аёл зотига эҳтиром;
- сабр-бардош ва меҳнатсеварлик;
- ҳалоллик, меҳр-оқибат ва ҳоказо.

Миллий ғоя тарғиботида қуидаги умумбашарий қадриятларни эътироф этади ва улардан озиқланади:

- қонун устуворлиги;
- инсон ҳақ-хуқуқлари ва хурфикрлик;
- турли миллат вакилларига ҳурмат ва улар билан баҳамжиҳат яшаш;
- диний бағрикенглик;
- дунёвий билимларга интилиш, маърифатпарварлик;
- ўзга халқларнинг илғор тажрибалари ва мадания-

⁴⁸ Каримов И.Л. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: "Маънавият", 2008. – 110-119-6.

тини ўрганиш ва ҳоказо⁴⁹. Миллий ғоя таргиготи воситаларининг ҳар бири ўз йўналишида:

1) миллий-маданий меросга таяниши учун асрлаб-авайллаш ва ривожлантиришга алоҳида аҳамият бериши мухим;

2) миллий-маданий хусусиятларни инкор этмаган ҳолда, умумбашарий тамойилларга содик қолиб таргигот ишларини олиб бориш миллий ғоя мақсадларини Ўзбекистон халқининг ишонч ва зътиқодига, ҳаётий қадриятига айланиб боришига хизмат қиласди. Миллий ғоя таргиготи технологияларида бу уйғун тарзда доимо ифодасини топиб бориши, мамлакатда Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуришга хизмат қиласди.

Таянч тушунчалар: Глобаллашув. Глобаллашувнинг турли хил ғоя ва мағкуралар билан боғлиқлиги. "Мағкуравий курашлар". Ахборот хуружларининг олдини олишда миллий ғоянинг зарурлиги.

Мавзуни мустаҳкамлаш бўйича топшириқлар

1. Глобаллашув шароитида турли мағкуравий кўринишларни "Кластер" усулида таҳлил қилинг.
2. "Оммавий маданият" кўринишларининг миллий ғояга зид томонларини асосланг.
3. Ёт ва зарапли ғояларга қарши қураш ва унинг зарапли оқибатларини "ақлий ҳужсум" усулидан фойдаланиб таҳлил қилинг.

⁴⁹ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар ва тамойиллар. – Т: "Ўзбекистон", 2000. – 49-50-6.

8-МАВЗУ. ЁШЛАР ВА МИЛЛИЙ ГОЯ ТАРГИБОТИ ЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Режа:

1. Ёшлар – “мафқуравий кураш” объекти.
2. Ёшлар билан ишлашда миллий гоя таргиготи технологияларидан фойдаланишнинг хусусиятлари.
3. Миллий гоя таргиготи технологиялари ёшларнинг мустақил фикрлаши, ижтимоий фаоллигини шакллантириш омили.

Ёшлар – “мафқуравий кураш” объекти. Жамиятнинг энг ўзгарувчан ва ҳаракатчан қатламишнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, миллий анъаналаримиз, қадриятларимизни асраб-авайлашнинг асосий ташувчилари ёшлар ҳисобланади. Ўзбекистонда улар аҳолининг 64% (17 млн.)ини ташкил қилиб, жуда катта стратегик куч сифатида намоён бўлмоқда.

Мамлакатимизда бугунги кунда ёшлар масаласига давлат сиёсати даражасида жуда катта эътибор берилмоқда. Буни 2016 йил 14 сентябрда қабул қилинган “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонунда кўришимиз мумкин. Қонун 4 боб, 33 моддадан иборат бўлиб, унда:

- Ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий принциплари;
- Ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишлари;
- Ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат дастурлари, ҳудудий ва бошқа дастурлар;
- Ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасалар;
- Ёшлар ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари;

- Ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш кафолатлари;
- Ёшларни давлат томонидан қўллаб-кувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари;
- Иқтидорли ва истеъдодли ёшларни давлат томонидан қўллаб-кувватлаш;
- Ёшлар тадбиркорлигини давлат томонидан қўллаб-кувватлаш;
- Ёшлар ижтимоий хизмати⁵⁰ ҳақидаги масалаларнинг ҳукуқий асослари белгиланган.

Миллий гояни айнан шу қатлам орасида тарғиб қилиш, уларнинг онгига сингдириб, ишонч ва эътиқодга айланиб боришининг бир қанча ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Бу жиҳатлар давлатимизнинг келажакдаги тараққиётини белгилаб берувчи асосий манбаларидан биридир. Биринчидан, миллий гоя бир томондан ёшларни ўзининг обьекти сифатида қараса, иккинчи томондан ёшлар миллий гоянинг асосий ташувчилари ва бир пайтнинг ўзида кейинги авлодга етказиб берувчилари ҳисобланади. Учинчидан, ёшлар қанчалик даражада миллий гоя билан қуролланган ва унинг мазмун-моҳиятини англаган бўлса, бугунги кунда авж олган "мафкуравий курашлар"нинг олди олинган бўлади. И.А. Каримов: "Барчамизга аён бўлиши керакки, қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзбўларчиликка ташлаб кўйилса, ўша ерда маънавият ожиз ва заиф нуқтага айланади. Ва аксинча, қаерда ҳушёрлик ва жонкуярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли кучга айланади"⁵¹ – деган эди. Айнан юқоридаги ҳолатлар миллий гоя ва ёшларнинг ўзаро боғлиқлигини белгилаб беради. Бошқача айтганда, миллий гоя қанчалик мазмунли бўлса, ҳар бир кишининг узоққа мўлжалланган мақсад ва манфаатларига мос бўлса, пировардида эса, миллатнинг истиқболини белгилашга хизмат қиласидиган бўлса, уни ёшлар шунчалик тез қабул

⁵⁰ Lex.uz.

⁵¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: "Маънавият", 2008.
– 116-б.

қилади ва унга нисбатан ижобий муносабати шаклланади. Демак, тарғибот технологиялари миллий ғоя орқали ёшларда қандай ғоя ва фикрларни таклиф этса, шунга мос равишда ғоявий жиҳатдан чиникқан, ватанпарвар, замонавий билимларни әгаллаган ёшларга эга бўлади. Энг асосийси шундаки, ёшлар бошқа аҳоли қатламларига нисбатан ташаббускор, ишонувчан, тез қабул қилувчи ҳисобланади. Жамиятда қандай мақсадга қаратилган бўлмасин, турли ғоя ва мағкураларга ўзининг шахсий нуқтаи назарини қаратади. Чунки ёшлар физиологик ва психологик жиҳатдан шаклланиш босқичида бўлганлиги учун уларда янгиликларга нисбатан қизиқиш, эътиқодга ва одатга айлантириш ҳисси кучли бўлади. Шунингдек, ёшлар ўзларининг ижтимоий-руҳий ва бошқа жиҳатларига кўра салбий ҳодисаларга берилувчанлик, жамиятдаги ўзгарувчан шароитга мослашиш қобилиягининг юқори эканлиги билан ажralиб туради. Улар жамиятнинг шундай ижтимоий гуруҳига мансубки, улар ўтқир билиш қобилиятига эга бўлиб, сўз билан амалиёт мутаносиблиги ҳолатларини кучлироқ сезадилар. Жамиятнинг бундай қатламини тўғри мақсадга йўналтириш учун, аввало, уларнинг аниқ, бунёдкор, миллатпарвар ғоялар асосида тарбиялаш ва таълим бериш алоҳида касб этади. Бу жараёндаги асосий "маънавий тарбия" ролини миллий ғоя бажаради. Миллий ғояни ёшларга сафарбар этиш, илҳомлантириш, буюк келажак сари чорлаш учун аҳамияти, таълим ва тарбияда тутган ўрни ва роли ҳаёт ҳақиқатларига, реал борлиққа, халқ турмушига қанчалик мос ва мувофиқлигига қараб белгиланади. Ёшларнинг онгига миллий ғояни сингдириш, уларни шу асосда тарбиялаш, аввало, жамиятдаги барча ижтимоий ва сиёсий институтлар орқали амалга оширилишидаги жараёнда давлатнинг алоҳида ўрни ва роли мавжуд. Яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 90-йилларда дунёда бир-бирига қарама-қарши бўлган икки "кутб"нинг барҳам топиши, хавф-хатарларни, тазийқ, айниқса, маф-

куравий таъсирларнинг янгича кўринишларини пайдо бўлишига олиб келди. Бу таъсирларнинг икки асосий жиҳати мавжуд бўлиб, буни эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Уларнинг биринчиси, одамлар кўпроқ кутган ва эришишга мойил бўлган "эркин демократия" шиори остида яширган. Иккинчидан, ёшларни турли гоялар остида эргаштириш, кейинчалик мудхиш оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган, аммо ўта яширин кўринишга эга бўлган бундай мафкураларнинг тарқалиши билан боғлиқдир. Айнан шундай "демократик" деб аталган, асл мақсадлари давлатнинг тузумига зарар етказиш билан боғлиқ бўлган бу турдаги хавфларнинг олдини олишда миллий гоя ва ёшларнинг ўзаро боғлиқлиги асосий жамиятнинг ўзига хос равишда ҳимоясини ташкил этади. "Ҳар қайси давлат ва ҳар қайси миллат нафақат ерости ва ерусти табиий бойликлари билан, ҳарбий қудрати ва ишлаб чиқариш салоҳияти билан, балки биринчи навбатда ўзининг юксак маданиятли ва маънавиятли ёшлари билан кучлидир"⁵².

Миллий гоя таргиготининг ёш авлод орасида бир қанча босқичларда амалга оширилиши унинг олдига кўйган мақсадлари билан мувофиқлигидадир. Чунки миллий гоя бир кунда ёки бир йилда шаклланиб, сингдриладиган жараён эмас, балки тадрижий равишда амалга оширилади.

Аввало, миллий гоя бу қатлам орасида босқич-ма-босқич равишда амалга оширилиши келажакдаги унинг кенг тарқалишининг асосий мазмунини белгилаб беради. Чунки ёш авлоднинг маълумотларни қабул қилиши психологик ва физиологик жиҳатлар билан боғлиқлиги, турли-туманлиги уларнинг миллий гояга хос бўлган жиҳатларни аста-секинлик билан ўзлаштиришини билдиради. Аввало, миллий гоя таргиготини жамиятнинг энг асосий ва муҳим институти ҳисобланмиш оиласаларда жорий қилиш (яъни, анъаналармиз,

⁵² Каримов И.А. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Т.: "Шарқ", 1997. -5-б.

урф-одатларимиз ҳақида дастлабки тасаввурлар) лозим. Кейинги босқичлар мактабгача таълим ва мактаб муассаларида давом эттирилиши ёшларнинг миллий ғояни тўла мазмунда, чукур тарзда эгаллашининг кафолатларидан биридир.

Иккинчидан, миллий ғоя жуда кенг мазмунга эгалиги ва албатта, анъаналаримиз ва тарихимизнинг барча кўринишларини ўзида мужассам этганлиги, мамлакатимизнинг мустақиллигини турли мафкуравий хавфлар ҳимоя қилувчи восита эканлиги ҳақида тўхталиб ўтадиган бўлсак, унинг тарғиботи масаласи ҳам янада муҳим ҳисобланади. Шу мақсадда унинг жамият бўйича кўламини оширишнинг ягона йўлларидан бири уни доимий равишда тарғибот ва ташвиқот ишларини ташкиллаштиришга қаратилганлигидир. Узлуксизлик тамойили миллий ғояни халқонгига сингдириш учун мамлакатда муайян мафкуравий майдон яратишни тақозо қиласди. Бу майдондаги ҳар бир ҳаракат ва ҳолат, жумладан, таълим тизимидағи ўқув режалари, дастурлар, дарсликлар, ўқув қўлланмалари, синф ва аудиториялар, кўргазмали куролларнинг миллий ғояга уйғун бўлиши муҳим.

Миллий ғоянинг тарғиботида муҳим аҳамият касб этувчи жиҳатлардан бири уни кенг қамровлилик тамоили асосида амалга оширишdir. Бунда жамиятнинг барча аъзоларига ғоялар хилма-хиллиги асосида мафкурани сингдириш, бу жараёнда аҳолининг барча қатламларини қамраб олиш назарда тутилади. Натижада жамиятнинг барча бўғинлари ғоявий таъсир доирасида қамраб олинади. Умумий мақсадга йўналтирилганлик, фаол инсонни тарбиялаш ва инсон салоҳиятини юзага чиқариш мафкуранинг бош мақсади қилиб олинади.

Ёшлар билан ишлашда миллий ғоя тарғиботи технологияларидан фойдаланишнинг хусусиятлари. Бугунги кунда миллий ғоя тарғиботини амалга ошириш бевосита ёшлар билан боғлиқ экан, бу, албатта, таълим тизими билан алоқадор ҳолда амалга оширилади. Таъ-

лим тизимида миллий ғоя таргиботи ва умуман таргибот-ташвиқот технологияларида бир қанча усуллар мавжуд бўлиб, улардан бири “**Моделли машғулот**” усули ҳисобланади. Ушбу усул кўп илмий манбаларда “кейс усули” деб ҳам юритилади. Бу усулнинг умумий манзараси кўйидагича: машғулот ўқитувчи ва талаба ўртасидаги илмий мунозара асосида ташкил қилинади. Бу жараён давомида бир-бирларининг (ўқитувчи ва талаба) фикрлари ривожига икки тараф ҳам мотивацион хатти-ҳаракатлар билан таъсир ўтказишади. Бу жараёнлар, дебат, мунозара, фикрлар хилма-хиллиги асосида амалга оширилиб, икки тараф ҳам бир-бирларидан турли янгиликларни ўзлаштирадилар ва дарс охирида керакли тавсиялар берилган ҳолда хулоса қилинади. Миллий ғоя таргиботи давомида қанчалик турли ғояларга нисбатан мустақил фикр юрита олиш хусусиятини шакллантириш ҳам катта аҳамият касб этади. Таргифот технологиялари ичida яна кенг тарқалган усуллардан бири “**Синквейн**”, яъни ахборотларни йиғиш усули ҳисобланади. Методни қўллаш жараёнида талабалардаги тарқоқ ахборотлар аста-секин, босқичма-босқич йўналтирилган ахборотли жараёнга айлантириб борилади. Яъни ўрганилмаган билимлар мавзуни ўрганиш давомида ўрганилади, муайян объектив воқелик тўғрисида яқдил фикрга келинади. Одатда, синквейн мавзу бўйича бирор муаммоли вазиятни ечиш ёки алоҳида ўқув элементларини мукаммаллаштиришда талаба тафаккурини чархлаш учун тузилади.

Миллий ғоя фикрлар хилма-хиллигига асосланади ва турли тазийик, фикрларни “идеаллаштириш” каби хусусиятлардан йироқ. Ва меъёрийлик ҳолати билан алоҳида ажralиб туради. Унинг мазмуни аксилтарғиботни келтириб чиқарадиган, ҳаётдан узилиб қолишига олиб келадиган баландпарвозлик, расмиятчилик ва тасрорланишларига йўл қўймаслиги билан ажralиб турди. “Албатта, мафкурани бир кунда ёки бир йилда яратиб бўлмайди. Чунки мафкура шаклланади, шакллантириб

борилади. Унинг асосий тамойилларини ишлаб чиқиш мумкин. Ана шу тамойиллар реал ҳаётда ўз ўрнини топмаса, бундай мафкура ва ғоя қоғозда бўлади, холос"⁵³. Айнан миллий ғоянинг миллатпарварлик ва бунёдкорлик кучи ҳам ана шундадир. Миллий ғоя давлат мафкураси сифатида ҳам талқин этилмайди.

Миллий ғояни сингдириш усуллари, технологиялари, устувор йўналишлари ХХI асрда инсоният ўз тараққиётининг сифат жиҳатидан янги палласига қадам қўйди. Дунёда катта ўзгаришлар содир бўлаётган бугунги кунда ижтимоий маконларни ўзлаштиришнинг янги усуллари, жумладан, янги технологиялари кенг расм бўлди. Технологиялар аспи деб аталаётган ХХI асрда ишлаб чиқаришда жорий этилган янги технологиялар меҳнат са-марадорлигини оширмоқда. Бироқ янги технологиялар фақатгина қишлоқ хўжалиги ва саноат соҳаларида эмас, балки маънавий ва мафкуравий жараёнларда ҳам ўз са-марасини (ижобий) ва таъсирини (салбий) кўрсатмоқда. Мамлакатимизнинг мафкуравий жараёнларга ҳам шу нуқтаи назардан ёндашиши миллий ғояни тарғиб қилишда замонавий технологиялардан фойдаланиш заруратини кўрсатади. Миллий ғояни ёшлар қалби ва онгига сингдириш муайян технология асосида олиб борилганида тадбирларнинг кетма-кетлиги, миқёси ва меъёри, давомийлиги ва тамойиллари сингари жиҳатлар ҳам қамраб олинади. Масалан, тарғиботда миллий ғоя тўғрисида ҳадеб ва ноўрин гапиравериш, меъёрни билмаслик тескари самара бериши мумкин. Тарғибот технологияси миллий мафкура мазмун-моҳиятига мос бўлган тақдирдагина кутилган натижага эришиш мумкин. Ўзбекистонда мафкуравий жараёнларни аҳолининг барча қатламлари, хусусан, ёш авлод орасида тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этишининг устувор йўналишлари ку-йидагилардан иборатdir:

⁵³ Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси ҳалқни ҳалқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин. – Т: "Ўзбекистон", 1998. – 45-б.

- белгиланган тадбирларнинг юқори даражада уюш-қоқлик билан ўтказилишини таъминлаш;
- миллий гоя тарғиботи сифатини мунтазам ошириб бориш;
- давр талабларидан келиб чиққан ҳолда тарғибот ишларини ташкил этишнинг янги, самарали йўлларини излаш;
- бу соҳада эски тарғибот услубларининг мутлақ-лаштирилишига, андозалаштиришга йўл қўймаслик;
- ғоявий тарғибот жараёнларини ташкил этишда ижобий муҳитни ҳисобга олиш;
- ғоялар хилма-хиллиги ва мақсад муштараклигини таъминлаш;
- ғоявий тарғибот ишларини ташкил этишда учрай-диган расмиятчилик ва мажлисбозлик кўринишларига барҳам бериш;
- ғоявий тарғиботнинг ёшлар орасида кенг тарқа-лишининг асосий мезонларидан бири ҳисобланган турли мунозаралар ва дебатлар асосига қуриш унинг маъно-моҳиятини англашга катта имконият беради;
- мафкуравий фаолиятнинг қанчалик самарали олиб борилаётгандигини билиш мақсадида унинг монито-рингини ташкил этиш.

Миллий гоя миллатни етакловчи куч ҳисобланади. Унда давлатнинг анъаналари, шу замин халқларининг урф-одатлари, тарихи ва маънавияти мужассамланган мустақиллигимизни асрарнинг маънавий-рухий асоси ҳисобланади. Юртбошимиз: "Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, халқимиз маънавиятини юксалтиришда миллий урф-одатларимиз ва уларнинг замираида мужассам бўлган меҳр-оқибат, инсонни улуғлаш, тинч ва осойишта ҳаёт, дўстлик ва тотувликни қадрлаш, турли муаммоларни биргаликда ҳал қилиш каби ибратли қадриятлар тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада маънавий ҳаётимизнинг узвий қисмига айланиб кеттган ҳашар одати истиқлол даврида янгича маъно-мазмунга эга бўлиб,

умуммиллий анъана тусини олгани барчамизни мамнун этади"⁵⁴, деган эди. Бу жараён миллий ғоянинг ўз-ўзидан давлатимизнинг келажаги – ёшлар билан қанчалик чамбарчас равишда тўлдирувчи бутунлик эканлигини исботлайди. Миллий ғоянинг амалиётида қўлланиши унинг тараққиётини билдиради. Бу ўринда миллий ғоя икки асосий вазифани бажариб бериши билан алоҳида аҳамият касб этади. Биринчидан, шу Ватанга муҳаббат руҳида, унинг олдида доимо мастьулиятни сезадиган, халқ, давлат манфаатларини ўзиникидан устун қўйишга қодир бўлган янги авлодни тарбиялаш учун хизмат қиласди. Иккинчидан, миллий ғоя ёш авлодни бугунги кунда "мафкуравий хавф"ларнинг олдини олиш ва айниқса, ҳиссиятга берилувчан, ишонувчан ёш авлодни ўзига хос равишдаги ҳимоясининг ҳам амалий-назарий манба сифатида намоён бўлади. Чунки мамлакатнинг келажак пойдеворлари, том маънодаги меъморлари ёшлардир. "Барчамизга маълумки, ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат аввало ўз фарзандлари қиёфасида, униб-ўсиб келаётган ёш авлод тимсолида шу халқقا хос хусусият ва фазилатларни намоён этадиган, унинг азалий орзу-интилишларини рўёбга чиқарадиган буюк кучни кўради"⁵⁵ – деганди Юртбошимиз.

Мамлакатдаги маънавий, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги янгиланишлар учун давлатнинг бош ислоҳотчи эканлиги муҳим. Миллий ғояни давлат ҳомийлигига ва назоратида, аввало, ижтимоий институтларда, шунингдек, мактаб таълими билан боғлиқ равишда тарғиб қилишга киришилди. Бунинг можияти ёш авлодни бугун, айниқса, глобаллашув ва ахборотлар хуружи ошаётган пайтда миллатпарвар сифатида тарбиялаш, ҳар қандай ғоя ва мафкураларга "онгсизларча"

⁵⁴ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: "Маънавият", 2008. – 96-б.

⁵⁵ Каримов И.А. Асосий мақсадимиз – юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришдир. – Т.: "Ўзбекистон", 2007. – 34-б.

ТАҚЛИДИЙ ЭРГАШИШ ДАРДИДАН ХАЛОС ҚИЛИШДАГИ АСОСИЙ РОЛНИ БАЖАРИШИ БИЛАН БЕЛГИЛАНАДИ.

Миллий гоя таргиготи технологиялари ёшларнинг мустақил фикрлашини, ижтимоий фаоллигини шакллантиришининг муҳим омили. Ёшларнинг ижтимоий фаоллигини шакллантириш ва йўналтириш учун биринчи навбатда уларда қўйидаги хусусиятларни шакллантириш керак:

1. Ахборотни қабул қилиш ва таҳлилий фикрлаш. Ҳар қандай жараёнда қатнашувчи шахс аналитик фикрлашга эга бўлиши керак. Воқеа-ҳодиса ҳақида етарлича маълумотга эга бўлиши, жараённинг боришини таҳлил қилиши ҳамда натижавий кўринишини аниқ тасаввур қила олиши керак. Бундан ташқари, таҳлилларга таянган тарзда маълумотлар ўртасидаги боғлиқликларни аниқлай олиши ҳамда дифференциялаши лозим.

2. Шахслараро муносабатларни ташкил қилиш мала-калари. Шахс учун энг муҳим ҳолатлардан бири коммуникативликдир. Чунки шахслараро муносабатда шахснинг киришимлиги, bemalol aloқa ўrnata olishi muҳim aҳamиятга эгадир.

3. Мотивация, ташаббус ва фаолиятни ташкил эта билиш. Ижтимоий жамоада шахс доимо ташаббус кўрсатиши ва бунга яраша интилишга эга бўлиши керак. Бунинг учун шахс етарли билимга эга бўлиши билан бирга ўз тактика ва стратегиясини ташкил эта олиши керак.

4. Нутқнинг ривожланганлиги. Шахсда ижтимоий алоқаларни яхши ташкил эта олиши учун нутқ ҳар томонлама ривожланган бўлиши керак. Айниқса, "оғзаки" ёки "галлашув", "ёзма" нутқни бойитиш устида тинимсиз ишлаш керак.

5. Мустақил фикрлаш. Жамиятда ўз ўрнига эга бўлиш учун шахсдан мустақил фикрлаш талаб этилади. Бундан ташқари мустақил фикрлаш қобилиятига эга шахслар доимо ижтимоий грухуда ўзига хос мавқега эга бўлишади.

6. Мустақил қарор қабул қилиш. Шахсдан ҳар қандай жараёнда биринчи навбатда мустақил фикр юритиш талаб этилади.

7. Масъулиятни ўз зиммасига олиш. Шахсда масъулиятни ўз зиммасига олиш шаклланган бўлиши керак. Ҳозирги пайтда шахснинг сиёсий фаоллигини бошқариш XXI асрдаги энг долзарб муаммолардан бири бўлиб, бу эса сиёсий жараёнларда инсон омилиниң ошиши билан изоҳланади. Инсонда лидерликка эришиш, муваффақиятга интилиш, ўз атрофидагиларга тан олдириш каби шахсий сифатлар сиёсий жараёнларнинг боришига ҳам ўз таъсирини кўрсатиши табиийdir.

Глобализациянинг салбий таъсиrlари давлатнинг миллий статусини хавф остига қўймоқда, қадриятлар ва анъанавий маданиятларни бузмоқда, ҳатто оила ҳётига, инсоннинг шахсий ҳётига ҳам кириб келмоқда.

Ёшларда ахборот хавфсизлигини таъминловчи омилларга қўйидагилар киради:

- таълим ва тарбиянинг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши;
- меҳнат бозорини кадрлар билан таъминлашдаги давлат сиёсати;
- давлат бошқарувида ёшлар иштирокининг кенг таъминланиши;
- ижтимоий-иктисодий ислоҳотларнинг мазмун-мөҳияти ёшлар муаммосини бартараф этишга қаратилганини киритиш мумкин.

Ёшларга тегишли муаммоларнинг босқичма-босқич ҳал этилиши, меҳнатни тақсимлаш, маҳсулот ишлаб чиқариш, меҳнат бозорини енгиллаштириш муаммоларнинг бирин-кетин бартараф этиш натижасида ёшларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллиги ошмоқда.

Глобаллашув шароитида ахборот хуружига қарши курашишда, уни бартараф этишда таълим-тарбия жараёнининг ўрни бекёёс бўлиб, асосий воситалардан бири сифатида намоён бўлади:

- ёшларнинг онги, тафаккури, дунёқараши шаклланаиди ҳамда шахси вояга етказилади;
- ёшларга Ватан туйғуси, меҳр-оқибат, тарихий хотира, маънавият ва маърифат сингдирилади;
- ёшларда хавф-хатарга қарши курашиш сезгилари ва қўнималари шакллантирилади.

Ёш авлоднинг тарбияси, уларнинг маънавий салоҳиятини янада ошириш бугун давлат сиёсати даражасига кўтарилиди. Замонавий билимлар билан бир қаторда мустақиллигимизни асрорчи, маънавий дастур вазифасини бажарувчи миллий гояни билиш, унинг таргифотида барчанинг масъуллигини таъминлаш даврнинг устувор мақсадларидан ҳисобланади. Ўзбекистон жамияти манфаатларини ўзида мужассам этган миллий гоянинг таъсир доирасини айнан ёшлар орасида оширишнинг асосий омилларидан бири Биринчи Президентимиз таъкидлаганларидек: "Гояга қарши фақат гоя, фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин"⁵⁶. Шунинг учун ҳам ёшлар мустақил фикрга эга бўлишлари муҳим. Шунда улар фикрни фикрдан, гояни гоядан фарқ қилишни англаб етадилар. Айрим носоғлом фикр, гоя орқасидан эргашмайдилар, унинг таъсирига тушмайдилар. Бунинг учун яна:

- 1) миллий-маданий меросларнинг фарқини, уни инсон ҳаётидаги аҳамиятини чуқур билиши керак;
- 2) тарихий меросни яхши билишлари, уни қадрлашлари муҳим;
- 3) она тилини ҳурмат қилишлари;
- 4) урф-одат, анъаналарни қадрлашлари;
- 5) ўзлигини англаши;
- 6) миллий қадрияtlарнинг ижтимоий, маънавий-аҳлоқий аҳамиятини тўғри баҳолашлари;

⁵⁶ Каримов И.А. Жамиятимиз мағкураси ҳалқни ҳалқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин. – Т: "Ўзбекистон", 1998. – 1-.

7) умумбашарий тамойилларга содик бўлишлари, илм-фан ютуқларини чуқур эгаллашларига хоҳиш-истаклари юқори бўлиши, шуни ўзларининг ҳётий амалига айлантиришлари ва амал қилишлари Ўзбекистоннинг мустақил тараққиётида устувор аҳамиятга эга.

Таянч тушунчалар: Ёшлар ва миллий ғоя тарғиботи технологиялари, мағкуравий таъсирлар, маънавий тарбия, миллий ғояни сингдириш технологияларида ёшларнинг ўзига хос хусусиятлари, Ёшларга миллий ғоя талаблари.

Мавзуни мустаҳкамлаш бўйича топшириқлар

1. Ёшларнинг маркибий тузилишини ва унинг ўзига хос хусусиятларини "Кластер" усулида таҳлил қилинг.
2. Ёшлар билан ишлашда миллий ғоя тарғиботидан фойдаланишининг хусусиятларини "SWOT-таҳлил" қилинг.
3. Ёшларнинг мустақил фикр ва дунёқарашини шакллантиришда инновацион технологияларнинг афзалликларини кўрсатинг.

9-МАВЗУ: МИЛЛИЙ ҒОЯНИНГ ИНСОН ОНГИ ВА ҚАЛБИГА СИНГИШИ: ЯНГИЧА УСЛУБЛАР ВА ЁНДАШУВЛАР

Режа:

- 1. Инсон – миллий ғоя тарғиботининг муҳим омили.*
- 2. Миллий ғояни инсон онгига ва қалбига сингдириш, дахлдорлик ҳисси.*
- 3. Инсон онги ва қалби учун курашда ахборот хавфсиз-лигини таъминлаш технологиялари.*

Инсон – миллий ғоя тарғиботининг муҳим омили.

Ҳозирги даврда инсон онги ва қалби учун кураш дунёда турли мағкуравий курашларнинг ўзига хос мақсадидир. Миллий ғоянинг тарғиботини амалга ошириш ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигига эришиш кўпгина омиллар билан узвий алоқадор бўлади. Лекин унда инсон омили муҳим, устувор аҳамият касб этади ва белгиловчи роль ўйнайди.

Инсон онги ва қалби учун курашда турли хил ғояларнинг мақсадлари ҳар хил эканлигини ҳисобга олиш лозим. Инсон онги ва қалби учун курашдан кўзланган мақсадни фарқлаш муҳим аҳамиятга эга. Миллий ғоя инсон онги ва қалбига унинг мақсадлари билан боғлиқ ғояларни, тушунча ва тамойилларни олиб кириш орқали уларни бунёдкор мақсадлар сари йўналтиришни асосий мақсад қилиб қўяди. Ёт ва зарарли ғоялар эса инсон онги ва қалби учун курашар экан, муайян геосиёсий мақсадларни кўзда тутади. Инсон онгини, тафаккурини бир томонлама ўзгартириш орқали унга маънавий жиҳатдан таъсир кўрсатишни, “онгни бошқаришни” кўзлайди. Уни маънавиятдан узоқлаштиришга ҳаракат қилади.

Бунда “Миллий ғоя” деганда “Миллий” сўзининг маъносини икки жиҳати, даражасини ҳисобга олиш керак. У муайян миллатни ва мамлакатни англатишни назарда тутиш миллий ғояни тўғри тушунишга асос

бўлади. Миллий ғоя чуқур тарихий, фалсафий негизга эга бўлиб, халқларнинг ўтмиши, бугуни ва келажакдаги мақсадларини ифодалайди. Аждодларни ва авлодларни бир-бири билан боғлаб туради. Бунда ҳар бир миллат ва халқнинг миллий-маданий мероси, унинг умуминсоний демократик моҳияти мужассамлашади.

Демак, миллий ғоя аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган, мамлакатда кўпчилик томондан эътироф этилган, ишонч ва эътиқодга айланган ғоя, тушунчалар, мақсадлар мажмуи сифатида қандай мазмун ва моҳият касб этиши инсоннинг: маънавий дунёси, ижтимоий қиёфаси, дунёқарashi, онг ва тафаккур шакли, ҳәтий мақсад ва майлари, орзу-интилишлари орқали ўзининг ифодасини топади. Мамлакатнинг миллий ғоясида мужассамлашади. Инсон эса муайян халқ, миллат, этник гуруҳ ёки қатламга мансуб бўлади.

“Миллий ғоя тарғиботи” эса аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган, ҳар бир инсон, халқ, миллат, ижтимоий гуруҳ, қатламнинг муштарак мақсад ва манфаатларини ўзида ифода этган тушунча, ғояларни янги авлод вакилларига тарғиб-ташвиқ этиш орқали уларни умумий мақсад йўлида бирлаштириш, сафарбар этишга хизмат қиласидиган инсон онги ва қалбдан чуқур жой олишни назарда тутади. Яъни инсонларнинг қалбан уйғонишига иймон-эътиқодининг бутун бўлишига, она Ватан учун ўзининг фаолиятни йўналтиришга ва буни энг олий садатдир деб ҳисоблашга тегишли шарт-шароит яратади.

“Миллий ғоя тарғиботи технологияси” эса ана шу мақсадга эришиш йўллари, усуллари, воситалари ва ундан фойдаланиш маҳорати, лаёқати ҳамда санъатидир.

Шунинг учун ҳам миллий ғоянинг тарғиботида инсоннинг “мен”ини ҳисобга олиш лозим. Инсоннинг “мени” қандай бўлса, шунга мос хатти-харакатлар, дунёқараш, мақсад ва майлар, юриш-туриш, ўзаро мулоқот орқали ўзига хос ўзаро таъсир мухити яратилади. Миллий ғоя тарғиботида шунчаки, иккинчи даражали қўрин-

ган ҳолатлар мавжуд эмас. Инсонга хос барча ҳолатлар, албатта, ўзаро таъсир кучига эга бўлади. Инсондаги бундай ҳолатлар турфа хил бўлиб, у фақат "яхши" ёки "ёмон" бўлиши мумкин эмас. Айрим инсонларда яхши фазилатлар устувор бўлади. Бу унинг маънавият даражаси, онги ва қалбига хос хусусиятлар билан боғлиқ. Бу унинг моҳиятини ташкил этади. Инсон эса маънавий мавжудот. Инсон маънавият даражасининг хилма-хиллиги миллий ғоянинг тарғиботида акс этади. Маънавияти юксак, ўртacha ёки қуий одамларнинг миллий гоя тарғиботидаги ўрни бир хил даражада бўлмаслиги табиий. Шунинг учун ҳам "юксак маънавиятли одамларни тарбиялаш" миллий гоя мақсадлари билан ўзаро муштараклиги ни доимо ҳисобга олиш, унга миллий гоя тарғиботидаги маънавий-маърифий ишлар самараси нуқтаи назаридан зътибор бериш долзарб ва амалий аҳамиятга эга. Бу бугунги глобал ҳаёт, мафкура соҳасидаги ахборот хуружларининг кучайиши, ахборот кўламининг кенгайиб, турли хил ёт ва заарли ғояларнинг тарқалишини техник имкониятлари, технологияларининг такомиллашиб бораётганлиги билан узвий боғлиқ.

Миллий гоя тарғиботида шахс, жамият ва давлат манфаатлари, умуммиллий ва умуминсоний даражада, ўйғун ҳолда ҳар бир инсон "мени" орқали амалий намоён бўлади. Инсоннинг миллий гоя билан боғлиқ гоя ва тушунчаларни қадрлаши, улар атрофида бирлашган бўлиши, ҳамкор, ҳамжиҳатлик орқали эл-юрт, Ватан ва инсонлар олдидаги ўзларининг бурч ва масъулиятларини англашларини тақозо этади. Бу Ўзбекистоннинг келажаги, истиқболи билан боғлиқ. Лекин инсоннинг ўзи учун қандай тушунча ва гоя (мақсад)ни байроқ қилиб олиши, унга ишониши, зътиқодли бўлиши мураккаб жараён бўлиб, силлиқ кўчмайди. Бу, қолаверса, инсонга унинг гўдаклик давридан бошлаб берилган таълим-тарбиясига, оила, ота-она, қариндош-уруглар, маҳалла, эл-юрт томонидан йўл қўйилган таълим-тарбия муҳи-

тига, сифатига, инсоннинг келажагига, аждодлардан ўтиб келаётган қадриятларга эга бўлгани, қандай ғоя ва тушунчаларга ишонишига, унга бўлган муносабатига боғлиқ. Инсонни қадрлаш, унинг ҳаёти билан боғлиқ ғоя ва тушунчаларни хурмат қилиш, инсоннинг ҳаёти, унинг дахлизилиги, эркинлиги, шаъни билан боғлиқ қадриятларни авлоддан авлодга етказиш, миллий ғоя билан боғлиқ мақсадларни асраб-авайлашга хизмат қилади. Инсон инсонни қадрлаши, миллий ғоя тарғиботида олий қадрият деб билиши тарғиботнинг самарасини белгилайди. Инсоннинг маънавий дунёсига кўп омиллар таъсир кўрсатади. Ҳаётда унинг ўзаро уйғун бўлиши жамият ривожланишининг мұхим қонуниятидир. Бу маънавий ва моддий ҳаёт соҳалари унга бўлган муносабат орқали кечади. Инсонлар эса ҳар хил бўлади. Уларнинг айримлари ҳаётларида моддий ҳаётни, айримлари эса маънавий омилларни кўпроқ қадрлайдилар. Айни пайтда шундай одамлар ҳам борки, ҳаётида ҳар иккала омилни уйғун кўрадилар. Бирини иккинчисидан устун кўрмайдилар. Унга бундай қарааш ёки ёндашув уларнинг маънавий олами, ҳаётний идеаллари орқали кечади. Бу инсоннинг ҳаётда миллий ғоя ва мақсадларини қандай англашга боғлиқ бўлади. Моддий ҳаётга устувор қараган одамнинг ҳаётний идеаллари билан маънавий қадриятларни устувор баҳолаган одамларнинг миллий ғоя тарғиботидаги ўрни, ёндашуви, муносабати бир-биридан фарқ қилади. Миллий ғоя тарғиботида “маънавий ва моддий ҳаётнинг уйғулигига”⁵⁷ амал қилиш мұхим методологик аҳамиятга эга. Бу ҳаёт фалсафаси, инсоннинг мохияти, миллий ғоянинг тарғиботини тўғри тушунишга ва ташкил этишга ёрдам беради. Маънавиятсиз келажакни тасаввур этиб бўлмайди.

Инсон маънавияти орқали миллий ғоянинг асосий тушунчалари, мақсадларини тўғри тушуниш ва амалий

⁵⁷ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008. – 65-6.

фаолиятда тўғри қўллаш маданияти ҳамда масъулиятни юксалиб боради. Инсон миллий гоя таргиготида ҳал қилувчи ўрин тутади. Инсоннинг ўрни: 1) миллий гоя мақсадини авлодларга етказишида; 2) миллий гоя тушунчаларини мазмун ва моҳиятини тўғри англашда; 3) миллий гоя таргиготи технологияларидан тўғри фойдаланишида; 4) ОАВ миллий гоя мақсадларига мос ташкил этишида; 5) миллий гоя халқнинг миллий-маънавий мероси ва қадриятларининг негизларини демократик принципларга мос тарғиб этишида; 6) умуминсоний демократик қадриятларни ижтимоий ҳаётга тўғри татбиқ этиш, ундан тўғри фойдаланиш ҳамда амал қилишда инсоннинг ҳаётий қарашлари, мақсадларининг характеристики муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бунинг учун унинг маънавий тарбияси тўғри бўлиши лозим.

Ҳар бир инсон миллий гоя таргиготига катта ижтимоий-маънавий масъулият билан қараш маданиятига эга бўлиши, унга дахлдорлик ҳиссини туюши лозим. Бу умуммиллий ва умуминсоний аҳамиятга эга бўлиб, инсоннинг жамиятдаги тегишли институтлардаги фаолияти орқали амалга ошади. У: 1) таълим-тарбия; 2) фан ва илмий муассасалар; 3) маданият ва маданий-маърифий муассасалар; 4) адабиёт ва санъат; 5) дин; 6) жисмоний тарбия ва спорт; 7) оила; 8) маҳалла; 9) меҳнат жамоалари; 10) сиёсий партиялар; 11) ОАВ ва бошқа соҳаларда фаолият юритаётган ҳар бир инсон миллий гоянинг таргиготига алоҳида эътибор бериши бевосита ёки билвосита унинг самарасига таъсир кўрсатади⁵⁸.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламили ўзгаришларнинг ҳал қилувчи омили ҳақида гапирганда, аввало, одамларимизнинг онгу тафаккурида рўй бергаётган туб ўзгаришлар, уларнинг ён-атрофдаги воқеаларга муносабати, дахлдорлик ҳисси, сиёсий фаоллиги

⁵⁸ Миллий истиклол гояси: асосий тушунча ва тамоиллар. – Т.: "Ўзбекистон", 2001. – 62-69-6.

ва фуқаролик позицияси тобора ўсиб бораётганилигини таъкидлаш лозим⁵⁹.

Инсоннинг маънавий дунёси юксак фазилатлар, миллий ғоянинг бош ғояси, ғоялари билан уйғун бўлиши зарур. Миллий ғоя тарғиботида инсоннинг: 1) сўзи билан иши мос бўлиши; 2) инсон ибрат бўлиши; 3) миллий ғоянинг умумдемократик ғоялари ва принципларига содиқ бўлиши; 4) қонун устуворлигига амал қилиши; 5) адолат тамойили ҳаётий мезонга айланиши; 6) инсонга бўлган ишонч ва эътиқод ҳаёт тарзи тамойили сифатида амал қилиниши миллий ғоя тарғиботи билан боғлиқ, инсон омили орқали мужассамланади.

Миллий ғоя тарғиботида инсонларнинг ўзаро бирбирига бўлган ишончи мустаҳкам бўлиши муҳим. Бу инсонни қадрлаш, инсонийлик, меҳр-оқибатли бўлиш, инсонни тўғри тушунишга ҳаракат қилиш, юксак ахлоқли бўлишини тақозо этади.

Ҳаётнинг маъноси, гўзаллиги ҳам инсон билан. Шунинг учун инсоннинг ўзи ҳар томонлама гўзал, имон-эътиқодли, эзгу мақсадли бўлиши лозим. Улар бир-бirlарига ўзаро меҳрли, оқибатли бўлса, бу атрофдагиларга юқори кайфият бағишлийди. Инсонларни янада юксак мэрраларга, мақсадларга, ташаббускорликка, ижтимоий фаолликка ундейди. Бу уларнинг амалий фаолияти натижалари билан мамлакат тараққиётига, эркин ва фаравон ҳаёт қуриш, озод ва обод Ватанда яшаш, адолатли, демократик-хуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш мақсадлари билан ошно қиласди.

Миллий ғоя тарғиботидан кўзланган мақсад ҳам инсонларга хизмат қилиш, улар учун зарур шарт-шароит ва янги имкониятлар яратади. Натижада инсон фаоллашу-

⁵⁹ Каримов И.А. "Асосий вазифамиз – жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат". Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23 йиллигига багишланган тадбирдаги маъруzasи. "Халқ сўзи" газетаси, 2015 йил, 6 декабрь.

ви ўзи мансуб бўлган Ватан учун, унинг келажаги учун ўзининг иқтидори, салоҳиятини сафарбар этади.

Миллий ғоянинг тарғиботи, фақат таълим орқали эмас, ундан ташқари, кундалик ҳаёт муносабатларида, инсонлар ўртасидаги ўзаро мулоқот, хизмат кўрсатиш соҳалари орқали жамоат жойларида ҳам амалга ошиб боради. Бу бевосита ва билвосита ўзаро мафкуравий тарғибот таъсир кучига эга.

Миллий ғоя тарғиботида инсон омили устувор аҳамиятга эга эканлигини яна қуидаги жиҳатлар орқали англаш мумкин:

1) Миллий ғоя тарғиботининг мақсади билан боғлиқ. Унда инсон энг олий қадриятдир. Тарғибот ҳам ана шу принципга мос бўлишни англатади.

2) Инсон онги ва тафаккурининг шакли қандай бўлса, миллий ғоя тарғиботида акс этади. Шунинг учун ҳам инсоннинг демократик онг ва тафаккурга эга бўлиши, илмийлик, колислик ва ҳақиқат тамоилиларини ҳисобга олиш муҳим.

3) Инсон муайян аждод ва авлодларга мансуб бўлади. Аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган илфор ғоялар ва мақсадлар ўзининг ҳаётийлиги билан инсон манфаатларига мос келади.

4) Инсоннинг ҳаётий мақсадлари, майлларининг мазмуни ва характеристи миллий ғоя мақсадлари билан узвий боғлиқ. Эзгу мақсад ва майларга ошно бўлиш жамиятнинг эркин ва фаровон бўлишига, эзгу амалларни инсонлар ўртасида кенг тарқалишига имконият яратади.

5) Инсон омили миллий ғоя тарғиботининг самардорлигига эришишда муҳим эканлигини англагади. Инсон ижтимоий ҳаётнинг қайси соҳасида фаолият юритмасин, миллий ғояга бўлган ишонч ва эътиқод асосида муносабатда бўлиши, миллий ғоя негизларига бўлган хурмат уларни бирлаштириб туради.

Миллий ғоя тарғиботида инсон омилига талаб ошиб бормоқда. Бу ҳар бир инсонда: 1) юксак маънавият; 2) юк-

сак мастьулият билан ёндашиш; 3) ғояларнинг хилма-хиллигини ҳисобга олиш; 4) ёт ва заарарли ғояларга миллий ғоя мақсадлари ва тамойилларига таянган ҳолда ғоя билан жавоб бериш; 5) жамиятдаги ғоявий-мафкуравий ўзгаришларни ҳисобга олиш; 6) миллий ғоя тарғиботида миллий ва умуминсоний манфаатларнинг уйғунлигига амал қилиш; 7) давр ва замон ўзгаришларини ҳисобга олиш; 8) тарғиботни анъанавий ва замонавий ҳолда ташкил этиш; 9) тарғиботда замонавий технологиялардан маҳорат билан фойдаланиш кўникма ва малакасига эга бўлишни тақозо этмоқда.

Бу узлуксиз ва давомий жараён эканлигини ҳисобга олиш зарур. Миллий ғоя ҳам шаклланади ва ривожланиб боради. Бу онг ва тафаккурдаги янгиланишлар, қадрияtlар ва унга муносабат билан боғлиқ ҳолда кечади. Янгиликларни қабул қилиш ва уни тарғиботда қўллаш тараққиётга хизмат қиласи, миллий ғояга ҳаётбахшилни таъминлади.

Бунинг учун инсон ҳаёт ўзгаришларидан орқада қолмаслиги, фаол, ижодкор онг ва тафаккурга эга бўлиши, бунёдкорлик ва тадбиркорлик сифатларига эга бўлиб боришни тақозо этади.

Холоса ўрнида айтиш мумкинки, ҳозирги глобал ўзгаришлар миллий ғоя тарғиботида инсон омилига алоҳида эътибор беришни талаб этмоқда.

Инсоннинг маънавий дунёси миллий ғоя тарғиботининг самарадорлигини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамият касб этиб бормоқда.

Миллий ғоянинг тарғиботи қандай шаклда олиб борилмасин, у инсон омили орқали намоён бўлади. Унинг энг замонавий технологиялари ҳам, ахборот коммуникация тизими ҳам, интернет тармоқлари ҳам нимани тарғиб қилиши, ахборотларни қандай етказилиши, унда нимани мўлжал қилиб олиш ҳам инсонларнинг маънавий дунёсига, ҳаётий мақсад ва мўлжалларига боғлиқ бўлади.

Миллий гояни инсон онги ва қалбига сингдириш, дахлдорлик ҳисси. Демократик жамиятда халқлар ўз миллий гоясига таянади. Бу мустақил тараққиёт йўлидан ривожланишининг муҳим шартидир. Шунинг учун ҳам фуқароларда миллий гояга дахлдорлик ҳиссини шакллантириш ва ривожланиши тараққиётнинг муҳим шарти ҳисобланади. Фуқароларнинг миллий гояга дахлдорлик ҳиссининг шаклланиши ва ривожланиши жамиятнинг гоявий-мафкуравий асослари, таълим-тарбия, қадриятлар тизимида, ҳар бир инсоннинг онг ва тафкур шакли, дунёқараси, ҳаётий мўлжалларига боғлиқ бўлади.

Инсоннинг улғайиши, ижтимоий ҳаётда ўзининг ўрнини топиши, муайян мавқега эга бўлиши, айни пайтда шахс, жамият ва давлат муносабатларида ҳам ўзаро ўрнатилган тартиблар, қабул қилинган қонунлар, маънавий-ахлоқий қадриятлар тизими, фуқарода масъулият-дахлдорлик ҳиссини уйғотади. Даҳлдорликни англаш юксак маънавият мезони сифатида намоён бўлиб, жамият олдида турган мақсад-гояларга бевосита боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А. Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маъруzasida "Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ўзгаришларнинг ҳал қилувчи омили ҳақида гапиргандা, аввало, одамларимизнинг онгу тафаккурида рўй берадиган туб ўзгаришлар, уларнинг ён-атрофдаги воқеаларга муносабати, дахлдорлик ҳисси, сиёсий фаоллиги ва фуқаролик позицияси тобора ўсиб бораётганини таъкидлаш лозим"⁶⁰ – деб унга алоҳида эътиборни қаратди.

Миллий гоя Ўзбекистон жамиятининг мафкураси, гоявий асоси сифатида унинг тушунчалари, принципла-

⁶⁰ Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маърузаси. "Халқ сўзи" газетаси, 2015 йил, 8 декабрь.

ри, инсонларда миллий ғоя мақсадларига дахлдорликни англашларида имконият яратади.

Бу дунёда эътироф этилган миллий ва умуминсоний демократик принциплар орқали аниқ ифодаланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасида: “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳукуқлари олий қадрият ҳисобланади”⁶¹, – деб белгилаб қўйилган.

Жамият ҳаётида “дахлдорлик”, “дахлдорлик ҳисси” тушунчалари ўзига хос мазмунга эга. “Дахлсизлик” тушунчаси эса “Инсон ҳаёти”нинг дахлсизлиги ёки унга дахл қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқлигини англатади. “Дахлдорлик ҳисси” эса фуқаронинг ҳаётига, ён-атрофида содир бўлган ёт воқеаларга, инсонлар ҳаётига, муаммоларига бефарқ бўлмаслик билан боғлиқ бўлган инсоний туйғудир.

Дахлдорлик ҳисси фуқароларнинг ўзаро муносабатининг ифодасидир. Маълумки, инсон ҳаёти давомида дахлдорлик ҳиссини қандай сезиши, ён-атрофидагиларга муносабати шаклланиб, ўзгариб, ривожланиб боради. Улғайиб, вояга етган сари ижтимоий макон ҳам унга ўзининг таъсирини кўрсатади. Даҳлдорликни ҳис этиш имкониятлари, унга таъсир кўрсатиш кучига эга бўлган ресурслар кўлами ошиб боради.

Дунёда жамиятнинг ғоявий-мафкуравий асосини ўзгариши билан дахлдорлик ҳисси, унинг мазмуни ва моҳияти ҳам ўзгаради. Бугун онгда миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойилларини ижтимоийлашиши, ўзига хос трансформациялашиши жараёни орқали кечмоқда. Мустақиллик ана шундай янги имкониятни яратди. Бугунги кунда яккахукмрон коммунистик ғоя билан боғлиқ мақсадлар, асосий тушунча ва тамойилларидан туб-

⁶¹Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2014.

дан фарқ қиласидиган миллий гоя мақсадларига мос ҳолда дахлдорликни ҳис этиш асослари қарор топмоқда. Янги ғоявий мақсадлар, тушунча ва тамойиллар одамларда дахлдорликни янгича идрок этиш, бир-бирларига янгича муносабатда бўлиш, инсонни қадрлаш ва унга энг олий қадрият сифатида қараш, дахлдорлик ҳиссининг мазмунини, моҳиятини белгилаб бермоқда.

Энди одамлар ён-атрофида бўлаётган воқеа-ҳодисаларга ва бир-бирларига нисбатан мавҳум "синфийлик" тамойили орқали эмас, реал ҳаётий инсоний тамойиллар, мустақиллик талаблари ва мақсадларига мос ҳолда воқеликни идрок этмоқдалар. Бу, инсонларнинг ҳаётий мақсадларига янгича ғоявий мазмун баҳш этади. Аждодлар меросини ҳурмат қилиш, тарихий хотира, маданий ёдгорликлар, миллий-маънавий мерос ва қадриятларни ўзининг маънавий борлиғидан ўтказган ҳолда ўзини ўзи асраб-авайлашга, авлодларга етказишда, уни янада бойитиб, ривожлантириб боришда фуқаролик масъулияти, дахлдорлик ҳиссининг моҳиятини янада оширмоқда. Даҳлдорлик ҳисси алоқадорлик, бурч, масъулият, инсон эркинлиги, хуқуқ ва манфаатлари устуворлиги билан узвий боғлиқ. Бу бир томондан инсоннинг дахлсиз хукуқларини, иккинчи томондан, инсонлараро муносабатда уларнинг бир-бирига нисбатан бефарқ бўлмасликини, ўзаро масъулияти эканини англалади.

Дахлдорлик ҳисси ўзликни англаш билан ҳам узвий боғлиқ. Чунки ўзликни англаш халқи, миллати, маданияти, она тилига, Ватанга бўлган мансублик ҳисси билан туташ ва муштаракдир. Ҳаётда одамларнинг дахлдорлик ҳиссини идрок этиши ҳар хил. Масалан: дахлдорлик ҳисси юқори, дахлдорлик ҳисси ўртача, дахлдорлик ҳисси паст одамлар учрайди. Бу уларнинг маънавий даражаси билан бевосита боғлиқ.

Бугун миллий ғояга дахлдорлик ҳисси қуий ёки паст бўлган айрим кишилар ва ёшлар учрайди. Бу ўзига хос бефарқлиқ, лоқайдлик билан боғлиқ қусурлардир. Бу ёт

ва заарли гояларни фарқламаслик, тафаккур ва ҳаётий позициясининг заифлиги ифодасидир. "Эгоцентризм", "эгоизм", "ватансизлик", "миссионерлик", "диний экстремизм ва терроризм", маънавий таҳдид, "оммавий маданият кўринишлари" айрим инсонларнинг онг ва тафаккурини эгаллашга, унга босим ўтиказиб уни монупуляция қилишга уринмоқда. Бу муайян геосиёсий мақсадлар йўлида фойдаланишни назарда тутади. Бугунги ахборот коммуникация тизими имкониятларидан бир томонлама носоғлом мақсадлар йўлида фойдаланишга бўлган уринишлар давом этаётганлигини англатади. Ҳаёт ўзгаришлари билан дахлдорлик ҳисси ўртасида узвий алоқадорлик мавжуд. Одамлар билан умумий руҳиятда бўлиш маънавий-руҳий яқинликни шакллантиради. Юксак маънавиятли одамда дахлдорликни ҳис этиш маданияти юқори бўлади.

Миллий ғояга дахлдорлик ҳисси юқори одам ёт ғояларнинг жозибасига учмайди. Уларга қарши гоя билан жавоб бериш, мустақил фикри юқори бўлади. Миллий ғояга дахлдорлик ҳисси: 1) фуқароликни ҳис этиш масъулияти ва маданияти билан; 2) ватанни англаш унга содиқлик ва ватанпарварлик билан; 3) миллий ўзликни англаш миллий маънавий мерос ва умуминсоний демократик қадриятларга содиқлик туйғулари билан; 4) қонунни хурмат қилиш; қонун устуворлиги; адолат тамойилларига таяниш; 5) инсонни эъзозлаш, унга энг олий қадрият сифатида муносабатда бўлиш маданияти ҳам дахлдорлик ҳисси ва маданиятини оширади. Бу миллий ғоя негизлари уйғуналигида аниқ намоён бўлади.

Бу инсоннинг ўзлигини англаш олишга ундайди. Миллий ва умуминсоний маънавиятга дахлдорлик ҳисси қўйидагиларда ўз аксини топади:

- 1) миллий маънавий меросни билиш;
- 2) миллий маънавий меросни қадрлаш;
- 3) миллий маънавий меросни асрраб-авайлаш;
- 4) миллий маънавий меросни янгилаш;

5) миллий маънавий меросни бойитиб боришга ўзини масъул, дахлдор деб билиш;

6) умуминсоний қадриятларни хурмат қилиш, унга таяниш маданиятидир.

Миллий ғояга дахлдорлик ҳисси ва фуқароларнинг ҳаётий позициясига эга бўлиши узвий алоқадор ва бир-бирини тақозо этади. Бу ички ва ташқи омиллар билан белгиланади. Ички омиллар – мамлакат ичкарисидаги ижтимоий-маънавий муҳит, фуқароларнинг маънавий салоҳияти, маънавий даражаси, таълим-тарбия, фуқаролик жамиятининг ривожланиши, мамлакатни модернизациялаш демократик ислоҳотларнинг моҳияти билан боғлиқ бўлса, ташқи омиллар – глобаллашув, турли хил ғоявий-мафқуравий курашлар, маънавий таҳдидлар, тинчлик ва осойишталик учун кураш, хавф-сизликни таъминлаш шарт-шароити, омиллари билан алоқадор. Фуқароларда миллий ғояга дахлдорлик ҳисси қанча ошиб борса, мамлакатни ички ва ташқи хавф-хатарлардан ҳимоя қилиш имконияти шунча юқори бўлиб боради. Миллий ғояга дахлдорлик ҳисси юқори бўлган инсон турли хил зарарли ғояларнинг таъсирига тушмайди, тақлид қилмайди, ғоявий-маънавий иммунитети юқори бўлади.

Миллий ғояга дахлдорлик ҳисси – социал-ғоявий тушунчагина эмас, ижтимоий, сиёсий, маънавий, ҳуқуқий асосга ва мазмунга эга тушунчадир. Бу турли миллатга, ёшга мансуб бўлган кишиларнинг мамлакатда ўзи яшайдиган Ватан, уни идрок этишда фуқароликни англаши, унга ўзини мансуб деб билиши, ўзлигини Ватан тупроғи, давлат рамзларини, шу Ватанда яшаган аждодларининг яратган ахлоқий-маънавий меросини ва қадриятларини, урф-одат ва анъаналарини асрраб-авайлашга, уни янада бойитишга, ривожлантиришга дахлдорликни ҳис этиши орқали унга кўмак бўладиган амалий ишларни бажарishi, масъулияти уларни кундалик реал ишларда алоҳида дахлдорликка ундейди. Улар ўзаро ҳамкор ва ҳамжиҳат-

лик билан Ватан учун ишлашини дахлдорлик бурчи эканлигини амалий ишлари билан янада мустаҳкамлайди. Миллий ғояга дахлдорлик ҳисси аждодлардан ўтиб келаётган миллий-маънавий мерослар билан бирга умуминсониятнинг демократик қадриятларига, принципларига нисбатан муносабатида намоён бўлади. Инсон ҳаётида фақат ўз қобигида яшай олмайди. Бу унинг дунёдан ажралиб қолмаслигига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам дунё халқлари ҳаёти, фан ва таълим соҳасида эришаётган ютуқларини ўз ҳаётига олиб киришга ҳракат қилиши тараққиёт учун муҳим. Бу инсонларнинг таълим-тарбия, илм-фан ютуқларига нисбатан дахлдорлик ҳиссини шакллантиради ва тарбиялайди. Бу дахлдорликни англаш, уни фан ютуқларини билишга, ўрганишга ва татбиқ этишга ундейди. Натижада янги-янги технологияларни яратишга, ижтимоий ҳаёт соҳаларига татбиқ этишга чорлайди. Инсоннинг маънавияти юксалиб боради. Бу уларни мамлакат халқи ва миллатнинг истиқболи йўлида, уларнинг ҳаётини яхшилаш, эркин ва фаровон бўлиб боришига, озод ва обод ватан туйғулари билан боғлайди. Буни ҳар бир киши ўзига хос руҳий-маънавий куч-қудрат, илҳом, фаоллик каби инсоний интилиши билан боғлиқ ҳаракатларни юзага чиқаради. Ватан учун ишлаш, яшаш, уни севиш ҳаётий амалий шиорига айланади. Бу турли миллат ва халқларни янада бирлаштиради. Уларни ягона Ватан йўлида фидокорона меҳнат қилишга чорлайди.

Миллий ғояга дахлдорлик ҳисси Ватанга нисбатан алоҳида маъно ва мазмунга эга. Ватаннинг яхлитлигини ҳис этиш, Ватан тупроғи ва уни асраб-авайлаш, уни ҳар қандай кўринишдаги ёт ғоя ва мақсадлардан халос қилишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Даҳлдорлик ҳисси инсоннинг онг ва тафаккурини янгилашга, Ватан тараққиёти йўлида мустақиллик тафаккурига эга бўлиш, янгиликларни қабул қилиш, янги-янги ихтиrolар қилишга ўзини ундаш, ҳар бир киши ҳаётининг мазму-

нига, мақсадига ва ҳаётий майлига айланган бўлиши тараққиётнинг талабидир. “Ўз уйингни ўзинг асра!” деган шиор юртимизда яшаётган ҳар қайси инсонда ҳамон учраб турадиган лоқайдлик ва бепарволик кайфијатларидан халос бўлишни, энг муҳими, ён атрофимизда бўлаётган воқеаларга дахлдорлик ҳисси билан яшашни бугунги кунда энг долзарб масала сифатида олдимизга қўймоқда⁶². Бу Ватан тараққиёти йўлида тинчликни асраб-авайлашни, қадрлашни ва қадрига етишни, тинчлик учун курашга дахлдорлик ҳисси доирасида намоён этади. Мамлакатнинг тараққиётига хизмат қилади. Даҳлдорлик ҳисси инсонларни эзгу мақсадлар, ғоялар билан яшашга ундейди. Шунинг учун дахлдорлик ҳиссини айрим тор доирадаги манфаатлар тизими нуқтаи назаридан эмас, балки миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги, умуминсоний демократик қадриятлар нуқтаи назаридан кенг англаш маданияти инсониятга, келажакка хизмат қилади. Бу турли ҳалқлар, миллатлар, динлар ўртасида ҳам ўзаро бағрикенгликни, тотувлик ва ҳамжихатликни таъминлашнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Миллий ғоянинг асосий тушунчалари инсон тафаккурининг маҳсули. У шундай моҳиятга эгаки, унда турли миллатлар, ҳалқларнинг аждод ва авлодларининг ҳаётий мақсадлари, орзу-интилишлари, ўзига хос онг ва тафаккур модели ўз ифодасини топган. Бу уларнинг Ватанга, аждод ва авлодлар меросига, тарихига, миллий ва маънавий қадриятларига, шунингдек, инсоният томонидан эътироф этиб келинган ва келинаётган демократиянинг умуминсоний принципларига содиклик, ишонч ва эътиқод, унга нисбатан эзгу ниятли ҳар бир инсоннинг даҳлдорлик ҳиссини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиб келмоқда.

⁶² Узбекистон Республикаси Президентининг “Тинчлик ва осойишталик барча ютуқларимиз асоси” мавзусида сўзлаган нутқи. “Ҳалқ сўзи” газетаси, 2016 йил 9 май, 90-сон.

Миллий ғоя тушунчалари ҳар бир инсоннинг халқ ва миллатнинг ҳёти, келажагига дахлдорлиги билан уларни бирлаштириб турадиган муштарак мақсадларни ифодалайди.

Миллий ғояни билиш, англаш унинг тарғибот-ташвиқоти орқали фуқароларда ишонч ва эътиқод янада мустаҳкамланади. Улар дахлдорлик ҳисси, Ватанга, аждодлар меросига, қадриятларига, давлат рамзларига, ўзлигига, маданиятига, тилига дахлдорликни ҳис этиши, қадриятлар тизимини борлиғи орқали идрок этиши муҳим аҳамиятга эга. Ундан ташқарида ўзини ҳис этмайди. Бу ватанпарварлик туйғуларини янада оширади!

Миллий ғоянинг бош ғоясини, асосий тушунча ва тамоилларини англаш ҳамда уни ижтимоий онг даражасида уйғунлашиши, ишонч ва эътиқодга айланиши, уларда Ватанга дахлдорлик ҳиссини янада оширади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, биринчидан, миллий ғояга дахлдорликни англаш, тараққиётнинг муҳим шарти бу миллий ғоя мақсадларига, асосий тушунча ва тамоилларига ишонч ва эътиқод билан боғлиқ; иккинчидан, миллий ғояга дахлдорлик, унинг негизларига миллий маънавий мерос, қадриятларга, умуминсоний демократик принципларга амал қилишни, унга масъулликни англатади; учинчидан, миллий ғояга дахлдорлик, жамият мағкурасига, Ўзбекистонда яшаётган турли халқлар, миллатларнинг, аждод ва авлодларнинг ҳётий орзу-интилишларига, мақсад ва майлларига бўлган ҳурмат, уни асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш ва янгилашиб, бойитиб боришдир; тўртинчидан, миллий ғояга дахлдорлик Ўзбекистоннинг истиқболи ва келажаги тўғрисида қайғуриш, ижтимоий ҳёт ривожида янги-янги ютуқларига эришиш, мамлакатни модернизациялаш, янада демократлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантиришдир; бешинчидан, миллий ғояга дахлдорликни ҳис этиш, уни ўзининг ғояси, халқи, миллатнинг, жамиятнинг ғоя-мақсадлари сифатида идрок

этишга ундейди. Бу халқни халқ, миллатни миллат қи-лишга хизмат қиласы.

Инсон онги ва қалби учун курашда ахборот хавф-сизлигини таъминлаш технологиялари. Ўзбекистонда ёш авлодни янгича фикрлашга ва тафаккурини ривожлантиришга, сиёсий фаоллигини йўналтиришга, уларни мустақиллик ғояларига содик қилиб тарбиялаш вазифалари босқичма-босқич равишда амалга оширилмоқда. Глобаллашув жараёнида сиёсий таъсир кўрсатишнинг, ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг долзарблигини кўрсатади. Тарғибот технологиялари ахборотни узатиш имкониятларини оширади. Ахборотнинг ҳажми ва кўла-ми ортади. Ёшларни дунёда содир бўладиган турли хил воқеа ва ҳодисалардан, янгилик ҳамда технологиялардан хабардор қиласы. Айни пайтда уларни “мураккаб ахборот оламига” олиб кириб, уларнинг онгига, мақсад ва майлларига таъсир кўрсатади. Ёшларнинг ахборотни қа-бул қилиш даражаси ва тажрибаси етарли бўлмаганилиги учун ҳам ундан тўғри хулосалар чиқариши осон эмас. Ахборотларнинг ёшлар онгига салбий таъсир кўрсатиши кўпроқ “тақлидчан ёшлар”да кузатилади. Бу уларда салбий хатти-ҳаракатларнинг шаклланишига олиб келиши мумкин. Ёшларнинг “заарали ғоялар” таъсирида руҳи-яти ўзгариб, ахборотларнинг таъсири ортади. Ахборот хавфсизлик муаммоси пайдо бўлади.

Хавфни сезиш ва унга қарши курашиш тузилмала-ри шахснинг ўзини-ўзи англаш жараёнида шаклланади. Ёшларда шахсий фикр, мулоҳаза, дунёқараш таркиб топганидан кейингина таҳлилий ва танқидий фикрлаш пайдо бўлади.

Ёшлар ўзининг сиёсий концепциясини мустақил равишида тўғри шакллантиришда, сиёсий жараёнларни аниқ қамрай олишида ва таҳлил қила олишида моҳиятни тушуниши мухим.

Ҳозирги вақтда хавфсизликни таъминлаш техноло-гик ва технократик услубиёт асосида ташкил этиш давр

талабидир. Ёшларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш вазифаси, ўз навбатида жараённи тизимлашни, натижани аввалдан кафолатлашни, жараёнга исталган пайтда тузатишлар киритиш имконияти бўлишини тақозо этади.

Ёшларнинг ахборот иммунитетини шакллантириш жараёни замонавий технологиялар асосида тизимлаштириш, ўз навбатида бир қанча ишларни ихчамлаштириш, умумлаштириш ва мувофиқлаштириш каби куйида келтирилган ташкилий ишларни бажаришни талаб қилади:

- мавжуд сиёсий жараёнларнинг моҳиятини англаш, ундан мағкуравий иммунитетни шакллантиришда фойдаланиш;
- иммунитетни шакллантиришга хизмат қилувчи маълумотларни қидириш, йиғиш ва қайта ишлаш;
- ахборот иммунитетини шакллантиришга тегишли маълумотлар базасини шакллантириш;
- муаммоларни сезиш, аниқлаш;
- иммунитетнинг ривожланиш тамойилларини англаш, қабул қилиш;
- ташқи ва ички вазиятни стратегик кўп факторли анализ қилиш;
- ахборот, молиявий, ташкилий-техник ресурсларнинг чегараланишини аниқлаш, ресурсларни бойитиш ишларини амалга ошириш;
- халқаро майдондаги воқеаларнинг ривожланишини кузатиш, таҳлил ва сиёсий башорат қилиш;
- геополитик манфаатга эришишнинг стратегия ва тактикасини шакллантириш, ташқаридан кириб келаётган хавф-хатарларни тавсифлаш, уларни бетарафлаш ҳамда соғломлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, амалга ошириш;
- ахборот муҳитини шакллантиришнинг технологияларини, методлари ва усулларини ишлаб чиқиш, амалиётга татбиқ этиш;

- иммунитетни таъминлаш ишларини амалга оширишнинг муқобил ечимларини ишлаб чиқиш;
- у ёки бу муқобил ечимларни татбиқ этишда юзага келадиган ҳолатлар ҳамда вазиятларни башорат қилиш;
- амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлик мезонларини ишлаб чиқиш, бажарилаётган ҳар бир ишни баҳолаш;
- давлатнинг ташқи хавфларга қарши курашиш қобилиятини ошириш, ахборот таҳдидлари ва хавф-хатарларига қарши курашувчанлигини таъминлаш;
- мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг энг мақбул кўринишларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- ёшлар онги ва тафаккурида қарор қабул қилишга кўрсатиладиган таъсири таҳлил қилиш;
- ёшларнинг ўзи қабул қилган қарорларини ўзи ўзгартириш кўникмаларини шакллантириш;
- ёшларнинг ўзини-ўзи назорат ва таҳлил қилишларини шакллантириш.

Шунингдек, ёшларга таъсири кўрсатувчи сиёсий, ижтимоий-иктисодий, психологик омилларни тўлиқ ишлаб чиқиш ҳам зарур. Бу эса юзага келадиган хавфларни вақтида бартараф этиш имконини бериши мумкин. Бу ахборот хуружларининг олдини олишга хизмат қиласди.

Ҳозирги даврда инсон онги ва қалбини эгаллаш учун кураш бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Шунинг учун ёт мафкуравий таъсиirlарга қарши курашда узилишларга йўл кўйиб бўлмайди. Бундай шароитда бегона мафкурларнинг қўпорувчи таъсирига қарши доимий ва узлуксиз тарғиботни ташкил этиш муҳим саналади.

Миллий ғоянинг тамойилларини инсон онги ва қалбига сингдиришнинг барча босқичлари учун умумий бўлиб, турли шакл ва воситалардан фойдаланганда уларнинг ёши, касби, маълумоти каби хусусиятлари ҳисобга олинади. Тарғибот олиб боришда санаб ўтилган тамойилларнинг ҳар бир жой хусусиятларига мослигини таъ-

минлаш тарғибот самарадорлигини таъминлайдиган энг муҳим омилдир.

Инсоният эволюциясидаги ғоянинг ўрни ва аҳамияти доимий равишда жамиятнинг интеллектуал салоҳиятли аъзоларининг дикқат-эътиборида бўлган. Буни дунё тараққиётiga улкан таъсир кўрсатган назарий таълимот ва мафкуралар асосчиси бўлган, тарихнинг турли даврларида яшаган Суқрот, Конфуций, Алишер Навоий, Махатма Ганди каби мутафаккирлар асарларидағи илмий фикрлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Тарғиб қилинаётган ғояларнинг инсон онгидаги ахборот, маълумот тарзида ўрнашиши кифоя қилмайди, улар инсоннинг юрак-юрагига етиб борганидагина инсон қалбига чуқур ўрнашади. Бунинг учун эса тарғиботчининг миллий ғояга чуқур ишончи ва қатъиятини ҳис қилиши керак. Лекин тарғиботда ғояларга эътиборни тортиш билан ҳам қаноатланиш етарли эмас. Чунки эътиборни жалб қилиш тарғиботнинг биринчи босқичи, холос. Миллий ғоя тарғиботида ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар ва ютуқларга таяниш, уни ғоявий ва маънавий ҳаёт билан мослигига эришиш, демократиянинг умуминсоний принципларига қатъий амал қилиш, ёт ва заарали ғоялар билан бунёдкор ғояларни бир-биридан фарқлаш маданиятининг юксалиб бориши айрим ёшларнинг онги ва қалбини заарали ғояларнинг таъсиридан ҳимоялашга хизмат қиласди.

Таянч тушунчалар: Инсон онги ва қалби учун кураш, миллий ғоя – инсон ўзлигини англаш омили, маънавий-мафкуравий иммунитет, инсон – миллий ғоя тарғиботининг муҳим омили, дахлдорлик ҳисси.

Такрорлаш учун топшириқлар

1. Инсон миллий ғоя тарғиботининг муҳим омили эканлигини қиёсий таҳлил этинг ва асосланг.

2. Инсон онги ва қалбини ёт ва заарали ғоялар таъсиридан ҳимоялашда миллий ғоянинг муҳим омил эканлигини "SWOT-таҳлил" қилинг.

3. Инсонда миллий гояга дахлдорлик ҳиссенинг ошиб боришини Ўзбекистон келажаги ва мустақиллигини мустаҳкамлаш билан боғлиқ шарт-шароитларни асосланг.

ХУЛОСА

Миллий ғоя тарғиботи технологияларини ўрганиш ҳозирги даврда илмий-назарий, амалий аҳамиятга эга. Унинг илмий-назарий жиҳати миллий ғояни ва тарғиботини амалга оширишнинг илмий усул, мазмун-моҳиятини, миллий ғоянинг шаклланиши ва ривожланиши қонуниятларини, босқичларини, ўзига хос хусусиятларини тегишли талабларга таянган ҳолда ўрганиш имкониятини беради. Амалий жиҳатдан эса миллий ғоя тарғиботи технологияларининг таълим жараёнига татбиқ этиш, ёшларни унинг усуллари, технологиялари билан боғлиқ қўнишка ва малакаларини шакллантириш ҳамда кенг жамаотчилик орасида тегишли мавзуларда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга эришиш ижтимоий ҳаёт талабларига мос дунёқараш, онг-тафаккур, ғоявий-мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлашга хизмат қиласди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач қўлга киритилган ютуқларни дунё ҳамжамияти тан олмоқда. Бунинг амалий исботини "Яқинда Швейцарияда Жаҳон иқтисодий форуми – «World Economic Forum» иқтисодиёти энг тез ривожланаётган мамлакатлар рейтингини зълон қилди. Жаҳон банкининг «Глобал иқтисодий тараққиёт» (10) прогнози асосида тайёрланган мазкур маълумотда 2014 йилдан 2017 йилгacha бўлган даврда йиллик ўсиш даражаси энг юқори бўлган давлатлар орасида Ўзбекистон 5-уринда қайд этилгани, албатта, кўп нарсадан далолат беради”⁶³. Бундай натижаларга эришишни жамиятимиз миллий ғояси ва унинг тарғиботи самарадорлигига эришишнинг ўзига хос натижаси сифатида баҳолаш мумкин.

⁶³ Каримов И.А. Она юртимиз баҳту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т.: "Ўзбекистон", 2015. – 10-11-б.

Ҳозирги глобаллашув даврида ёшларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш энг долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Бу миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини янада оширишни тақозо этади. Маълумки, "иммунитет" сўзи лотинча "immunillare" сўзидан олинган бўлиб, "бирор нарсадан халос бўлиш, қутулиш" деган маънони билдиради. Инсон бутун ҳаёти давомида ташқи таъсирга жавобан акс-садолар сифатида орттирган билимлар ва малакалари асосида ўзида иммунитет тизимини шакллантиради⁶⁴. Ташқи ғоявий таъсирларга жавоб бериш куввати хавфсизликни таъминлаш, турли хил ғоявий таъсирларга жавоб бериш қобилияти «мафкуравий иммунитет» даражасига боғлиқ. Яъни уларнинг фикрни фикрдан фарқлаш, ёт ва зарарли ғояларга нисбатан ўзининг аниқ мақсади, ғояси билан уни эътироф этмаслик, унга нисбатан ғоявий жиҳатдан жавоб бера олиш салоҳиятини англаатади.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрда қабул қилинган "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонунининг 5-моддасида "Ёшларни ватанпарварлик, фуқаролик туйғуси, бағрикенглик, қонунларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган, ҳаётга бўлган қатъий ишонч ва қарашларга эга қилиб тарбиялаш"⁶⁵ лозимлиги алоҳида таъкидланганлигини қайд этиш лозим.

Ёшларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, уларнинг:

- 1) дунёқарашини;
- 2) миллий ғоя негизларига ҳурмати, ишонч ва эътиқоди;
- 3) дунёвий ва диний билимлардан хабардорлик даражасига бевосита боғлиқ. Бу дунёда мафкуравий ку-

⁶⁴ Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Т.: Ғафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2010. – 292-б.

⁶⁵ Lex.uz.

рашларнинг тўхтамаётганлиги ҳамда унинг марказида ёшларнинг турганлиги, соғлом фикрлайдиган, эзгулик ва тинчлик тарафдори бўлган кучларни, илмий жамоатчиликни ўйлашга, амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишига унданмоқда.

Бу қўйидаги омиллар:

- 1) ёшларнинг аҳоли таркибидаги улуши билан;
- 2) ёшларнинг дунёқараси, онг-тафаккурдаги ўзгарувчан хусусиятлари билан;
- 3) ёшларни мураккаб ижтимоий тузилишга эга эканлиги билан;
- 4) ёшларнинг қизиқиши, мақсад ва манфаатлари нинг хилма-хиллиги билан;
- 5) ёшларни ижтимоий груп сифатида, уларнинг ғоявий-мафкуравий мўлжалларини, ҳаётий фуқаролик позициясини шаклланишига таъсир кўрсатадиган ахборот маконидаги ўзгаришлар кўламини ортиб бораётганлиги билан узвий боғлиқ.

Муаммога тарихан ёндашганда, турли даврларда ёшларга ғоявий таъсир кўрсатиш орқали уларнинг онгини ёт ва заарли ғояларнинг таъсирида ўз манфаатлари томон ўзгартиришга, улардан фойдаланган ҳолда мамлакатда тартибсизликларни келтириб чиқаришга бўлган уринишлар давом этмоқда. Айрим ёшлар бундай мафкуравий курашларнинг таъсирига тушиб қолмоқда. Булар ҳозирги ёшларнинг қайси тоифаси эканлигини ва нима учун улар ёт ғояларнинг таъсирида қолганлиги сабабларини қўйидагича таҳлил этиш мумкин. Улар, биринчидан, ўзининг мустақил фикрига, қарашига эга бўлмаган, миллий ғояга ишонч ва эътиқоди суст бўлган ёшлардир. Бундай ёшлар ғоя билан ғоянинг фарқига боролмайди. Сохта, ёлғон ғояларга ишонади, эргашади. Иккинчидан, ҳаётда яшашдан мақсадни, “қаерда яшаш яхши” бўлса, шу ерни “Ватан” деб ҳисоблайдиган айрим ёшлардир. Бу ҳам амалда “космополитизм” ғояси, “ватансизлик” мафкурасини ёшлар онгига сингдириш орқали

уларни она-Ватанга бўлган меҳр-муҳаббати, садоқатини заифлаштиришни мақсад қилиб, уларнинг мафкуравий иммунитетларини заифлаштиришга уринадилар. Уларда туғилиб ўсган ватанларига, ижтимоий ҳаёт соҳаларида эришаётган ютуқларни бир томонлама баҳолаш, муваффақиятларни холисона кўрмаслик кайфиятини шакллантиришга ҳаракат қиласидилар. Учинчидан, ёшларнинг миллий-маънавий мерос ва умуминсоний қадриятларга муносабатини ўзгартиришга бўладиган айрим ҳолатлар уларнинг мафкуравий иммунитетини заифлаштириб, шу орқали демократиянинг “яккаю ягона” моделини тарғиб этиш ва унга мойил айрим ёшларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ мафкуравий мақсадларни кўзламоқдалар.

Ёшлар унинг фарқига боришлари учун ҳам ўз фикрига, ғоясига эга бўлишлари “фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан”⁶⁶ жавоб бера оладиган юксак маънавиятга эга бўлишлари муҳим. Зеро, юксак маънавиятли ёшлар мафкурасига ҳеч ким дахл қила олмайди.

Бунинг учун ёшлар илм-фан сирларини қунт билан згаллашлари муҳим. Илм ўрганмоқлик тўғрисидаги муборак ҳадисларга амал қилиш уларни маърифат сари етаклайди, айрим ёт ва зарарли, бузғунчи ғояларнинг таъсиридан ҳимоя қиласиди.

Ёшларнинг мафкуравий иммунитети қандай бўлиши, аввало, уларнинг ўзларига ва таълимда инновацион технологияларни жорий этиш, таълимнинг сифатини янада оширишга боғлиқ. Бу таълим берувчи ва таълим олувчининг таълимга бўлган муносабатига боғлиқ бўлиб қолади. Бунга барча фанлар таълим соҳалари бўйича ёшларнинг таълимга нисбатан янгича, замонавий дунёқарашни шакллантириши зарур. Буни Ўзбекистон ёшлари ҳаётнинг турли жабҳаларида эришган ютуқлари билан Ватанга бўлган садоқатлари орқали дунё ёшлари-

⁶⁶ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т: “Ўзбекистон”, 2008.

ни лол қолдирмоқда, ибрат намуналарини кўрсатмоқда. Бу ёт ва заарли ғояларнинг таъсирига тушиб қолган айрим ёшларни ўз мақсадларини тўғри белгилаб олишлари, хатоларини тушуниб, тўғри хулоса чиқаришларига даъват этади.

Мустақиллик Ўзбекистон ёшлари ҳаётида буюк истиқболларни очди. Бу борада юртимизда салмоқли ишлар амалга оширилди. Биринчи Президентимиз И.А.Каримов: “Маълумки, аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш, ҳаётдан рози бўлиб яшашига эришиш бугунги замонавий давлатчилик тараққиётидаги муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Яқинда айни шу кўрсаткичлар бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўмагида АҚШнинг Колумбия университети социологлари томонидан ижтимоий сўров ва тадқиқотлар ўтказилиб, шу асосда «Бутунжаҳон баҳт индекси»нинг («World Happiness Index») янги рейтинги зълон қилинди. Диққатга сазовор жиҳати шундаки, ушбу рўйхатда Ўзбекистон 158 мамлакат орасида 44-поғонада, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар орасида эса биринчи ўринда қайд этилди. Айтиш жоизки, бундан икки йил аввал мазкур рўйхатда мамлакатимиз 60-ўринни банд этган эди”⁶⁷. Дарҳақиқат мамлакатимизда ёшларни ҳаётда ўз ўринларига, ижтимоий мавқега эга бўлишлари учун етарли шарт-шароит яратилди. Иккинчидан, ёшлар мамлакатнинг мустақил демократик тараққиёт йўлидан ривожланишида муҳим стратегик кучdir. Унга қарши қаратилган ҳар хил мафкуравий тазийиқларга жавоб бера олишлари учун ҳам кучли билим ва тафаккурга эга бўлишлари лозим. “Тафаккурдаги ва билимдаги заифлик” (А.Н. Форобий) эса ёт ва заарли ғояларнинг таъсирини ўтказиш учун ўзига хос “дарча”дир. Учинчидан, ёшларнинг ОАВдан, ахборот коммуникация тизими, интернет орқали турли хил “ижтимоий тармоқлар”дан фойдаланишда ижтимоий

⁶⁷ Каримов И.А. Она юртимиз баҳту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т.:“Ўзбекистон”, 2015. – 11-12-б.

масъулиятни ва маданиятни янада оширишга қаратилган маънавий-маърифий ишларга кенг жамоатчилик-нинг эътиборини янада кучайтириш мақсадга мувофиқдир. Тўртинчидан, ёшларнинг мафкуравий иммунитетини янада мустаҳкамлаш мақсадида уларнинг миллий ғояга дахлдорлик ҳиссини янада ошириш мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашга хизмат қиласди.

Бу ишларни амалга оширишда миллий ғоя тарғиботи технологиялари фанининг ўқитилиши ва унинг асосий мавзуларини ёритишда тегишли манбалардан оқилона фойдаланган ҳолда миллий ғоя тарғиботида кутилган самарага эришиш мумкин бўлади. Миллий гоя тарғибот технологияларини нафақат таълим жараёнида, балки таълимдан кейинги босқичларда ҳам татбиқ этиб жамоатчилик орасида маънавий-маърифий ишларни олиб бориш, ҳозирги замоннинг долзарб саволларига жавоб бериш зарур. Бунинг учун таълимнинг инновацион технологияларидан кенг фойдаланиш ва миллий ғоя тарғиботига тадрижий, узлуксиз равишда эътибор бериш мамлакатимизнинг мустақил тараққиёт йўлидан изчил ривожланишини таъминлашга хизмат қиласди.

ГЛОССАРИЙ

Ахборот (араб. "ахбор" – "хабарлар, маълумотлар") – майян воқеа-ҳодисалар тўғрисидаги хабар ёки маълумот, уларни тушунтириш, тушуниш ва идрок этишда қадим замонлардан буён кўлланиб келинаётган, кибернетика ва информатиканинг тараққиёти туфайли кейинги вақтда янги, кенг маъно касб этаётган тушунча.

Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги – ҳар бир шахснинг ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга ҳақли эканини ифода этади.

Ахборотлашган жамият – ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, энг аввало, ахборотни ишлаб чиқариш, унга ишлов бериш, сақлаш ва жамият аъзоларига етказишга боғлиқ эканини англатадиган тушунча.

Ақидапарастлик – кишиларнинг қалби ва онгига мағкуравий тазииклар асосида сингдирилиб, эътиқод даражасига кўтарилган дунёқараш шаклларидан бири.

Бағрикенглик (толерантлик) – ўзгаларга нисбатан меҳр-муруватли, ғамхўр, сахий, кенгфеълли бўлган, ана шундай маънавий фазилатларга эга кишиларни ифодаловчи тушунча.

Вайронкор ғоялар – бунёдкор ғояларга зид бўлган, ёвузлик ва жаҳолатга хизмат қиласиган ғоялар мажмумини ифода этадиган тушунча.

Ватан (араб. *туғилиб ўсган жой, она юрт*) – инсоннинг киндик қони тўқилган тупроқ, уни камол топтирадиган, ҳаётига мазмун-моҳият баҳш этадиган табаррук маскан.

Ватан манфаати – юксак маънавий тамоиллардан бири; Ватаннинг озодлиги ва мустақиллиги, унинг ҳудудида яшаётган халқнинг тинчлиги ва осойишталиги, бугунги ва келажак ҳаётини, ҳуқуқ ва манфаатларини, барча миллий бойликларни асраб-авайлаш, бойитиш ва

химоя қилиш билан боғлиқ барча мақсад-вазифаларни ифода этадиган тушунча.

Ватан равнақи – миллий истиқлол мағкурасининг Ислом Каримов томонидан асослаб берилган ғоялиридан бири. Бу ғоя ҳар бир кишининг манфаатларини юрт манфаатлари билан уйғунлаштирадиган, уни ҳалқ баҳт-саодати йўлида хизмат қилишга даъват этадиган бунёдкор ғоя.

Ватанпарварлик – Ватанинг озодлиги ва ободлиги, унинг сарҳадлари даҳлсизлиги, мустақиллигининг химояси йўлида фидойилик кўрсатиб яшаш, она ҳалқининг ор-номуси, шон-шарафи, баҳт-саодати учун куч-ғайрати, билим ва тажрибаси, бутун ҳаётини баҳш этишдек дунёдаги энг муқаддас ва олижаноб фаолиятни англатадиган тушунча.

Ватанфурушлик – Ватанга хоинлик қилиш, Ватанини сотишни англатувчи тушунча.

Виждон эркинлиги – фуқароларнинг истаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқи.

Динлараро бағрикенглик – хилма-хил диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир замин, бир Ватанда, олижаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжамият бўлиб яшаш.

Гиёҳвандлик (наркомания) – инсон маънавиятига зид бўлган, унинг ижтимоий-руҳий ҳолатини буткул издан чиқарадиган ғоят хатарли иллат, бедаво хасталик.

Глобаллашув (лот. “*globus*” – “шар, Ер сайёраси”) – бу аввало, ҳаёт суръатларининг бекиёс даражада тезлашуви демакдир.

Диний экстремизм – экстремизмнинг диний соҳада намоён бўлиш шакли.

Жамият ҳаёти соҳаси – жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий жиҳатлари.

Замонавий технологик услублар – миллий ғояни тарғиб ва ташвиқ этишда фойдаланиладиган илм-фан

ютуқлари, энг сүнгти натижаларига таянган техник воситалар ҳамда улардан фойдаланиш маҳоратидаги янгича ғоя, қарашлар, услублар ҳамда инновацион технологиялар мажмуй.

Ижтимоий ҳамкорлик муроса фалсафаси бўлиб, хилма-хил фикр ва қарашларга эга бўлган турли миллат, ирқ ва динга мансуб шахс ва гуруҳларнинг умумий мақсад йўлидаги ҳамжиҳатлигини таъминлайди.

Иммунитет (лот. *"immunillare"* – "бирон нарсадан ҳолос бўлиш, қутулиш") – организмнинг доимий равиша ўз ички барқарорлигини саклаши, турли хусусиятларга эга ташки таъсиirlардан, хусусан, инфекциялар кириб келишидан ҳимояланишга қодир бўлган реакциялар мажмуаси.

Интернет (лот. *"inter"* – "аро" ва *"net"* (*work*) – "тармоқ") – катта (глобал) ва кичик (локал) компьютер тармоқларини ўзаро боғлайдиган бутун жаҳон компьютер тизими, бутун дунё бўйлаб фаолият қўрсатадиган ҳалқаро аҳборот алмашувининг глобал компьютер тармоғи, турли-туман масалалар ва соҳалар бўйича маълумотларни қамраб оладиган, узоқ масофалардан туриб алоқани амалга ошириш, электрон тижорат, масофавий таълим, аудео, видео, теле, тасвир айирбошлиш ва умуман, кўпдан-кўп янгилик ва маълумотларни жамлайдиган электрон аҳборот воситаси ва дастурини англашувчи тушунча.

Комил инсон ҳам миллий, ҳам умумбашарий моҳијатга эга бўлган, одамзотга хос энг юксак маънавий ва жисмоний баркамолликни мужассам этган, уни ҳамиша ззгуликка ундейдиган ғоядир.

Маданий мерос – ажлодлар томонидан яратилган амалий тажриба, маънавий-ахлоқий, илмий, диний ва маданий қарашлар, ҳалқ маданияти ва ижодида ифодаланган моддий ҳамда маънавий бойликларни англашувчи тушунча.

Мафкура (араб. *"фикrlар мажмуи"*) – муайян ижтимоий гурух, қатлам, миллат, жамият, давлат манфаатла-

ри, орзу-истак ва мақсад-муддаолари ифодаланган ғоявий-назарий қарашлар ҳамда уларни амалга ошириш тизими.

Мағкуравий жараёнларнинг глобаллашуви – ғоявий таъсир ўтказиш имкониятларининг кенгайиши оқибатида Ер юзининг барча минтақаларида мағкуравий кураш умумбашарий миқёс касб этганини ифодаловчи тушунча.

Мағкуравий иммунитет – шахс, ижтимоий гурӯҳ, миллат, жамиятни турли зарарли ғоявий таъсирлардан ҳимоя қилишга хизмат қиласиган ғоявий-назарий қарашлар ва қадриятлар тизими.

Мағкуравий марказлар муайян ғояни илгари сурувчи, тарғибот ва ташвиқотнинг турли усул, воситалари орқали одамлар онги, руҳиятига таъсир этувчи кишилар уюшмаси, ташкилот ёки муассасалардир.

Мағкуравий плюрализм (лот. “*pluralis*” – “хилма-хиллик, ранг-баранглик”) – ижтимоий-сиёсий ҳётда турли қатлам, партия, гурӯҳлар манфаатларини ифода этувчи ғоявий ранг-барангликни, қарашлар ва фикрлар хилма-хиллигини ифодалайдиган тушунча.

Маҳалла соғлом ижтимоий муҳит масканидир. Жамоатчилик фикри маҳалла аҳлиниңг хулқ-атвори, ўзаро муносабатларини адолат ва маънавий мезонлар асосида тартибиға солиб туради.

Маънавий-маърифий тадбирлар самарадорлиги – жойларда амалга оширилаётган маънавий-маърифий тадбирлар ва тарбиявий ишлардан кутилган натижага эришилганини ифодалайдиган тушунча.

Маънавий тарғибот-ташвиқот – муайян гурӯҳ, миллат, жамият, ирқ, этник гурӯҳ, ҳудуд ҳалқларига маънавий тушунча ва тамойилларни сингдиришга қаратилган тизимли ва мақсадли маърифий фаолиятни, юртимиздаги турли миллат, ижтимоий тоифа, касбу-корга мансуб бўлган кишиларни маънавий тажковузлардан огоҳликка чорлаш, мавжуд хавф ва таҳдидларнинг моҳиятини

англааб етиш, улар ҳақида жамоатчилик фикрини шакллантириш, энг муҳими, миллий ғоя асосида халқни бирлаштириш, жипслаштириш, ёш авлод онги ва қалбида эзгу ғояларга садоқат туйғуларини тарбиялашга қаратилган усул ва амалий ҳаракатлар мажмуини англатади.

Маънавиятга таҳдид – ўзлигимизга ва келажагимизга таҳдид.

Метод – усул, услуб демакдир.

Меҳнат жамоалари инсон умрининг асосий қисми ўтадиган, унинг тафаккури, ҳаётга муносабати шаклланадиган ижтимоий-маънавий муҳитдир.

Миллатлараро тотувлик умумбашарий қадрият бўлиб, турли хил халқлар биргаликда истиқомат қила-диган минтақа ва давлатлар миллий тараққиётини белгилайди, шу жойдаги тинчлик ва барқарорликнинг ка-фолати бўлиб хизмат қиласди.

Миллий ғоя – аждодлардан авлодларга ўтиб, асрлар давомида эъзозлаб келинаётган, шу юртда яшаётган ҳар бир инсон ва бутун халқнинг қалбида чукур илдиз отиб, унинг маънавий эҳтиёжини ва халқ талабига айланиб кетган, ҳар қайси миллатнинг эзгу орзу-интилишлари ва умид-мақсадлари.

Миллий ғоя тарғиботи технологияси аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган эзгу ғояларнинг маъно-сини, мазмунини, моҳиятини ёритиш, тушуниш орқали шу эзгу мақсадларга ўшларни даъват қилиш, чорлашда техник воситалар, янги технологиялардан фойдаланиш, уни эзгу мақсадларга йўналтириш, сафарбар этиш орқали жипслаштириш, ёт ва заарарли ғояларга қарши имму-нитетни мустаҳкамлаш усул ва услубларини ўрганиш тўғрисидаги фандир.

Оила жамият негизи бўлиб, миллий ғоя тарғиботи-да жамиятнинг муҳим бўғини ҳисобланади. Мафқуравий тарбиянинг энг муҳим ижтимоий омилларидан биридир.

ОАВ – миллий ғоя тарғиботининг муҳим восита-си. Оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг доимий

номга эга бўлган ҳамда босма тарзда (газеталар, журнallар, ахборотномалар, бюллетенлар ва бошқалар) ва (ёки) электрон тарзда (теле-, радио-, видео-, кинохроникал дастурлар, умумфойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларидағи веб-сайтлар) олти ойда камида бир марта нашр этиладиган ёки эфирга бериладиган шакли ҳамда оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг бошқа шаклларидир.

Самара – натижа, ҳосила, фойда.

Самарадорлик – самарали, фойдали бўлишлик; фойдалилик.

Синквейн тарғибот технологиялари ичida яна кенг тарқалган усууллардан бири, яъни ахборотларни йигиш усули ҳисобланади.

Тарғибот – (арабча “*тарғиб*”) хоҳишни, қизиқишини кучайтириш, рағбатлантириш маъноларини англатади.

Тарғиботчи тарғибот ишларини олиб борувчи шахсни, “тарғиботчилик” эса тарғибот олиб боришни, тарғибот ишини англатади.

Технология (юонча “*techne*” – “маҳорат, санъат”; “*logos*” – “таълимот”) маъносини билдиради. Ишлаб чиқаришнинг бирор соҳасига ишлов бериш, қайта ишлаш, уларнинг ҳолати, хоссалари ва шаклини ўзгартиришда қўлланиладиган усууллар мажмунини англатади.

Юрт тинчлиги бебаҳо неъмат, улуғ саодатdir. Башарият ўз тараққиётининг барча босқичларида, аввало, тинчлик-тотувликка интилиб келган. Юрт тинчлиги – барқарор тараққиёт гарови.

Халқ фаровонлиги. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг олий мақсади – халқимизга муносиб турмуш шароитини яратишдан иборат. Яъни, ислоҳот ислоҳот учун эмас, инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилиши керак. Жамиятимизда ҳар қандай янгиланиш, ҳар қандай ўзгариш моҳиятида ана шу эзгу мақсад мужассамдир.

АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ

1. Раҳбарий адабиётлар:

1. *Каримов И.А.* Асарлар тўплами. 1-23 жиллар. – Т.: "Ўзбекистон", 1996–2015.
2. *Каримов И.А.* Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: "Маънавият", 2008.
3. *Каримов И.А.* Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: "Ўзбекистон", 2010.
4. *Каримов И.А.* Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: "Ўзбекистон", 2011.
5. *Каримов И.А.* Она юртимиз баҳту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т.: "Ўзбекистон", 2015.
6. *Каримов И.А.* Асосий вазифамиз – жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат. – Т.: "Ўзбекистон", 2016.
7. *Каримов И.А.* Озодлик ҳавосидан тўйиб нафас олган халқ ўз йўлидан ҳеч қачон қайтмайди. – Т.: "Ўзбекистон", 2016.
8. *Каримов И.А.* Ҳаёт синовларида тобланган Қашқадарё эли ҳар қандай юксак мэррани эгаллашга қодир. – Т.: "Ўзбекистон", 2016.
9. *Мирзиёев Ш.М.* Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги сўзлаган нутқи. "Халқ сўзи" газетаси, 2016 йил, 9 сентябрь. 179-сон.

2. Норматив-хуқуқий хужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: "Ўзбекистон", 2014.
2. "Таълим тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 1997 йил, 29 август. // Баркамол авлод – Ўз-

миллий гоя тарғиботи технологиялари бекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: “Ўзбекистон”, 1997. – 20-29-б.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонуни. // Халқ сўзи. 11 февраль, 2004.

4. “Ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори// Халқ сўзи, 2005 йил, 5 июнь.

5. “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш, “Интернет”нинг халқаро ахборот тизимларига кенг кириб боришини таъминлаш дастурини ишлаб чиқишини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори//Халқ сўзи, 2001 йил, 24 май.

6. “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (янги таҳрири)// Ўзбекистон Республикасининг оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2007. – 80-б.

7. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: “Ўзбекистон”, 1997. – 30-52-б.

8. “Миллий гоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони // Халқ сўзи, 2006 йил, 26 август.

9. Республика “Маънавият ва маърифат жамоатчилик марказини тузиш тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 23 апрелдаги Фармони. Интернет сайт: www.lex.uz

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида»ги Фармони. 1997 йил, 6 октябрь. // «Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори». – Т.: «Шарқ», 1998.

11. "Маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида". Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 сентябрдаги Фармони. Интернет сайт: www.lex.uz

12. "Республика Маънавият ва маърифат Кенгашини қўллаб-куватлаш тўғрисида". Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 3 октябрдаги Фармони. Интернет сайт: www.lex.uz

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги Қарори//Халқ сўзи. 2006 йил, 26 август.

14. «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва таъмиллар» фани бўйича ўқув дастурини тайёрлаш ва таълим тизимида жорий этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 18 январдаги Фармойиши.

3. Асосий ва қўшимча адабиётлар:

1. *Аббосхўжаев О., Умарова Н., Кўчқоров Р.* Мафкура полигонларидаги олишув. – Т.: "Академия", 2007.
2. *Абу Райҳон Беруний.* Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. – Т.: 1968.
3. *Абу Наср Форобий.* Фозил одамлар шаҳри. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги «Халқ мероси» нашриёти, 1993.
4. *Абилов Ў. Миллий ғоя, маънавий омиллар.* – Т.: "Маънавият", 1999.
5. *Алишер Навоий.* Маҳбуб ул-кулуб. – Т.: 1987.
6. *Алимова Д.* Инсоният тарихи – ғоя ва мафкуралар тарихидир. – Т.: "Янги аср авлоди", 2001.
7. *Амир Темур.* Темур тузуклари. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996.
8. *Азизхўжаев А.А.* Мустақиллик: курашлар, изтироблар, қувончлар. – Т.: «Шарқ», «Академия», 2001.

9. Азизхўжаев А.А. Давлатчилик ва маънавият. – Т.: "Шарқ", 1997.
10. Азизхўжаев А.А. Чин ўзбек иши. – Т.: "Академия", 2003.
11. Гафарли М.С., Касаев А.Ч. Ривожланишнинг Ўзбек модели: тинчлик ва барқарорлик – тараққиёт асоси. – Т.: "Ўзбекистон", 2000.
12. Жакбаров М. Комил инсон ғояси: тарихий-фалсафий таҳдил. – Т.: Абу Али ибн Сино нашриёти, 2000.
13. Жакбаров М. Комил инсон ғояси. – Т.: "Янги аср авлоди", 2002.
14. Жўраев Н. Мафкуравий иммунитет. – Т.: "Маънавият", 2001.
15. Жалолов А., Хоназаров Қ. Умумий таҳририда. Мустақиллик: изоҳли-илмий оммабоп луғат. – Т.: «Шарқ», 1998.
16. Жўраев Т.А. Миллий давлатчилик: хавфсизлик ва барқарорлик. – Т.: "Академия", 2007.
17. Исломов З., Исоқов Б., Юсупов О., Муҳаммадиев Д., Минаваров С. Бунёдкор ғоялар. – Т.: "Янги аср авлоди", 2001.
18. Каримова В. Таргиготнинг психологик услублари. – Т.: "Маънавият", 2001.
19. Каримова В., Умаров А., Курунов М. Миллий истиқлол ғоясини халқимиз онгига сингдириш омиллари ва воситалари. – Т.: "Янги аср авлоди", 2001.
20. Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. – Т.: «Ўзбекистон», 2001.
21. Левитин Л., Карлайл С. Ислом Каримов – янги Ўзбекистон Президенти. – Т.: «Ўзбекистон», 1996.
22. Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати – Т.: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2009.
23. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва таомойиллар. – Т: "Ўзбекистон", 2000.

24. Миллий истиқлол ғояси. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим бакалавриат босқичи учун дарслик (масъул муҳаррир И.Эргашев). – Тошкент, “Академия”, 2005 йил.
25. Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. – Т.: “Академия”, 2007.
26. Миллий ғоя: назарий манбалар (Хрестоматия). – Т.: “Академия”, 2007.
27. Миллий ғоя – илмий тадқиқотларнинг назарий-методологик асоси. Илмий тўплам.1-китоб. – Андижон: “Ҳаёт”, 2008.
28. Мустақил Ўзбекистон тараққиётиning ғоявий асослари. – Т.: “Шарқ”, 2001.
29. Муртазо Қаршибой. Бунёдкор халқ ғояси. – Т.: “Маънавият”, 2001.
30. Муртазо Қаршибой. Янгиланишдан буюк ўзгариш сари. – Т.: Faфур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001.
31. Муминов А. Ўзбекистон ахборотлашган жамият сари. – Т.: “Turon zamin ziyo”. 2013. – 164-б.
32. Мустақиллик. Изоҳли илмий-оммабоп луғат. – Т.: “Шарқ”, 2000.
33. Назаров К., Эргашев И. Миллий ғоя ва раҳбар ма-съулияти. – Т.: Faфур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2008.
34. Отамуротов С., Мамашокиров С., Холбеков А. Марказий Осиё: ғоявий жараёнлар ва мафкуравий таҳдидлар. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2001.
35. Очилдиев А. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. – Т.: “Ўзбекистон”, 2004.
36. Тарих, мустақиллик, миллий ғоя. – Т.: «Академия», 2001.
37. Тўраев Ш. Демократик жараёнлар ва миллий ғоя. – Т.: Маънавият, 2008. – 96-б.
38. Тўраев Ш. ва б. Миллий ғоянинг инновацион тарғибот технологиялари ва ёшларнинг ахборот-психо-

- МИЛЛИЙ ГОЯ ТАРГИБОТИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
- логик хуружларидан ҳимоя қилишнинг замонавий усуллари. – Т.: "Turon zamin ziyo", 2016. – 96-б.
39. Ўзбекистон: сиёсий ислоҳотлар стратегияси, эришилган натижалар ва истиқболлар. – Т.: "Академия", 2010.
40. Ўзбекистонда маънавият соҳасидаги ислоҳотлар: ривожланиш босқичлари, эришилган натижалар ва истиқболлар. – Т.: "Академия", 2010.
41. Ўзбекистонда давлат қурилиши соҳасидаги ислоҳотлар ва ҳукуқий сиёсат: ривожланиш босқичлари, эришилган натижалар ва истиқболи. – Т.: "Академия", 2010.
42. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда (Шарҳлар). – Т.: "Ўзбекистон", 2000.
43. Ўзбекистон юксалиш йўлида. – Т.: «Ўзбекистон», 2001.
44. Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон. Услубий қўлланма. – Т.: "Маънавият", 2013.
45. Қодирова М. Ёшлиар онгида ғоявий дунёқарашни шакллантириш. – Т.: "Янги аср авлоди", 2002.
46. Қорабоев У. Ўзбек халқи байрамлари. – Т.: "Шарқ", 2002.
47. Шарафитдинов О. Чўлпонни англаш. – Т.: "Ёзувчи", 1994.
48. Шарофуддин Али Яздий. Зафарнома. – Т.: "Шарқ", 1997.
49. Эргашев И. Ақл ва илҳом сатрлари. – Т.: "Жамият ва бошқарув", 2008. №2, 14–15-бет.
50. Эргашев И. Таракқиёт фалсафаси. – Т.: "Академия", 2000.
51. Эргашев И., М. Жакбаров, Н. Назаров. Жамиятни демократлаштириш ва миллий гоя. – Т.: "Академия", 2007.
52. Эргашев И. Миллий гоя ва фуқаролик жамияти. (Ҳаммуаллифликда). – Т.: Академия, 2005.
53. Эргашев И. Ҳаётнинг ҳар они фалсафа. – Т.: «Академия», 2011.

54. Эргашев Ф., Эргашев И. Фидойилик – ҳаёт мазмани. – Т.: «Ўзбекистон», 2001.

4. Интернет сайлар:

1. www.Lex.uz
2. www.Ziyonet.uz
3. www.Edu.uz
4. www.Ma'naviyat.uz
- www.Bilim.uz
- www.Fikr.uz
- www.Uza.uz
- www.Senat.uz
- www.Nauka.uz
- www.Faylasuf.uz
- www.Muloqot.uz
- www.Xabardor.uz
- www.Huquqburch.uz

Илмий нашир

И. Эргашев, М. Артиков,
Ф. Жўракулов, Ш. Тоғаев, М. Сафаров

МИЛЛИЙ ФОЯ ТАРГИБОТИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

{ў қ у в қ ў л л а н м а}

Мухаррир *A. Субонов*
Бадиий мухаррир *A. Мамасолиев*
Мусаххих *K. Балтабоева*
Саҳифаловчи *H. Азимова*

УЎК: 323,233(575,1)(075)

КБК: 66,3(5Ў)

M 50

Миллий ғоя тарғиботи технологиялари

M 50 йўқув қўлланма [Матн] /И. Эргашев [ва бошқ]

-Тошкент: «MASHHUR-PRESS» нашриёти, 2016. – 176 б.

ISBN 978-9943-4791-2-8

«MASHHUR-PRESS NASHRIYOTI»

Нашриёт лицензияси: № AI 282. 11.01.2016

100129, Тошкент, Ўзбекистон кўчаси 16-уй.

тел: (+99890) 900-75-77. (+99895) 195-94-62.

e-mail: mashkhur-press@mail.ru

Босишга 2016 йил 20 ноябрда руҳсат этилди.

Бичими 84x108 ½. Оффсет босма. «Virtec Peterburg Uz» гарнитураси.

Шартли босма табори 11,0. Адади 100 нусха. Буюртма № 24.

«MUMTOZ SO‘Z» МЧЖ босмахонасида босилди.

Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 69-уй.